

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

ЎБАЙДИИ

ДИЙДОР ОРЗУСИ

Р у б о и й л а р

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

84(59)6-5 Ўзб. 2428, 2с2р12р4
- Рубоийлар

Наширга тайёрловчи, таржимон,
сўз боши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Тақризчилар:
Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди


Қаҳрамон РАҲАБОВ,
тарих фанлари доктори

Вафо ФАЙЗУЛЛО,
шоир

Бухоро хони Убайдуллоҳон йирик давлат арбоби ва моҳир саркарда бўлишдан таниқари, Убайдий таҳаллусл остида ўзбек, форс-тожик ва араб тилларида маҳорат билан қалам тебратган зулҳисонайи шоир ҳам эди. У Шарқ мумтоз шеъриятининг разал, рубоий, қитъа, туюқ, маснавий каби ўнчадан ортиқ жанрларида баракали ижод қилган. Убайдий, хусусан, туркий ва форжий сўз санъатидаги сермахсул рубоийнавислардан бўлиб, унинг туркий девонида — 430, форжий девонида — 418 та рубоий мавжуд. Бу рубоийларда диний-тасаввуфий рағзалар тарғиб қилиниб, илоҳий ва дунёвий инқ тарғибу ум этилади, шоҳ-шоирнинг Олам ва Одам ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари ифодаланади. Улар орасида чарху фалакдан ва замондан шикоят, панд-насихат, бадиха ва таржиман ҳол характеридаги рубоийлар ҳам аниқгина. Икк бор ўзбек ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилаётган Убайдий рубоийлари адабиётимиздаги бир бўшлиқни тўлдириб, кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

ISBN 978-9943-00-078-0.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007.





ЗАБАРДАСТ РҶБОИИ НАВИС

Қадимий қадриятларга, тарихга, кўҳна меросга муносабатининг ижобий томонга ўзгариб, бу борада ҳолме нуқтаи назарининг қарор топиши туфайли кейинги йилларда илғари турли сабаб-баҳоналар билан қораланган, сиқфий ва сиёсий тамға босилган миллий маънавиятимизнинг кўпйаб дарғалари ном оқлабди, уларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа етказилди. Ҳукмдор табақа вақили сифатида шўро адабиётшунослигининг сиқфий қолтига тушмай, қора чизик ортида қолганлардан бири йирик давлат арбоби ва забардаст шоир Абдулғози Убайдулло Баҳодирхон ҳисобланади. Ўзининг серқирра фаолияти билан XVI аср ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган бу беназир инсон ўзбек халқининг буюк сиймолари қаторидан ўрин олинга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллохон 1486 йили Хоразмни эгаллаш учун олиб борилган ҳарбий юришлар вақтида Вазир шаҳри¹ яқинидаги Ямани Тирсак мавзёсида туғилган². Азиз-

¹ Бу шаҳар-қалъани XV аср ўрталарида кўчманчи ўзбек хонларидан Мустафоҳон қурдирган. Кўҳна Урганчдан 60 км масофада бўлган. (Қараи: Ўзбекистон миллий эишкитопедияси. 2-жилд. — Тошкент, 2001. 363-бет.)

² Бу ҳақда қараи: Абдуллаев М.Х. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Номзодлик диссертацияси автореферати. — Тошкент, 2000. 9—10-бетлар.

авлиёлар, хусусан, нақшбандия шайхларига муҳаббат ва эътиқоди баланд бўлган Маҳмуд Султон Туркистон мулкининг ўша даврдаги шайх ул-машойихи, машҳур диний ва сиёсий арбоб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийдан ўз ўғлига ном қўйишни илтимос қилади. «Ўз номларини беришлари ул зотнинг зўр марҳаматларидан бўлдики, шунинг учун ҳам унинг бебаҳо асарлари ва яхши номларининг оқибати оламда боқийдир»¹, — деб ёзади бу ҳақда машҳур муаррих Ҳофиз Таниш Бухорий.

Ёнлигидан алоҳида фазилатлари ва фавқуллода қобилиятлари билан ажралиб турган Убайдуллоҳон Амир Абдулла Яманий, Хожа Муҳаммад Садр, Хожа Мулло Исфаҳоний, Мавлоно Маҳмуд Азизон, Мавлоно Ёрмуҳаммад Қори каби ўз даврининг етук алломалари қўлида таҳсилини камолга етказди. Чунинчи, замона муҳаддислари сарвари Хожа Мавлоно Исфаҳонийдан ҳадис илмини, фақиҳлар пешвоси Мавлоно Маҳмуд Азизондан фикҳни, машҳур ҳофиз Қуръон Ёрмуҳаммад Қоридан қироатни ўрганади². У тасаввуф бобидаги сабоқни дастлаб отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозидан олган. Кейин унинг халфаси Маҳдуми Аъзамга шогирд тулган. Убайдуллоҳоннинг, хусусан, Мир Араб номи билан шуҳрат тутган Амир Абдулла Яманийга эътиқоди баланд бўлиб, унга продат нисбати бор эди. Мир Араб унинг маънавий пири бўлибгина қолмай, дав-

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномаи шоҳий»). Икки жилдик. I-жилд. — Тошкент, 1999. 59-бет.

² Бу ҳақда қarang: Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. (Форе тилидан Исмоил Бекжон таржимаси.) — Тошкент, 1993. 23—24-бетлар.

лат ишлари ва ҳарбий масалаларда ҳам унга яқиндан маслаҳат бериб турган.

Убайдуллохоннинг нафақат моҳир саркарда ва етук давлат арбоби, балки инсон сифатида шаклланиши ва камол топишида ҳам амакиси Муҳаммад Шайбонийхоннинг таъсири ва хизматлари катта. Чунки 15 ёшидан бошлаб ўз даврининг яхши таълим-тарбия олган, диний ва дунёвий илмлардан хабардор етук ва фозил кишиси, истеъдодли шоир, мусаввир, мусиқачи ва ҳофизи Қуръон бўлган Шайбонийхоннинг қанотига кириб, то 1510 йили Марв ёнида Шоҳ Исмоил Сафавийдан енгилиб, шахид бўлгунига қадар унинг шайбонийлар давлатини қуриш учун олиб борган барча урушларида иштирок этади, катта тажриба ва обрўга эга бўлиб, хондан кейинги иккинчи шахсга айланади. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича: «Аксар муҳоробаларда¹ олий лутфу қарамлар эгаси бўлмиш амакиси хизматида туриб, вам-ташвиш доғини ўзининг обдор² ўткир тиги сайқали билан унинг дил ойинасидан ювиб кетказган. Фатҳу иноятлар эшикларини очувчи Ҳазрат³ қаерда давлат қонусини⁴ Шайбонийхон юзига очган бўлса, унинг қалитини Убайдуллохоннинг фатҳ ойинли⁵ қиличисиз тасаввур этини мумкин эмас ва қаерда давлату мулк ошиғи⁶ тўй ҳашамини ҳозирласа, суюқлигининг юзи⁷ Убайдуллохоннинг за-

¹ Муҳораба — жанг, уруш.

² Обдор — бу ерда: сайқал берилган, қайраб ўткир қилинган.

³ Ҳазрат — Оллоҳ кўзда тутилмоқда.

⁴ Қону — эшик, дарвоза.

⁵ Фатҳ ойинли — зафар келтирувчи.

⁶ Мулк ошиғи — бу ерда Шайбонийхон кўзда тутилмоқда.

⁷ Суюқлигининг юзи — яъни, фатҳ этилажак шахар.

фар келтирувчи тирм ойинасиенсиз жамол кўрсатмас эди»¹.

1504 йили отаси Қундузда вафот этгач, 18 январ Убайдуллохон унинг ўрнига Бухоро ҳокими қилиб тайинланади. 24 ёшидан (1510 йилдан) бутун шайбонийлар салтанатининг ноиб, 1533—1540 йилларда эва бош хон сифатида фаолият кўрсатади. «1505—1506 йиллардан бошлаб шайбоний хонларга тегишли барча ишларни амалда Убайдуллохон бошқарганидан, у бош хонликни даъво қилганида ҳам, виждонан айғанда, ҳеч ким қаршилик қилмаган бўлар эди, аммо у авлоддан-авлодга ўтиб келатган анъаналарга амал қилиб, бу ушвонни хонадоннинг энг ёши улурига раво кўриб келди, — деб ёзади машҳур муаррих Мирзо Муҳаммад Хайдар. — То Абусаидхон вафот этиб, Убайдуллохондан ёши улур киши қолмагунча бу анъана давом этди. Шундан кейингина у хонлик тахтига ўтирди ҳамда адолат ва эгулик насими билан дунёга мусоффолик бахш этди»² (Кўчкинчихон ва унинг ўғли Абусаиднинг вафотидан кейин Убайдуллохон бош хон бўлиб, Самарқандни пойтахт қилишни керак эди. Лекин Кўчкинчихон ақлодларидан Абдуллатифхон Убайдуллохонни Самарқандга киритмайди. Убайдуллохон пойтахтни Бухорога кўчиришга мажбур бўлади ва хутба ҳам унинг номига шу ерда ўқилади). «Умуман олганда, худди мана шу султон олий тахтга ўтиргунга қадар шайбонийлар на ички, на ташқи

¹ *Ҳасанхожа Нисорий*. Музакири аҳбоб. 21—22-бетлар.

² *Мирзи Муҳаммад Хайдар*. Та'рих-и Рашиди. (Перевод с персидского А. Урунбаева, Р.Н. Джалиловой, Л.М. Епифановой.) — Ташкент, 1996. С. 357.

сиёсатда эътиборга молик тадбирларни амалга оширолмаганлар... Ғайратли ва удабурон Убайдуллохон мамлакат ичкарисида тартиб ўрнатишда ва, айниқса, Хуросонда Мовароуннахрнинг илгариги мавқеини мустаҳкамлашда кўп тадбирларни амалга оширади»¹. Шу тариқа, «Шайбонийхондан сўнг ўтган шижоатли ва ҳарбий ҳукмдорлардан бири»² бўлган Убайдуллохон ҳоким, ноиб ва хон бўлиб жами 36 йил ҳукмдорлик қилади. «Унинг пойтахти бўлган Бухоро олиму фузалоларнинг тўпланадиган жойи бўлиб, Убайдуллохон замонида шундай даражага етдики, Мирзо Хусайн Бойқаро давридаги Ҳиротни ёдга соларди»³, — деган эди Мирзо Ҳайдар. «Ўз даврининг Нўширавони»⁴ (Маҳмуд ибн Вали) Убайдуллохоннинг мамлакатдорлигини таърифлаб, Ҳофиз Танини Бухорий ҳам: «Убайдуллохон бин Маҳмуд Султон бин Шоҳ Будоя Султон бин Абулхайрхон адолат шевасида динпарвар ва сиёсат йўлида воятда машҳур бир подшоҳ эди»⁵, — деб ёзади. «Унинг даври ва халофати замонида Мовароуинаҳр, хусусан, Бухоро вилояти гуллаб-яшнади»⁶. — деб гувоҳлик беради.

Убайдуллохон диндор подшоҳ бўлган — бир умр ислом асосларини мустаҳкамлаш, Муҳаммад

¹ Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. — Тошкент, 2001. 239—240-бетлар.

² Ўзбекистон халқлари тарихи. Икки жилдлик. 2-жилд. — Тошкент, 1994. 20-бет.

³ Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Та'рих-и Рашиди. С. 357—358.

⁴ Нўширавон (Айгулнорон) — Эроннинг соҳонийлар табақасига мансуб шоҳ. У Шарқ адабиётида одиллик тимсоли сифатида машҳур.

⁵ Ҳофиз Танини ал-Бухорий. Абдулланома. 1-жилд. 58-бет.

⁶ Ўша ерда. 61-бет.

алайҳиссалом суннатиини устувор этиш учун жангу жадал олиб борган. У Мовароуннаҳрни яна мазҳабидаги Шоҳ Исмоил боплиқ Эрон сафавийлари — қизилбошлар¹ истибдодидан сақлаб қолган. Унинг Марказий Осиё халқлари тарихидаги бу буюк хизмати муаррихлар томонидан ҳамон ўзининг муносиб ва ҳаққоний баҳосини олганича йўқ.

Убайдуллохон тасаввуфга ҳам беқиёс муҳаббати ва сўфийларга чексиз эътиқоди билан ажралиб турганлиги учун Фахрий Ҳиротий уни «дарвеш кийимидаги шоҳ» деб таърифлаган бўлса, Махдуми Аъзам у ҳақда «дарвешларнинг мухлиси ва эътиқодманди, аммо бу фақир дилу жонининг маҳбуби»², деган эди. Фитратнинг ёзишича: «Бу одам ўзининг ҳукумат ишларига қарамасдан, шайхлик ҳам қилар эди, бу ишни ўзининг сиёсати учун лозим билар эди. «Самарат ул-машойих»нинг ёзганига кўра, Убайдуллохоннинг тариқат нисбати Авлиё Қорахон отли бир шайх воситаси билан Ҳаким Сулаймон отара борадир. Ёлғуз бу қадар билан қолмаган, ўзи учун муридлар олган. Жаҳр мажлисларига иштирок қилган. Унинг ўлими билан топилган таърих моддаси «Зикргў» (яъни «зикр этгучи»дир). Убайдуллохоннинг яссавийлар билан жуда қатъий бўлганганига яна бир далил яссавий шайхи Худойдоднинг муриди Муҳаммадиёр Нўғай отара ўз қизини берганидир»³.

¹ «Шоҳ Исмоил Сафавий аскарлари тўқ қизил ленталар ўратган бош кийими кийганлиги учун шундай аталганлар» (Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. — Тошкент, 1994. 338-бет).

² *Махдуми Аъзам Даҳбедий*. Зубдат ус-соликин. Танбият ус-салотин (нашрга тайёрловчи Ботир Валихўжаев). — Самарқанд, 1994. С. 44.

³ *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. — Тошкент, 2000. 35—36-бетлар.

Убайдуллохон Аҳмад Несавий руҳидан мадад сўраб, жангу жадалларда ғалаба қозонгани, тахтга ўтиргани, унга эргашиб ҳикматлар айтгани маълум. Айни пайтда, унинг нақшбандияга эътиқоди ҳам ундан кам бўлмаган. Бошқача айтганда, у ўша даврда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган икки тариқат — яссавияга ҳам, нақшбандияга ҳам кирган. Унинг ижодида ҳам ҳар иккала тариқат таъсири, воқиялари ифодасини кўрамиз. «Қул Убайдий» деган тахаллусларнинг ўзи ҳам шаклан Аҳмад Несавий услуби ва тасаввуфий ҳоксорлик (ўз нафси-қурулини енга олган Олтоҳнинг қули)ни англатади¹. Шу билан бирга, Убайдуллохоннинг «нақшбандияга мансублиги дин ва дунё ишлари билан барқарор мангул бўлишига имкон берган»².

Аввало, сўфийлик таълимотига майл, дарвешлик Убайдуллохоннинг қонида бор эди: унинг қариндош-уруғлари бўлмиш шайбоний султонларнинг барчаси азият-аълиёларга алоҳида муҳаббат ва эътиқоди билан ажралиб турганлиги тарихий ва адабий манбалардан маълум. Отаси — Бухоро ҳокими Маҳмуд Султон эса нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги йирик намояндаси Хожя Аҳрор Валийни чуқур ҳурмат-эҳтиром қилибгина қолмай, унинг муриди Мақлопо Муҳаммад Қозини Бухорога таклиф этиб, унга қўл берган (асли андижонлик бўлган бу улуғ зот Заҳириддин Муҳаммад Бобур хонадонининг ҳам пири-муршиди эди. Убайдуллохон ҳам унинг суҳбат ва назаридан баҳраманд бўлган). Мирзо Ҳай-

¹ Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. — Тошкент, 2002. 95-бет.

² Ўша ерда.

дарнинг Мавлоно Муҳаммад Қозининг сўзларига асосланиб гувоҳлик беришича, ҳукмдорнинг ўз иродасини пир ихтиёрига топшириши дарвешлар орасида тариқатга қизиқишни ҳаддан зиёд кучайтириб юборган экан¹.

Иккинчидан, у тасаввуф ривожланиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган², тариқат шайхлари ҳокимиятни ботқарини ишларига фаол аралаша бошлаган бир даврда яшаб ўтди. Шарқшунос олим Илёсхон Ғозийнинг ёзишича: «...нақшбандия тариқати ўз мактабига қарийб жами ҳукмдорларни жалб қилган. Масалан, Махдуми Аъзам даврини олсак, ҳукмдорлар Убайдуллохон, Жонибек Султон, Исфандиёр Султон, Искандар Султонлар Махдуми Аъзамнинг муридлари эдилар. Ёки Хожа Аҳрор даврини олсак, Султон Абусайд, Бобур Мирзолар Хожа Аҳрорнинг мухлислари эдилар. Бу тариқат ишволари фуқаро ва ҳукамо ораларидаги муносабатларни деярли назорат остига олган эдилар ва асосан халқ томонида эдилар»³.

Учинчидан, «қабул назари Хожа Аҳрори Валийдан ҳосил бўлган»⁴ Убайдуллохоннинг ўзи ҳам отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозининг шогирди эди. Шунингдек, «хожагон тариқатининг баландпарвоз шаҳбози» Махдуми Аъзамга мурид тушиб, умри-

¹ Мирза Муҳаммад Хайдар. Та'рих-и Рашиди. С. 288.

² Қарағ: Ўзбекистонда ижтимоий-филсафий фикрлар тарихидан. — Тошкент, 1995. 182-бет.

³ Ғозий И. Нақшбандия тариқатининг буюк сиймоси — Махдуми Аъзам//Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. — Тошкент, 1994. 273-бет.

⁴ Исҳоқов Ё. Нақшбандия тазлимоти ва ўзбек адабиёти, 94-бет.

нинг охиригача у билан яқин алоқада бўлган. Ўз навбатида, Махдуми Аъзам ҳам Убайдуллохонга алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қараб, унинг шеърлари тадқиқига бағишлаб 3 та рисола ёзган. Улардан бири «Рисолаи чаҳор калима» («Тўрт калима шарҳи») бўлиб, бу муъжаз асарда нақшбандия тариқатининг тўрт руки Убайдийнинг қўйидаги рубойиси асосида шарҳланади:

*Ҳар лаҳза нитан нчра сифар қилғудур,
Юрмоқда қадам узга назар қилғудур.
Хилват тутубон ҳар анжуман нчра мудом,
Хилватга қарийбда гузар қилғудур¹.*

«Нақшбандия сулукининг Хожа Ахрори Валийдан кейинги энг улуғ арбоби Махдуми Аъзам (1461—1544) томонидан Убайдийнинг бир рубойисига шарҳ ёзилиши унинг тасаввуфдаги мақоми қай даражада бўлганлигидан далолат қилади»².

«Шарҳи як ғазали Убайдуллохон» («Убайдуллохоннинг бир ғазали шарҳи») номли рисоласида эса унинг орифона бир ғазалини нақшбандия тариқати қондаларини ёритиш мақсадида шарҳлайди.

Учинчи рисола «Рубойилар шарҳи» деб аталиб, унда Убайдийнинг сўфиёна мазмундаги 12 рубойиси ва орифона руҳдаги бир фўренӣ ғазали шарҳланади. «Рубойиларни шарҳлаш жараёнида турли сўфиёна атамалар, сулук аҳлига хос бўлган иборалар, жумладан, тажалтий, ҳузур, кайбат, тааллуқ, кифлат, жазба, ҳақиқат, зот ва сифот тажалтийси,

¹ Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва ишсон. — Тошкент, 2001. 114-бет.

² Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. 94—95-бетлар.

ҳақиқий маҳбуб, висол, инсу жин шайтонлари, пиру мурид сингари кўп мавзулар борасида сўз боради ва ҳақиқат қидирувчилари учун бу бораларда старли маълумот берилади. Муаллиф рисолаи Убайдийнинг уч байтдан иборат ўзбек тилида битилган манзумаси билан тугатади»¹.

Убайдийнинг бир кун пешиндан кейин бадиха тарзида айтган араб тилидаги сўфиёна рубоийси шарҳига бағишлб араб тили ва фалсафа билимдо-ни Мавлоно Ансориддин Иброҳим намозиномга қадар бир рисола тасниф этиб, унинг «ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маъно айтган» экан².

Муҳаммад Юсуф Мушшӣ тазбири билан айтганда, «адолат шеvasида ягона, жанг соҳасида ниҳоятда фарзона» бўлган, Худованди карим «ҳеч қандай фазилят ва камолотдан бенивсиб этмаган», «диловар ва баҳодир»³ Убайдуллоҳон жангу жадал олиб бориш, мамлакатни сиёсий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, сунний мазҳабини устувор этиш, тасаввуфни ривожлантириш билан кифояланиб қолмай, илм, маданият ва адабиётга ҳам катта эътибор берган. Манбаларнинг маълумот беришича, XVI асрнинг бонидан то ўрталаригача Бухоро адабий муҳитида 112 шоир яшаб ижод этган. Улардан 11

¹ Абдулҳаким Шарий Нўзгоний. Тасаввуф ва ишқон. 115-бет.

² Ҳасанхожа Нисорӣ. Музакири аҳбоб. 172-бет. Бошқа бир манбада эса «ҳар мисрада 656 маънони ифода этиб жўнатди» дейилади (қараг: Шарафиддин Роқимий. Тарихи томи. Ҳайдарбек Бобобекон ва Паим Норкулоҳлар таржимаси. — Тошкент, 1998. 90-бет).

³ Қараг: Муҳаммад Юсуф Мушшӣ. Муқим-ханская история. (Перевод с таджикского А.А. Семёнова.) — Ташкент, 1956. С. 52.

нафари соҳибдевои шоирлар эди. Рӯзбеҳон Исфаҳоний, Зайниддин Восифий, Абдурахмон Мушфиқий, Ҳасанхожа Нисорий, Нахлий Бухорий, Девона Ҳусомий каби машҳур шоирлар шулар жумласидандир. Убайдуллоҳон саройида ҳам кўплаб шоирлар тўпланган эди. Хон ва шайхулислом Хожа Ҳошимий Сиддиқий ижод аҳлини қизгин қўллаб-қувватлаганлар. Бухоро адабий муҳити Мовароуннаҳрда алоҳида нуфузга эга бўлган¹. Зайниддин Восифийнинг ёзишича: «Ул Ҳазратнинг одати шу эдики, ҳар кун би р шеърни ўртага ташлаб, унга татаббуъ ва жавоб ёзишга шоирларни ундардилар. Дердиларки, таъни бекорга ўтказманглар, уни машғул қилмоқ лозим. Сўстлик таънийиғ бўшашишига сабаб бўлади ва зеҳни ўтмаслаштиради»².

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг лутф этишича, «... (роят) фазилатли бўлиб, фазлу камол безак(лар)и билан зийнатланган»³ Убайдуллоҳон серқирра истеъдод соҳиби эди: адабиёт, санъат, илоҳиёт, хаттотлик каби бир неча соҳаларда ўз иқтидорини синаб кўриб, уларнинг барчасида ҳайратомуз патижаларни қўлга киритган. У, хусусан, «шеър илмларида соҳиби фан»⁴ бўлиб, Убайдий, Қул Убайдий, Убайдуллоҳ тахаллуслари остида ўзбек, форс-тожик ва араб тилларида бирдай маҳорат билан қалам тебратган. «Ўзбек адабиёти тарихида уч тилда қалам

¹ Бу ҳақда қаранг: Каримов У. Адабиёти тожик дар асри XVI. — Душанбе, 1985. С. 160—161.

² *Зайниддин Восифий*. Бадоеъ ул-нақоъъ. (Форсийдан Наим Норқулов таржимаси.) — Тошкент, 1979. 46-бет.

³ *Ҳофиз Таниш ул-Бухорий*. Абдуллонома. 1-жилд. 59-бет.

⁴ *Ҳасанхожа Нисорий*. Музаққир аҳбоб. 29-бет.

тебратган, шеър ёзган, девон тузган шоир кам»¹. Убайдийнинг ҳар учала тилдаги девонларини ўз ичига олган, 1583 йили ўз даврининг моҳир хаттоти Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган «Куллиёт»ининг ягона нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида 8931 рақами билан сақланади². Убайдий туркий девонининг «қиблат ул-куттоб» («котиблар қибласи») Султонали Маиҳадий томонидан кўчирилган яна бир нусхаси Британия (Англия) музейида 7907 рақами остида сақланади. Тапиқли тилшунос олим Эргаш Умаров АҚШда илмий сафарда бўлганида унинг фотонусхасини олиб келиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Ўзбек адабиёти тарихи бўлимига тўхфа қилган. 78 варақдан иборат ушбу ҳажман кичик девоннинг афзаллиги

¹ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. — Тошкент, 1997. 24-бет.

² Аҳмад Закий Валидий Тўғон ўз хотираларида ўтган аср 20-йилларининг бошида Умар Ҳожи деган бир бойнинг уйида меҳмон бўлганида унинг бой кутубхонасида «XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган машҳур ўзбек ҳукмдори Убайдуллоҳоннинг туркча, форсча ва арабча — уч тилда ёзилган шеърлар тўплами»ни учратгани ҳақида маълумот беради. «Музейда сақланиши зарур бўлган бу нусха Убайдуллоҳоннинг ўз даврида ёзилиб, Умар ҳожининг тарихий китобларда ҳам номи зета олинган бобосига хон тарафидан соғва тариқасида ёзиб берилган эди. Китобда ўша ёзув ҳам сақланган». Закий Валидий бу китобларни Самарқанд музейига топширишни маслаҳат берганлигини айтиди. (Қаранг: Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.) Бошқирд тилида Шерати Турдиев таржима-си. — Тошкент, 1997. 156—158-бетлар).

унда шоир «Куллиёт»ида бўлмаган бир қанча шеърлар мавжудлигидир¹. Шунингдек, шоҳ-шоир шеърларини ўз ичига олган «Девони Убайдуллохон» Туркиянинг Нури Усмония кутубхонасида (№ 4904), «Масоил ус-салот» номли терма баёзи Қўшиёдаги Иззатқулон хусусий кутубхонасида сақланади. Умри асосан жангу жадалларда ўтган бўлишига қарамай, вақтини сира беҳуда ўтказмай, чуқур билим олган ва илму ижодга ҳамиша вақт топган Убайдуллохон Қуръон мутолаасини осонлаштириш учун туркий тилда «Ат-тажвид» рисоласини яратган илоҳиёт олими, шариат қонунлари бўйича махсус китоб битган фақиҳ, етти хил ҳуснихатда ёза оладиган, хусусан, насталиқни гўзал битадиган, Қуръони каримдан нусха кўчириб, Маккагуллоҳга юборган «замона котибларининг устоди», Қуръонни тажвид билан қират қиладиган ҳофизни Қуръон, куй ва қўшиқлари халқ томонидан севиб ижро этиладиган истисъодли созанда ва бастакор ҳам эди.

Убайдийнинг туркий девонида 310 дан ортиқ ғазал, 428 та рубоий², 25 қитъа, 11 туюқ, 18 маснавий, 7 муаммо, 2 ёр-ёр мавжуд. Шунингдек, диний-тасаввуфий, ахлоқий-дидактик руҳдаги «Омонатно-

¹ Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қarang: Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. 24—28-бетлар.

² Абдуқодир Ҳайитметов «Иззатини яхшироқ этмак керак» мақоласида («Шарк юлдузи», 1991. 10-сон, 152-бет) шоир рубоийларини 435, «Қул Убайдий хусусида» кириш сўзида (Қул Убайдий. Вафо қилсанг. — Тошкент, 1994, 4-бет) 485 дан зиёд, Муҳаммад Абдуллаев эса 445 та яқин (Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. 12-бет) деб кўрсатадилар. Бизнинг аниқлашимизча, «Куллиёт»даги турттикларнинг 433 таси рубоий бўлиб (улардан 4 таси жузъий тафовутлар билан такрор келтирилган), қолгани қитъа ва дубайтийлардир.

ма», «Шавқнома», «Ғайратнома», «Сабринома» манзумалари ўрин олган. «Убайдийнинг бу номаларни ёзишдан кузатган мақсади инсон камолотини таъминлашга хизмат қиладиган ахлоқий масалаларни ёритиш бўлган»¹. Форсий девонида эса 163 ғазал, 418 рубоий, 7 қитъа, биттадан фард, маснавий, таржеъбанд ва 3 муаммо бор. Араб тилидаги мероси 35 га яқин ғазал, қитъа ва фардлардан иборат. Убайдийнинг адабий хизматларидан бири Аҳмад Ясавий асос солган ҳикматнавислик анъанасига янги ҳаёт бағишлаганидир. Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортиқ ҳикмат етиб келган².

Абдуқодир Ҳайитметовнинг ёзишича: «Убайдийнинг ўзбек тилидаги девонини дастлабки ўрганиш шуни кўрсатадики, бу девон бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унда қофияси «алиф»га оид 44, «қоф»га оид 13, «нг»га оид 26, «л»га оид 9, «м»га оид 15, «н»га оид 58, «ёй»га оид 85 ғазал мавжуд бўлгани ҳолда, «б», «п», «с» (син), «ҳ», «х», «ж», «д», «р», «сод», «зод», «итқе», «изре» каби ҳарфларга оид ғазаллар йўқ. Бу шуни кўрсатадики, девоннинг каттагина қисми йўқолган.

Шунга қарамай, мазкур девон Убайдийнинг катта шеърый истеъдодидан дарак беради. Унинг ғазал ва рубоийлари, қитъа ва туюқлари ўзбек шеърятининг катта ютуқлари бўлиб, улар бир қанча

¹ Абдуллаев М.Х. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. 20-бет.

² Шоҳ-шоир «Қулшёт»нинг таркибий тузилиши билан боғлиқ барча маълумотлар М. Абдуллаевнинг «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» номли номзодлик диссертацияси авторефертидан олинди (12—13-бетлар).

ўзига хос хусусиятларга, поэтик услуб кўринишларига эга»¹.

Абдурауф Фитрат ҳам «Убайдуллоҳнинг форсийча ва ўзбекча чиройлик парчалари кўп. Бу кунги материалларга кўра, уни бу даврнинг энг яхши шоири деб қабул қилишга тўғри келади»², — деб ёзган эди.

Убайдий ижодида диний-тасаввуфий ғоялар етакчилик қилади: уларда биз ислом таълимоти ва сўфийона ғоялар тарғиби билан бир қаторда, илоҳий ва дунёвий ишқ тараннуми, шоҳ-шоирнинг Олам ва Одам ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг бадий талқинлари, чарху фалакдан, замонадан ва покаскишилардан шикоят оҳанглари, диний бидъатчилик танқиди, панд-насихат руҳидаги ва ҳасби ҳол хактеридаги шеърларни кўрамыз.


Шоир шеърларида ўзбек тилининг бой имкониятларидан, ўзига хос хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланади. Убайдий шеърларининг тили содда, услуби раво, форс-араб сўзлари ниҳоятда оз, халқ жонли тилига яқин.

Убайдий ўзбек ва форс-тожик сўз санъатидаги забардаст рубоийнавислардан ҳисобланади. Унинг бу икки тилдаги рубоийлари 850 га яқин. Хусусан, ўзбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги тараққиёти Убайдий номи билан боғлиқ.

Бу давр адабиётида анъанавий мавзулар давом эттирилиши баробарида, реал ҳаёт тасвири, таржи-

¹ Ҳайитметов А. Қул Убайдий ҳусусида. Сўз боши//Қул Убайдий. Вафо қилсанг. (Туркий «Девон»дан намуналар.) — Тошкент, 1994. 4-бет.

² Абдурауф Фитрат. Таълиқланган асарлар. 2-жилд. 57-бет.



ман ҳол хусусиятлари асарларга кириб кела бошлади. Бу ҳолатни биз нафақат Бобур, балки Убайдий ижодида ҳам ёрқин кўрамиз. Бизни ҳайратга солган нарсасиёсат майдонида ўзаро рақиб бўлган бу икки шоир разаллари, хусусан, рубоийларининг тил, услуб ва ифода тарки жиҳатидан фавқуллоҳда ўхшашлигидир. Албатта, воқеий жиҳатдан улар орасида талай тафовут ва зиддиятлар мавжуд.

Абдурауф Фитрат ўзбек рубоийнависларини Умар Хайём билан қиёслар экан, фақат Бобурнигина унга ўхшатиш мумкинлигини айтиб, шундай ёзган эди: «Бобур рубоийларида бўлган очиқлик, гўзаллик, соддалик Хайёмга ўхшайдир»¹. Убайдий асосан Навоийдан таъсирланган, унга эрганган бўлса-да², унинг туркий рубоийлари мазмунининг юят теран, шунинг баробарида ифода тарзининг жуда содда, фикрнинг мураккаб ва айни пайтда очиқлиги, бадиий санъатларга бой ва гўзаллиги, умидбахш дард ва ёруғ ҳасратга йўйрилган жозиб руҳи, кўнгилга яқин оҳанги билан Бобур рубоийларини ёдга солади. Шоирнинг форсий рубоийларида эса Умар Хайём, Абусайд Абулхайр, Нажмиддин Кубро, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий, Наҳлавон Маҳмуд каби Шарқнинг мумтоз рубоийнавислари таъсири ва руҳини дарк этамиз.

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. 171-бет.

² Убайдий «ижод соҳасида бириинчи устоз деб Алишер Навоийни таъир ва бу тўғрида фахр билан шундай деган эди:

*Шеърлар айтиб Убайдий ҳам Навоий шеъридек,
Кўрки, шоирлар аро ул дони шоир бўлгуси.*

(Бу ҳақда қараг: Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. 24-бет.)

Убайдий рубоийларининг тили равои, услуби сода ва гузал, мазмуни кенг ва теран. Улар дунёнинг пасту баландини кўрган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучутини тотган, инсон феълининг турфа тусланишларини обдан ўрганган, илми зоҳир ва илми ботинини ўзида мужассам этган олим ва ориф инсоннинг қалбидан қайнаб чиққан ҳикматлардир.

Диний ва тасаввуфий мазмунидаги рубоийлар ўз салмоғига кўра шоир рубоийётининг асосий қисmini ташкил этади. «Тасаввуфдаги фикрлари мазмуни асосли ва кучли намоён бўлар, баланд маъноларни дилписанд иборатлар билан баён қилар эди»¹, — дейди бу ҳақда Ҳасанхожа Нисорий.

Убайдийнинг исломий мавзудаги рубоийларида еру кўкнинг соҳиби бўлган Парвардигори олам улуғланади, унга муножот қилинади, исломий қоялар тарғиб этилиб, шарият аҳкомларини бажаришга чақирилади. Улар орасида Шох Исмоил Сафавий бошлиқ шиалар — рофизийлар², қизилбошлар қораланиб, кофирлар, бидъатчилар сифатида мазаммат этилган намуналар ҳам анча-мушча бўлиб, бу билан шоир мазкур тоифага қарши жиҳод қилишга, шу тариқа динни уш сохталаштирувчи, бузувчилардан тозалашга даъват этади.

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. 23-бет.

² Рофизийлар (араб. рофиз — тарк этиш, рад этиш, баъзан маслаҳатдан қайтиш маъноларида) — ўрта асрларда сунний ислом илоҳийётида изчил ислом йўлидан четга чиққан оқимлар, хусусан, шиалар (Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.)нинг халифалик ҳуқуқини рад этганлари учун) рофизийлар деб аталган. Кейинчалик Алий илоҳийлаштириш тарафдорлари бўлган фирқалар (хусусан, исмоилийлар) шу ном билан аталган. Умумий маънода рофизийлар имомийлар, алавийлар ва зайдийларга нисбат берилади. (Ислом. Энциклопедия. — Тошкент, 2004. 199-бет.)

Муҳаммад Шайбонийхон ва Убайдуллохон — сунний, Исмоил Сафавий — шиа мазҳабларини устувор этниш мақсадида жангу жадал олиб борган XVI аср бошлари учун бу икки оқим ўртасидаги кураш — ҳаёт-мамот масаласи бўлган. Бинобарин, Убайдийнинг шиааларга қарши ғазотга даъват қилинган, қизилбошлар ва рофизийларга кофир ёрлиғи ёпиштирилиб, уларни маҳв этнишга чақирилган рубойларини ўша давр шароити, зиддиятлари маҳсули сифатида тушуниш на баҳолаш керак. Уларни муайян маънода ғозий шох сиёсий мақсадларининг диний тус берилган бадийй ифодаси деб ҳам талқин қилиш мумкин. Шунинг учун тўнламга тақриз ёзган таниқли олим ва шоирлар — Ваҳоб Раҳмонов, Қажрамон Ражабов ва Вафо Файзуллоаларнинг тавсиясига кўра уларнинг кўпчилигини маъкур мажмуадан тушириб қолдирдик. Айни пайтда, Тус, Машҳад, Хирот, Астробод, Вазир шаҳарлари фатҳи муносабати билан ёзилган истилочилик руҳидаги бир қатор бадиха рубойларни ҳам турли андиналар билан нашрга киритмадик. Бу намуналарнинг барчаси тегишли шарҳу изоҳлар билан келгусида яратиладиган Убайдий асарларининг илмий-академик нашрларидан ўрин олади, деб умид қиламиз.

Убайдийнинг сўфиёна рубойларида орифлар, дарвешлар, сўфийлар, умуман, аҳли дин улуғланади, илоҳий маҳбуба таъриф-тавсиф этилиб, ҳижрон ва висол хусусида сўз юритилади, кўнлаб тасаввуфий ғоялар баён қилинади. Шоир бу тоифага ҳавас билан қарайди, улардан ибрат олишга чақиради, бу нажиб инсонларга ҳам Ҳақ, ҳам халқ сири аён, улар Оллоҳ йўлида икки дунёни унутган зотлар, деб қарайди ва ўзи ҳам уларга ўхшагиси келади.

*Бухоро хуштар омад аз тамоми шахрҳо моро,
Зи чашми бад нигоҳ дорад Худо мулки Бухоро¹,*

яъни: «Бухоро барча шаҳарлардан кўра бизга се-
вимлироқдир. Худованди каримнинг ўзи Бухорони
ёмон кўзлардан асрасин!» — деб лутф этган «Убай-
дуллохон балою офатларни дафъ қилувчи Бухоро
шаҳри ободончилиги ва қурилишлари учун кўп савий-
ҳаракатлар кўрсатди»², — деб хабар беради Ҳасан-
хожа Нисорий. Подшоҳликини халққа хизмат қилиш
деб билган Убайдуллохон Бухоро тахтига ўтириши
биланоқ «бу мансабдан халқ, мамлакат учун фа-
қат яхшилик қилиш йўлидагина фойдаланажаги
ҳақида бир ғазалда қуйидаги мақтаъ-байтни битган
эди:

*Эй Убайдий, Ҳақ сени оламда қилди подшоҳ,
Сендин улдурким, рияятқа рияят қилмасен»³.*

Ҳақиқатан ҳам, «Убайдуллохон даврида Бухоро
хонлиги иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалади,
илм-фан, адабиёт, маданият ривож топади, шаҳар
ободончилигига, масжид, мадрасалар, хонақоҳу
йўллар қурилишига жиддий эътибор берилади. Ус-
тоди ҳамда раҳнамоси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор-
нинг муриди Амир Абдулло Яманий номи билан
аталган Мири Араб мадрасаси, Мирак Саид Ғиёс
боғи, Кўҳак дарёсига қурилган Меҳтар Қосим
қўириги Убайдуллохон замонида бунёд этилган энг
мухташам обидалардандир⁴. Бугина эмас, «Убай-

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Мушаккири аҳбоб. 28-бет.

² Ўша ерда. 26-бет.

³ Ҳайитматов А. Адабий меросимиз урфлари. 24-бет.

⁴ Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. — Тошкент, 1999.
230-бет.

дуллохоннинг кўрсатмаси билан бошқа шаҳарларда ҳам қурилишлар бўлди. Хусусан, Саброн билан Ясси шаҳарларини ободонлаштиришда катта ишлар олиб борилди. Масалан, XVI асрда ўтган шоир Зайниддин Восифий Убайдуллохон ўз номига Сабронда қурдирган катта мадраса ҳақида ўта муҳим маълумот келтирган. Мадраса қўш минорали бўлиб, миноралар доимо тебраниб турар экан. Тебраниш шу даражада бўлар эканки, теварак-атрофдап кузатилса, минора ҳозироқ ерга қулаб тушади, деб ўйлар экан киши»¹.

Убайдий ҳаёти ва ижоди ҳамина илму адаб аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келган. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб», Фазлуллоҳ ибн Рўбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Зайниддин Восифийнинг «Бадосъ ул-вақосъ», Ҳофиз Таини Бухорийнинг «Абдуллонома», Фахрий Ҳиротийнинг «Равзат ус-салотин», Масъуд ибн Усмои Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Мутрибийнинг «Тазкират уш-шўаро», Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Шарофиддин Роқимийнинг «Тарихи томм», Маҳдуми Аъзамнинг «Таъбият ус-салотин» асарлари каби мўътабар манбаларда ҳаёти, фаолияти ва ижодига юксак баҳо берилганлиги Убайдуллохоннинг ўз даври сиёсий, ижтимоий, маданий ва адабий ҳаётида катта роль ўйнаган серқирра шахс, халқнинг буюк фарзанд-

¹ Аҳмедов Б. Ватан тарихидан ҳикоялар. (Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик.) Ўққинчи нашри. — Тошкент, 1999. 95-бет.

ларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Чунинчи, XVI асрнинг иккинчи ярми — XVII аср бошларида яшаб ижод қилган озарбайжонлик Содиқ Китобдор «Тазкирани мажмаъ ул-хавос»ида Убайдий хусусида ҳам маълумот бериб, унинг бир форсий рубойисини келтиради:

«Убайдхон ўзбек зиёда рост салиқа¹ ва шоиртабиат ва хуштабъ подшоҳ эрди. Ўзбакияда ул подшоҳдек далер² биров бўлмабдур. Шоҳи жаннатмакон³ била муқобала⁴ бўлди. Агар мағлуб бўлди ва иллю кўп баҳодурлук қилиб, мардона уруш қилди. Табъи ақсоми⁵ шеърда яхши бордур. Аъдосининг⁶ кинояси изҳорида ва ўзининг шамотати⁷ исботида бу рубойиси зиёда хуштабъона бўлбдурким:

*Эй қавмеки, аз шумо атое нарасад,
Нафъе ба фақиру бенавое парасад.
Саҳл аст агар сари шумо меоранд,
Бояд қадами шумо ба жое нарасад».*

(«Эй, ҳеч бир баракаси бўлмаган қавм, фақирларга, ожизларга сиздан ҳеч бир наф йўқ. Ундан кўра каллаларингизни олиб ташлаган маъқулроқ. Токи қадамларингиз ҳеч қаерга бориб етмай!»)⁸

¹ Салиқа — қобилият; табиат; тарз; услуб; занқ.

² Далер — шижоатли, жасоратли, ботир, қўрқмас, довиюрар.

³ Бу ерда Эрон шоҳи — Исмоил Сафавийнинг ўғли Таҳмосиб кўзда тутилмоқда.

⁴ Муқобала — қарши чиқиш, рўпара келиш.

⁵ Ақсом — қисмлар, бўлақлар, устунлар.

⁶ Аъдо — душманлар.

⁷ Шамотат — бировнинг раму кулфатидан шоду хурсанд бўлиш; таъна, устидан кулиш.

⁸ Кўчирма қуйидаги машбадан олинди: Шайхзода М. Тазкирачилик тарихидан//Навоийга армузон. (Мақолалар тўплами.) — Тошкент, 1968. 63—64-бетлар.

Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо ҳам бир форсий рубоийсида «сиёсий ва фарҳангий¹ жиҳатдан дўст ва ёрдамчиси бўлган» Убайдийни «мақтаб дуо қилди»². XVII—XVIII асрларда Хоразмда яшаб ижод этган машҳур шоир Андалиб унинг «Шукрим, маҳзун кўнгулнинг сен киби дилдори бор» мисраси билан бошланадиган ғазалига муҳаммас бўлаган³.

XX асрда М.Ф. Купрули, Ж. Экман, А. фон Шиммел сингари чет эл олимлари шоҳ-шоир таржимаи ҳолини бир қадар ўрганиб, мероси юзасидан айрим тадқиқотларни амалга оширганлар⁴. Ўзбек олимларидан Абдурауф Фитрат «Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар», «XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига бир қараш» номли мақолаларида Убайдий хусусида ҳам фикр юритган эди⁵. Олим Шарафиддинов «Ўзбек адабиёти» тадқиқотида XVI аср сўз санъати тўғрисида тўхталар экан, совет мафкураси талабларидан келиб чиқиб, унинг ижодига салбий баҳо беради: Бу даврда Убайдуллохон, Абдулазизхон⁶ «сингари хонларнинг ўзлари ҳам адабиёт билан шуғулланганлар. Бироқ улар

¹ *Фарҳангий* — оқил, донишманд.

² Бу ҳақда қаранг: Шафиқа Ёрқин. Комрон Мирзонинг ҳаёти ва ижодий мероси. Номзодлик диссертацияси автореферати. — Тошкент, 1999. 14-бет.

³ Қаранг: Ўзбек адабиёти. Мажмуа. Бешинчи жилд. 1-китоб. — Тошкент, 1966. 117—118-бетлар.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев М.А. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. 4-бет.

⁵ Қаранг: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. 35—36; 56—57-бетлар.

⁶ Абдулазизхон — Убайдуллохоннинг ўғли (1515—1551). 1540—1551 йилларда хонлик қилган. Азийий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

иккинчи даражадаги шоирлар бўлиб, тула бадий қимматли асарлар ярата олмаганлар»¹. А. Иброҳимов ҳам «XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари» китобида Убайдий ҳаёти ва ижодини ўша давр нуқтаи назаридан ўрганади². Беш жилдлик адабиёт тарихида эса Убайдий сарғой ва диний адабиёт намояндаси сифатида таъқид остига олинган, мероси шўровий андоза асосида бирёқлама талқин қилинган³. Ҳолбуки, «Ўзбек адабиёти» мажмуасининг 3-жилдида: «У, бир томондан, Ясавий, Боқирюний асарларига эрганиб, «Ҳикмат»лар ёзса, иккинчи томондан, Лутфий ва Навоийларга эргасди. Убайдий ғазаллари, рубойлари унинг анча кучли шоир бўлганини кўрсатади. Айниқса, унинг ғазалларининг тили анча содда, халқ вазнида ёзилган айрим намуналар адабиётимиз учун шубҳасиз муҳим ҳодисадир»⁴, — деб таъкидланган ҳолда, шоҳ-шоирнинг туркий девонидан 15 ғазал, 2 ёр-ёр, 14 рубой⁵, 3 туюқ⁶, 1 ҳикмат ва «Ғайратнома» манзумасидан нарча келтирилган⁷.

¹ Шарофиддинов О. Ташланган асарлар. — Тошкент, 1978. 24-бет.

² Қаранг: Иброҳимов А. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. — Тошкент, 1976. 98—104-бетлар.

³ Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 3-жилд. — Тошкент, 1978. 27—29-бетлар.

⁴ Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 3-жилд. — Тошкент, 1959. 141-бет.

⁵ Бу рубойлардан дастлабки иккитаси жанр талабига кўра қитъадир.

⁶ Кейинги тадқиқотлар «ёбулар» сўзи асосига қурилган туюқнинг Муҳаммад Шайбонийхоша мансублигини кўрсатмоқда. — Д.О.

⁷ Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 3-жилд. 141—165-бетлар.

Мустақилликдан кейин Убайдий ҳаёти ва ижодини ўрганишда янги босқич бошланди. Таниқли адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов дастлаб «Фаровати бор, дўстлар, гадолиғнинг» номи остида кириш мақолача билан бирга шоирнинг 6 ғазал, 1 ёр-ёр, 2 қитъа, 4 рубоий, 4 туюқ ва бир ҳикмати-ни эълон қилди¹. Кейин Убайдийнинг ўзбекча шеърларидан тартиб берилган «Вафо қилсанг» тўпламини нашр эттирди². Ёш тадқиқотчи Муҳаммад Абдуллаев эса «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзuida номзодлик диссертациясини ёқлади, у ҳақда қатор мақолалар эълон қилди³. Зиёдулла Муқимов ҳам «Қилич ва қалам соҳиблари» рисоласида Убайдий ҳаёти ва ижодига алоҳида фасл ажратади⁴. Бундан ташқари, П. Қайюмовнинг «Тазкирани Қайюмий»⁵, Ҳ. Ҳомидийнинг «Кўҳна Шарқ дарғалари»⁶,

¹ Қаранг: «Шарқ юлдузи», 1991, 10-сон, 151—154-бетлар.

² Қаранг: Убайдий. Вафо қилсанг. (Туркий «Девон»дан намуналар.) — Тошкент, 1994.

³ Қаранг: Абдуллаев М.Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Номзодлик диссертацияси. — Тошкент, 2000; Шу муаллиф. Убайдуллоҳон ва унинг арабча девони//Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг ағъалавий илмий конференцияси материаллари. — Тошкент, 1994. 17-бет; Шу муаллиф. Убайдийнинг форсча девони ҳақида//Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг ағъалавий илмий конференцияси материаллари. — Тошкент, 1995. 26—28-бетлар; Шу муаллиф. Ҳақ ошини//«Тафаккур», 1996, 4-сон. 60—62-бетлар; Шу муаллиф. Убайдий номлари// «Ўзбек тили ва адабиёти», 2000, 1-сон. 44—47-бетлар.

⁴ Қаранг: Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар.) — Самарқанд, 1996. 14—21-бетлар.

⁵ Қаранг: Қайюмов П. Тазкирани Қайюмий. Уч жилдлик. 1-жилд. — Тошкент, 1998. 50—51-бетлар.

⁶ Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. — Тошкент, 1999. 229—235-бетлар.

Б. Валихўжаев ва Қ. Тоҳировларнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (XVI аср)¹ китобларида ҳам Убайдий ҳаёти ва ижоди ҳақида у ёки бу даражада фикр юритилган. Абдулҳаким Шаръий Ҳўзжоний эса Махдуми Аъзамнинг «Рубойлар шарҳи» рисоласини таржима қилиб, шарҳу изохлар билан нашр эттирди². Б. Файзуллаев Убайдийнинг Навоий қазаларига ёзган татаббуъларини кенг таҳлил қилади³. Биз ҳам шоир рубойларини тадқиқ этиб, қатор мақолалар нашр этиш билан бирга, форсий рубойларидан намуналар таржима қилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳаюла қилганмиз⁴. Шунингдек, Н. Ҳасаннинг

¹ Қаранг: *Валихўжаев Б., Тоҳиров Қ. Ўзбек адабиёти тарихи* (XVI аср). — Самарқанд, 2002. 92—101-бетлар.

² Қаранг: *Абдулҳаким Шаръий Ҳўзжоний*. Тасаввуф ва инсон. — Тошкент, 2001. 113—134-бетлар.

³ *Файзуллаев Б. Ўзбек шеъриятида татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари*. Помощник диссертацияси авторсфферати. — Тошкент, 2002. 11-бет.

⁴ Қаранг: *Очилов Э. Убайдийнинг форсий рубойлари*//«Ўзбек тили ва адабиёти», 1999, 6-сон. 6—12-бетлар; *Очилов Э. Футувват ва Убайдий ижоди*//«Ўзбек тили ва адабиёти», 2000, 6-сон. 6—10-бетлар; *Очилов Э. Убайдий рубойларида тасаввуф оҳанглари*//«Адабиёт кўзгуси» (илмий тўплам), № 6, 2000. 157—167-бетлар; *Очилов Э. Сийрати дарवेशу сурати шоҳ*//«Ён куч», 2000, 9-сон. 13-бет; *Убайдий. Рубойлар*//Ишқ дафтари. Рубойлар. (Форс тилидан Эргаш Очилов таржималари.) — Тошкент, 2000. 84—95-бетлар; *Убайдий. Кўнгил сурури. Рубойлар*. (Форс тилидан Эргаш Очилов таржималари.)//«Шаҳон адабиёти», 2000, 8-сон. 127—131-бетлар; *Убайдий. Кириш мақола ва рубойлар*. (Муаллиф ва таржимон Эргаш Очилов.)//«Бухоро мавжлари», 2004, 3-сон. 17—18-бетлар; *Убайдий. Рубойлар*//Муҳаббат тариқалари. Рубойлар. (Форс тилидан Эргаш Очилов таржималари.) — Тошкент, 2005. 320—373-бетлар; *Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллоҳон* // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Тошкент, 2005. 33-бет.

Убайдий ҳикматлари таҳлил этилган мақоласи бо-
силиб чиқди¹. Таниқли тарихчи олим Қаҳрамон Ра-
жабов Убайдуллохоннинг сиёсий ва ҳарбий фаолият-
ти бўйича мақолалар тўлон қилди². Бундан ташқари,
Ўзбекистон тарихи бўйича ёзилган дарслик ва
қўлланмаларда Убайдуллохоннинг сиёсий-ижтимо-
ий фаолияти мухтасар ёритилган.

Убайдуллохон қисқа, лекин мазмунли умр кечи-
риб, 1540 йили 54 ёшида оламдан ўтади ва Бухоро
яқинидаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида жой-
ланган Дахмай шоҳон (Шоҳлар дахмаси)даги шай-
бонийлар хилхонасига дафн этилади.

Биз Убайдий меросининг салмоқли ва ранг-ба-
ранг (у ўндан ортиқ лирик жанрларда маҳорат
билан қалам тебратган) эканлигини ҳисобга олиб,
ушбу тўпلامни шоирнинг фақат рубойлари асоси-
да тартиб беришни лозим топдик. Бунинг сабаби
Убайдий мумтоз ўзбек адабиётида энг кўп рубойий
ёзган шоир бўлиши баробарида, Бобур каби у ҳам
ўз истиснодини кўпроқ рубойида намоён этганлиги-
дир. Қолаверса, шоирнинг на туркий, на форсий, на
арабий мероси тўла нашр этилган бўлиб, биз ушбу
тўплам баҳонасида Убайдий ижодининг, ҳеч бўлма-
са, бир қирраси тўғрисида тўлароқ тасаввур ҳосил

¹ Қаранг: *Ҳасан Н.* XVI аср ўзбек адабиётида Яссавий ағъа-
налари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2004, 2-сон. 26—34-бетлар.

² Қаранг: *Ражабов Қ., Очилов Э.* Убайдуллохон // Ўзбеки-
стон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Тошкент, 2005. 33-бет;
Ражабов Қ. Ғиждулон жанги // Ўзбекистон миллий энциклопе-
дияси. 11-жилд. — Тошкент, 2005. 230-бет; *Ражабов Қ.* Убай-
дуллохоннинг икки жанги // «Вазият» газетаси, 2005 йил, 16—
30 ноябрь.

қилишни маъқул билдик. Албатта, «Куллиёт» котиб томонидан содир этилган бир қатор хато-камчиликлардан холи эмас. Чунончи, баъзи рубоийлар жүзъий тафсилотлар билан такрор келтирилган, айрим сўз ва иборалар, ҳатто мисраларнинг ўрни алмашиб қолган. Айни пайтда, баъзи сўзлар ва мисралар ўчиб ёки сиёҳ чапланиб кетганлиги туфайли уларни ўқишга қийналдик. Шунга қарамай, мазмун талаби ва вазн тақозосига кўра уларни имкон қадар тузатиб кўчирдик. Ўз навбатида, биз ҳам муайян хато-ларга йўл қўйган бўлишимиз мумкин ва бунинг учун синчков ўқувчилардан узр сўраб қоламиз. Энг муҳими, илк марта ўзбек ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилаётган Убайдий рубоийлари адабиётимиздаги бир бўшлиқни тўлдириб, кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди





РУҒОИИЛАР

(«Туркий девон»дан)

1

Номанга қилай ному нишонимни фидо,
Мазмунига жисми нотавонимни фидо.
Лафзига анинг фидо кўнгулни қилайин,
Ҳар ҳарфи сойи¹ жону жаҳонимни фидо.

2

Истеза² била улусни³ вайрон қилма,
Вайрон қилибон ер била яксон қилма.
Яхшилик агар умидинг ўлса Ҳақдин,
Яхшига жафо, ямонга эҳсон қилма!

3

Гар бўлмаса тавфиқ⁴ ила тасдиқ⁵ санга,
Пандим қилмас фойда ба таҳқиқ⁶ санга.
Сидқинг била тавфиқ Худодин тилаким,
Бергусидур ул сидқ ила тавфиқ санга.

¹ *Сойи* — сари; учун.

² *Истеза (ситеза)* — жанг, уруш; адоват, душманлик; вазаб.

³ *Улус* — халқ, эл, омма.

⁴ *Тавфиқ* — ёрдам, мадад, кўмак; баҳрамандлик; бирор нарсага муваффақ бўлиш; имконият.

⁵ *Тасдиқ* — тасдиқлаш; ишонини, иқдор қилиш.

⁶ *Ба таҳқиқ* — ҳақиқат киздан, албатта.



4

Ким нафс алидин паноҳ келтурди санга,
Берди гар минг қуввати руҳоний анга.
Мен банда аларнинг биримен — лутф айлаб,
Ё Раб, бергил тавбаву тавфиқ манга!

5

Оғрида кўзумдин учтунг, эй кўзи қаро,
Кўрдум кўра олғунча фироқингда жафо.
Дардимға даво табибдин сўрсам, дер:
Бу дардқа йўқ васлдин¹ ўзга даво!

6

Тўби² — қадинга мойил эрур, гул — юзунга,
Жон бирла кўнгул қош ила жоду кўзунга.
Оқзингға — эрур ғунчаву Исо³ — сўзунгға,
Ошиқмену девона бўллубмен ўзунгға.

7

Эй жон, мени зулфидек мушавваш⁴ айла,
Девонаи ул ҳури париваш айла.

¹ *Васл (висол)* — маҳбубга етиш, ҳақиқий ваҳдат. Шайх Шиблийнинг айтишича, дунё ва охиратдан кетган киши васлги эришади.

² *Тўби (Тўбо)* — жаннатдаги ранг-баранг меваги ва хушбўй серсон дарахт.

³ *Исо (Масиҳ)* — насроний динининг пайғамбари Иисус Христос. Нафаси ўлиққа жон бағишлаши жиҳатидаш маъшуқани унга ўхшатадилар.

⁴ *Мушавваш* — ошуфта, паринон; ташвишчи.



Нохушлутидин малул¹ ўлубтур кўнглум,
Ҳеч бўлмаса, кўнглумни боре² хуш айла!

8

Ғам тиғи кўнгулни чок-чок айладило,
Мажруҳ этиб они — дарднок³ айладило.
Эй шўҳ, тилар эдинг ҳалокимни менинг,
Муҳлик⁴ аламинг мени ҳалок айладило.

9

Ҳижрон ғамидин кўнгул ичи тўлди яна,
Кўнглум эви⁵ қайғу маскани бўлди яна.
Ҳажр ўлди васл ўрнига толеъ йўқидин,
Найтайки, даво дардқа эврулди яна.

10

Ёр ўлғусидур кўб киши давлатда санга,
Хуш сўз дегусидур бари хилватда санга.
Аларни соғинма⁶ ёру ёр они соғин:
Ким ёрлик этар барчаға меҳнатда⁷ санга.

¹ Малул — ҳафз, ғамгин, оғурда.

² Боре — бирор марта; лоақал, ҳеч бўлмаса; энди.

³ Дарднок — дардлик, дардга мубтало; ғамли.

⁴ Муҳлик — ҳалокатли, хатарли.

⁵ Эв — уй, хона.

⁶ Соғинмоқ — орзу қилмоқ; кўргиси келмоқ; ҳисобламоқ.

⁷ Меҳнат — мушибат, бало; ғам, дард; машаққат, қийинчи-



11

Ҳар кимки, туз¹ этса ниятин — раҳмат анга!
 Ҳақ ниятига кўра берур давлат анга.
 Ҳар кишики турлук айласа ниятини,
 Хосиятин ул наъъ берур ният анга.

12

Қайғу-аламидин кеча йўқ уйқу манга,
 Оламни қаронғу айлади қайғу манга.
 Мен мундоқ ўлуб, рақиблар шод ўлуб,
 Ортқиси² баю эмасмудур ушбу манга?

13

Ул гулким, этар сайр гулафшон³ ичида,
 Гул-гул очилур юзи гулистон ичида.
 Қолмас эди армон манга — нозук қадини
 Бир кўрсам эди алиф⁴ каби жон ичида!

¹ *Туз* — тўғри, рост.

² *Ортқиси* — ортиқча, ҳаддан зиёда.

³ *Гулафшон* — гул соҳувчи; гулдек очилиб турганча; нурафшон.

⁴ *Алиф* — араб алифбосининг биринчи ҳарфи (а; о). Тиклиги жиҳатидан матбуқатнинг қадди ушга ўхшатилади. Бу ерда сўз ушнинг қилинаётгани: «жон» сўзининг ўртасида (ичида) алиф — «о» ҳарфи келади.



14

Соқий¹, юкунуб сунсанг аёрингни² манга,
Олмоққа узотқумдур иликимни³ анга.
Бода⁴ тутаниб, тоилмаса, эй соқий,
Жонимни тарав қўюб, топай бода санга!

15

Султонлиғлар гаҳ бўлур ўғлонлиғда,
Эмди они қурб⁵ бу султонлиғда.
Султонлиғда адл асосини тузуб,
Ким адл айла аросатда бўлқонлиғда.

16

Диндин эвуруб юзунгни, ёнмиш бўлма,
Муртад⁶ янглиғ⁷ анга то тонмиш бўлма.
Кофирларга ишонмаким, бор масал:
Отанг кофир бўлса, ишонмиш бўлма!

¹ Соқий деганда суфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, машуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, жайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

² *Аёр (Аёқ)* — қадаҳ, жом, коса; май.

³ *Илим* — қўл.

⁴ *Бода* — майнинг номларидан бири бўлиб, тасаввуф адабиётида ишқ ва ирмён (маърифат) рамзи бўлиб келади.

⁵ *Қурб* — яқинлик, маҳрамлик; қобилият.

⁶ *Муртад* — диндан қайтган.

⁷ *Янглиғ* — каби, сингарин, ўхшаш.



17

Тўбин жинон¹ киби не хуш қаддур анга!
Субҳоналлоҳ² не зулф, не хаддур³ анга!
Ҳар қоши янги ой киби ул ойнинг
Юзи шафақи устида сармаддур⁴ анга.

18

Ҳар нима тилинда айтилурсан⁵, ё Раб!
Борча ниманинг тилин билурсан, ё Раб!
Қодирдурсен — борчаға қудрат ила
Ҳар не қилайин, десанг, қилурсан, ё Раб!

19

Кўргуз манга ул шўх вафосин, ё Раб!
Кўргузма апинг манга жафосин, ё Раб!
Ё Раб, не дуо қилурсен — ўз лутфунг ила
Бу қулнунг ижобат эт дуосин, ё Раб!

20

Зинҳор адаб ўрганинг, эй аҳли талаб⁶,
Ким бордур адаб кулли саодатка сабаб.
Шайтонки, адабсиз эрди — қолди маҳрум,
Одамни, кўрунг, не ерга етқурди адаб!

¹ *Жинон* — жаннат.

² *Субҳоналлоҳ* — 1. Оллоҳга мадҳу сано бўлсин! 2. Ажабо!
(Таажжубланишни изҳор қилиш учун айтилади.)

³ *Хад* — юз, ёноқ, рухсор.

⁴ *Сармад* — доимий, абадий.

⁵ *Этилурсан* — айтитурсан.

⁶ *Аҳли талаб* — Ҳақни изловчилар, сўфийлар, дарвешлар.



21

Ё Раб, йўқ эрур менинг гуноҳимга ҳисоб,
Не қилғайман — анга кўра бўлса итоб.
Сўрсанг гунаҳ-савобдин маҳшарда¹,
Не бор манга савобу не бор жавоб...

22

Нахли² қадини асра хазондин, ё Раб!
Гул юзини осиб³ замондин, ё Раб!
Ҳар яхшики бор, сақла ямондин, ё Раб!
Оламда неким ямондур, ондин, ё Раб!

23

Йиғлар кўзум ул кўзи қарони соғиниб,
Жоним ичидин куяр ниҳони соғиниб.
Кўнглумда доғи⁴ хуш не этиб турсунким,
Ўздин кетадур ҳар нафас они соғиниб.

24

Эй дўст, даме бўлмади ғамдин қутулуб,
Маъгум киби зулму ситамдин қутулуб.
Фарёду фикру оҳким, бўлмас эмиш
Ўлмай ситаму ғаму аламдин қутулуб.

¹ *Маҳшар* — қиёмат кунида одамлар йиғиладиган жой.

² *Нахл* — кўчат, ниҳол, дарахт.

³ *Осиб* — зиён, зарар, кулфат; озор, ранж, дард.

⁴ *Доғи (дағи)* — яна, тарин; ҳам, ҳамда.



25

Хуси аҳли, недур турмоғингиз бизга боқиб?
Яхши демон деган сўзингизга боқиб.
Бизни не қилурсиз — билурсиз эмди,
Тенгрига боқиб туруббиз сизга боқиб.

26

Ояти фатҳни¹ ўқуйин шому сабуҳ²,
Ким андин ўлур нусрату³ юз фатҳу футуҳ⁴.
Хасмимни⁵ адам⁶ мулки аро айла адам,
Ё Раб, ба ҳақ(қ)и⁷ Муҳаммаду сураи Нух!

27

Аҳбоб⁸ сори суръат ила келмади шўх,
Келган дер эдим ҳурмат ила — келмади ишўх.
Моисъ анга хайр ўлғоч, эмди нестайин,
Келди бори эл, давлат ила келмади шўх.

28

Ё Раб, сенсен барча улусқа маъбуд⁹,
Жон бирла алар барча қилур санга сужуд¹⁰.

¹ *Фатҳ* — ғалаба, зафар; забт этиш, эгаллаш; очиш, очилиш.

² *Сабуҳ* — эрталаб, тошг отар пайт.

³ *Нусрат* — ғалаба, зафар; ёрдам, мадад.

⁴ *Футуҳ* — очилиш, ечилиш; кушойиш.

⁵ *Хасм* — душман, ёв, рақиб.

⁶ *Адам* — йўқлик. Адам мулки — йўқлик олами.

⁷ *Ба ҳаққи* — ҳаққи учун, сабабли.

⁸ *Аҳбоб* — дўстлар.

⁹ *Маъбуд* — Тилгри; сийниладиган зот.

¹⁰ *Сужуд* — саждалар, ибодатлар.



32

Дийдорингта муштоқмен асру¹, эй ёр,
Ҳижрон қиличи бирла кўнгулдур афгор².
Бир қатла³, дема, юзумни кўрдунг, басдур,
Оздур яна юз қатла кўрушсак дийдор.

33

Ҳақ борча ишимдин, эй кўнгул, огаҳдур,
Лутфию инояти маъна ҳамрахдур.
Олам аро бир яхши амалким қилсам,
Андоқ бил они холисангиллаҳдур⁴.

34

Ориф⁵ кишилар элга қотилмайдурлар,
Тенгри деганидин ўзга қилмайдурлар,
Нодонлар аларни кўзга илмайдурлар,
Ҳеч кимса алар узрини билмайдурлар.

35

Ёрин киши, эй ёр, соғинмасму бўлур?
Маҳжурини⁶ дилдор соғинмасму бўлур?

¹ *Асру* — жуда, лихоятда; жуда кўп, беҳисоб.

² *Афгор* — мажруҳ, озурда, жароҳатланган; рангли.

³ *Қатла* — марта, қарра, дафъа.

⁴ *Холисангиллоҳ* — холисона, бевараз.

⁵ *Ориф* — маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон. Оллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган заңқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

⁶ *Маҳжур* — (ёрдан) айрилиб қолган, узоқлашган; маҳрум.

**Кўзи қошидин мусофир ўлғон ёрин,
Эй шўҳи ситамкор, соғинмасму бўлур?**

36

Ёдингни қилиб, кўнглум ўзин шод қилур,
Сени соғиниб, нолау фарёд қилур.
Айб этма агар сени суюб ёд этсам,
Қимники кўнгул севар — они ёд қилур.

37

Шўхеки, келиб мени сўра олмайдур,
Бир дам бошим устида тура олмайдур.
Билмонки, недин мени кўра олмайдур,
Кўргил мени, гар десам, кўра олмайдур.

38

Ғурбатда қарибин киши сўрмасму бўлур?
 Сўр: на кўрган кўз била кўрмасму бўлур?
 Ғам хайли¹ аро тушган асире сўрдум:
 Истаб, сўрубон, соғина турмасму бўлур?

39

Мажнун ипидин ул кишиким огахдур,
Ушшоқ² аросинда Убайдуллахдур.
Пайваста³ жунун аҳли⁴ эрур ҳамрах анга,
Ул рахбар эрур аларғаю, хам шахдур.

¹ *Xaib7* — гурух, жамоя, тукфа, қавм.

² *Үшпәк* — ошпақтар.

³ *Найиштан* — (оқлаган, туташган; мутовасил, кетма-кет; ҳамин-ша, жонм).

⁴ *Жызуи ах.тн* — ошиқтар, девоналар.



44

Дин мулкида фатҳ навбатин¹ чолғумдур,
Бедиплар аро қулғула солғумдур.
Бу йўлда таваккул² айлабон олгансам,
Танғрим берса, Каъбағача олғумдур.

45

Сарвеки³, кзи гулу қади ратыодур,
Жоп мойил ўлуб анга, кўнгул шайдодур.
Эй, кимки тиласа хўблин⁴ асбобиин⁵,
Ул рухи⁶ мужассамда бари пайдодур.

46

Эй ғайр⁷, бу кун сен киби хуррам кимдур?
Ғамхонаи даҳр⁸ ичинда беғам кимдур?
Тонгла⁹ иков ул ёр қошиға борсак,
Маълум бўлур — ит киму одам кимдур?

¹ *Навбат* — бу ерда: повора; ўз қудратини эълон қилиш.

² *Таваккул* (*таваккал*) — тириқат мақоми. Комил эътиқод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганининг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафъ ташвишидан бутунлай фориғ бўлиш.

³ *Сарв* — қилин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игна-баргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда матоуқанини келтирилган зебо қадди-қоматини сарига нисбат берадилар.

⁴ *Хўблин* — яхшилик; гўзаллик.

⁵ *Асбоб* — бу ерда: зарур нарсалар, керакли жихозлар.

⁶ *Рух* — юз, чехрә, руҳсор.

⁷ *Ғайр* — бошқа, ўзга, бегона.

⁸ *Даҳр* — дунё; ер кзи; замон.

⁹ *Тонгла* — тонда; қисмат куни.



47

Фарзона¹ киши бу даҳр аро гўша тутар,
Ваҳдат майидин² кўнгли тилаганча ютар.
Ўткарма яму меҳнат ила умрунгни,
Дунё деганинг кўз юмуб-очқунча ўтар.

48

Ул лоларухеки, турраси³ мушқиндур,
Анбар⁴ қошининг устида юз минг чиндур⁵.
Ҳам оразу⁶ рух била гулу насриндур⁷.
Моҳи Чигилу⁸ раҳки бутони Чиндур⁹.

49

Сарғаншта чиқорволи элидин мени зор,
Ришта киби сарғанштамену зору низор¹⁰.
Қошида йироқ тушғали маҳзуи кўнглум,
Йоду кўзининг қайғусидин мен бемор.

¹ *Фарзона* — оқил, донишманд; ягона, тинчлик.

² *Ваҳдат майи* — маърифат нури.

³ *Турра* — кокил, соч ўримлари; зулф.

⁴ *Анбар* — хушбўй молда.

⁵ *Чин* — бу ерда: ажин.

⁶ *Ораз* — киз, чехра.

⁷ *Насрин* — оқ рангли хушбўй гул.

⁸ *Чигил* — қадимги туркий қабилалардан бирининг номи.

Чигил қизлари ўз гўзалликлари билан машҳур бўлганлар.

⁹ *Боти Чин* — Чин гўзали; маҳбуба. *Чин* — Хитой.

¹⁰ *Низор* — лаиф, озгин.



50

Эй хожа, ажал шарбатини тотқунгдур,
Умринг рахтин¹ охир анга сотқунгдур.
Ётмай кеча Тангрига тоат айла-
Ким, ҳанирвача² ер ичида ётқунгдур.

51

Давлат била сайр эта нигорим келадуру,
Иқбол ила ёри ғамгусорим³ келадуру.
Ўтру⁴ бораи, кўнгулки, ёрим келадуру,
Жон гулшаниға суманузорим⁵ келадуру.

52

Ҳажринда таним низор бўлмай — не бўлур?
Оввора кўнгул фиғор⁶ бўлмай — не бўлур?
Жонон бориб авёр⁷ ила тутса қарор,
Кўнглум дағи беқарор бўлмай — не бўлур?

53

Булбулга дедимки: «Гул яна сўлғусидур,
Кўнглунг ғаму андуҳ ила тўлғусидур».
Булбул деди: «Эй дўст! — манга пола қилиб, —
Тақдири Худой не бўлса, ул бўлғусидур!»

¹ *Рохт* — нарсалар, асбобу анжом.

² *Ҳанир* — қиёмат.

³ *Ғамгусор* — ғамхўр, меҳрибон.

⁴ *Ўтру* — қарши, рўнара.

⁵ *Суманузор* — суман юзли. *Суман* (ёсмин, ёсуман) — оқ рангли хушбўй гул.

⁶ *Фиғор (афғор)* — мажруҳ, хаста; ғамли; ўртанган.

⁷ *Авёр* — бегоналар; рақиблар, душманлар.



Тавф¹ айламакка Каъбаи ишқин охир —
Бошимни қадам қилиб юруб етгумдур.

59

Ҳижрон мени юз жавр ила ўлтургусидур,
Ҳирмон² доғи юз дард ила куйдургусидур.
Будур тилагимки, васлига етгайман,
Охир тилагимга Тангри еткургусидур.

60

Гар етса жафо, демаки, жонондиндур,
Ҳам тушсанг ироқ³, демаки, ҳижрондиндур.
Ҳақдин кўр анию ўзгалардин кўрма,
Ҳар воқеасим воқеъ ўлур — Ондиндур!

61

Сендек бу жаҳонда ғамгусорим йўқтур,
Кўрмай сени бир ерда қарорим йўқтур.
Эй ёр, демаки, ўзга ёринг бор эмиш,
Ёрим сен эурсан, ўзга ёрим йўқтур!

62

Ахбоб келиб, қотимда ўлтурмадилар,
Ҳошимни билиб, ёрға билдурмадилар.
Сўрғайлар экан, дедим, фироқинда мени,
Сўрмоқ не бўлур — қошимда ҳам турмадилар.

¹ *Тавф* — айланмиш, зиёрат.

² *Ҳирмон* — маҳрумлик, умидсизлик, маҳжурлик.

³ *Ироқ* — йироқ, узоқ, олис.



63

Ё Раб, манга бахту тахт ила давлат бер!
Аъдова балою меҳнату ҳасрат бер!
Лутфу караму иноятнинг бирла мудом
Ҳар азмда¹ фатҳу зафару нусрат бер!

64

Ё Раб, манга сузу дард ила зори бер,
Ҳар кеча мен зорва бедори бер.
Қўйма мени ўз-ўзумва ўз ҳаққинг учун,
Ҳолимға боқиб, раҳм қилиб, ёри бер.

65

Эй нома², ўзунгни васлиға еткура кўр,
Илкини ўлуб, юзунга олиб сура кўр.
Мен хасталиримдин кўря олмай қолдим,
Сен боре анинг ҳусну жамолин кўра кўр.

66

Эй жон, вamu дард поймол ўлғусидур,
Ҳамдам сенга ул тоза ниҳол ўлғусидур.
Зинҳор кўнгулни солма ҳижронидаким,
Ҳажр ўлса бу кун, тонгла висол ўлғусидур!

67

Меҳнат сенга, эй кўнгул, мудом ўлғусидур,
Андуҳ ила дард мустадом³ ўлғусидур.

¹ Азм — ниёт, мақсад, майл, жазм; қарор, қасд, ирода; борш.

² Нома — хат, мактуб; дастур, ҳужжат.

³ Мустадом — давомли, доимий, ҳаминча.



80

Оллоҳ кўнгул сирридин огоҳ эрур,
Ихфою¹ хафий² зоҳир³ анга, оҳ, эрур.
Ўзунгдин ироқ кўрмаки, пайваста сенга
Жон риштасидин⁴ яқинроқ Оллоҳ эрур.

81

Ҳар кимки азал бодасига⁵ соқи(й)дур,
Ишратгоҳи анинг абад тоқидур⁶.
Боқий⁷ йўлида кимки бўлубтур фоний⁸,
Фоний эмас ул, билсангким, ул боқи(й)дур.

82

Соринмаки, бу фалак абас⁹ эвруладур,
Онинг била бу ер аро ҳикмат тўладур.
Зинҳор басират¹⁰ кўзи бирла боқким:
Бу ишларида қудрати зоҳир бўладур.

¹ *Ихфо* — яшириш, сир тутиш.

² *Хафий* — яширин, пинҳон, махфий.

³ *Зоҳир* — тапқи кўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши; кўриниб турган, очиқ-ошкор, аён, равшан, маълум.

⁴ *Ришта* — ип, таноб; тор.

⁵ *Азал бодаси* — қисмат насибаси; яратилиш завқидан сарҳушлик.

⁶ *Абад тоқи* — боқий макон, яъни у дунё.

⁷ *Боқий* — бу ерда абадий барҳаёт Оллоҳ қўлда тутилмоқда.

⁸ *Фоний бўлиш* — маҳв бўлиш, йўқолиш, ўлиш. Тасаввуфда моддий боғлиқликлардан буткул қутулиб, фақат Худо ёди билан яшаш, Худодан ўлгага эҳтиёжсизлик.

⁹ *Абас* — беҳуда, бекор.

¹⁰ *Басират* — фаросат, зийраклик. *Басират кўзи* — ақл кўзи; фаҳм, идрок.



83

Эй дўсти вариб, турфа аҳволим бор,
 Не ёру не хонумону¹ не молим бор.
 Юзланди ажаб ҳол манга ишқ ароким,
 Ҳолимни менинг сўрма — ажаб ҳолим бор.

84

Ҳар кимки салтоҳ² аҳлидин ваҳши(й) эрур,
 Ул ваҳши(й)ға лойиқ нима — ғам яхши эрур.
 Бу не ямон иш, бу не тирикликдурким,
 Бу навъ тирикликдан ўлим яхши эрур...

85

Доим ишинг ичмак била мирзолиғдур,
 Расволия ила мудом шайдолиғдур.
 Ҳолинг бўлубон харобу расво бўлдуңг,
 Оё, бу не ҳолу бу не расволиғдур?!

86

Қурб аҳлидин³ улким, акраму⁴ афзалдур,
 Ақрибдур⁵ ангаю барчадин (аввалдур)⁶.

¹ *Хонумон* — уй-жой; оила; уй жиҳазлари ва машғул асбоб-лари.

² *Салтоҳ* — парҳезгорлик, яхшилик, тўғрилиқ. *Салтоҳ аҳли* — тўғри одамлар, тақводор одамлар.

³ *Қурб аҳли* — Ҳақ дўстлари, хос кинилар.

⁴ *Акрам* — энг олижаалоб, энг сазий, энг ҳимматли.

⁵ *Ақриб* — яқин.

⁶ Қўлёзмада: афвал. Биз маъносига кўра «аввал» сўзини қўйдик.



Такмил¹ топиб барча камолот била,
Комилдуру ҳам мукаммалу акмалдур².

87

Ҳар ерда ўлумнинг сўзию шўридур,
Кўрмасга ким они солмоқ кўридур.
Зоҳид³ кишига кўп эътироз айларким,
Ҳар кимнинг ўз аъмолию⁴ ўз гўридур.

88

Гарчи бил(л)а бормоққа мажолим йўқтур,
Заъфим ошибон агарчи ҳолим йўқтур.
Айирмаса гар замона мени сендин,
Ўлмай туруб айрилур хаёлим йўқтур.

89

Бу даҳрки, фитна ханжарин тез қилтур,
Хунхўрларин⁵ қотилу хунрез⁶ қилтур.

¹ *Такмил* — тугатиш, тўлдириш, камолга етказиш.

² *Акмал* — энг етук, комил, баркамол, афзал.

³ *Зоҳид* — узлат ва тақвои касб қилиб олиб, дунё лажнатларидан юз утирган киши. Бу тонфа иннқ ва ирфон (маърифат)дан беҳабар бўлиб, ўларнинг мақсади тақво билан охират маърифатиши қожиниш. Қуръонда яъда қилинган жаппатининг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўли, унинг дийдори бўлганлиги учун ҳам зоҳидларнинг бу ишнин таъмагирлик деб ҳисоблайдилар ва ўларин танқид қиладилар.

⁴ *Аъмал* — амаллар, ишлар, қилмишлар.

⁵ *Хунхўр* — қонхўр.

⁶ *Хунрез* — қон тўкувчи; зотим.



Бўлманг ғофил шўъбадасидинким¹, ул
Ҳар лаҳзада бир шўъбада анғез² қилур.

90

Ғафлат юзидин ул кишиким айш этар,
Шак йўқким, анинг бошига ул айш етар.
Ул ҳолдаким айш ила ишрат айлар,
Ногоҳ ажал анда кириб келса нетар?..

91

Ҳар дўстким, ул дushmanга ёрдурур,
Билким, санга ул ёр эмас, авёрдурур.
Айланг ҳазар андинким, анингдек кишида
Бир навъ хаёлу бир бало бордурур.

92

Кўнгулга ўлум фикрини ким солғусидур,
Ибрат ўлуку тирикдин ул олғусидур.
Мендин ким ўлуб, ким қолурин сўрмангким,
Билмон ким ўлуб, жаҳонда ким қолғусидур?

93

Мўминларнинг ёри Худо бўлғусидур,
Ул тоифадин Худо ризо бўлғусидур.
Оқ юзини ким ўтурса Ҳақ динидин,
Билгилким, анинг кизи қаро бўлғусидур.

¹ Шўъбада — макр, фириб, ҳийла, найранг, ўйин.

² Анғез — қасд, хоҳиш; тезлаш.



94

Шанқ¹ отини васлинг сори сургум келадур,
 Васлингға етишгунча югургум келадур.
 Кўрсатгил-ей мен зорға дийдорингни,
 Ҳар печаки кўрган сари кўргум келадур.

95

Қўл хожасидин қочуб қаён борғусидур?
 Эпикдин эпикка (печа)² бор борғусидур.
 Қайта келибон хожасига бир куни ул,
 Еган тузишнинг ҳаққини қайторғусидур.

96

Ҳозир кўрунгиз Худониким, ҳозирдур,
 Олимдуру асрорингга³ ҳам нозирдур⁴.
 Дам урма анинг қудрати бобидаким, ул
 Ҳар не қилайин деса, қилур — қодирдур.

97

Инсон дема Суфённиким, ул шайтондур,
 Шайтон ҳам анинг ишларига ҳайрондур.
 Күфрфор⁵ ичида, англаки, шайтон янглив,
 Кофирларнинг ямонроғи Суфёндур.

¹ Шанқ — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.

² Қўлламада бу сўз йўқ — ўчиб кетган.

³ Асрор — сирлар, яширин нарчалар.

⁴ Нозир — назар қилувчи, кўриб турувчи; назорат қилувчи.

⁵ Күфрфор — кофирлар.



98

Душман ичи ҳолингға сенинг куймасдур,
Қонингни аёқ-аёқ ичиб туймасдур.
Яхшилик анга қилмаки, бир кун сенга ул
Душманлигини айламайин қуймасдур.

99

Ул дамки, Худо Ҳирини¹ фатҳ этгусидур,
Каъба сари эл тавоф учун кетгусидур.
Тавфиқ тоғиб, кимки тавоф этса они,
Мақсуд била муродиға етгусидур.

100

Фоний олам работида² фожирлар³,
Маҳкум бўлубон турубтурур хосирлар⁴.
Раҳмонға шукр қилингким, мундоқ ерда
Суфёнға бўлуб, қирилдилар кофирлар.

101

Қадримни тирикликда киши билмайдур,
Не ишки, буюрсам — эл они қилмайдур.
Айрилса эди — билтур эди қадримни,
Билмайдур анинг учунким, айрилмайдур.

¹ *Ҳирин* — Ҳирот.

² *Работ* — мусофирхона, карвонсарой.

³ *Фожир* — фосиқ, бадахлоқ.

⁴ *Хосир* — айён кўрган киши, шикаст еган киши.



Ихлос ила биз Аҳад ишнини қилсоқ,
Ҳам бизни ишимизни Аҳад қилғусидур.

106

Душман сўзига қай киши мағрур бўлур,
Маҳзун бўлубон маҳзалу¹ мақхур² бўлур.
Душман тутубон дўсти маҳжур бўлур,
Ҳам они кўруб, душмани масрур³ бўлур.

107

Дин душмани ғам бирла ҳалок ўлғусидур,
Ҷисми бўлубон ғубору ҳок ўлғусидур.
Ҳам минбару масжидеки олуда⁴ эди
Лавсидин⁵ аларнинг, эмди пок ўлғусидур.

108

Ҳар сунбулидин⁶ бошимда юз савлодур,
Девона бўлуб, кўнглум анга шайдодур.
Нозуклигидин қоши ҳилоли⁷ онинг
Гоҳ эл кўзудин ниҳону гаҳ пайдодур.

¹ *Маҳзал* — масхара.

² *Мақхур* — қаҳру ғалабга лойиқ; мағлуб.

³ *Масрур* — шод, хурсанд, хушвақт.

⁴ *Олуда* — булганган, ифлос.

⁵ *Лавс* — нопоклик, ифлослик.

⁶ *Сунбул* — ипгичка баргил, гуллари ҳалқа-ҳалқа хушбўй гиёҳ. Маъшуқанинг ҳалқа-ҳалқа ва муаттар сочи унга нисбат берилади.

⁷ *Ҳилол* — янги ой. Маъшуқа қошининг эгиклигини унга ўхшатадилар.



113

Кўз йўлидин ашкимни¹ равон қилғумдур,
Ашким киби розимни аён қилғумдур.
Йиғлаб-йиғлаб кўзум киби оллингда,
Бир-бир сенга ҳолимни баён қилғумдур.

114

Сабр этса киши, муродиға етгусидур,
Ўзини сабур² аҳлидин этгусидур.
Сабр этмакидин анга етиб хуррамлик,
Ғам хайли анинг хотиридин кетгусидур.

115

Оллоҳимдин ўзга илоҳим йўқтур,
Ҳам икки жаҳонда подпоҳим йўқтур.
Пуштим³ дови улдуру паноҳим ҳам ул,
Ким андин ўзга пушту паноҳим йўқтур.

116

Дин йўлида орому қарорим йўқтур,
Дин душманидин ўзга шикорим⁴ йўқтур.
Бўлуб манга ёру ёрлик кўрсатгил,
Ё Раб, бир ўзунгдин ўзга ёрим йўқтур.

¹ *Ашк* — кўз ёши; кўз.

² *Сабур* — саврли, тоқатли.

³ *Пушт* — орқа; мажозан: паноҳ, ҳомий.

⁴ *Шикор* — оя, овлаш; овлашган нарса.



121

Гар хайр қилур хаёлинг ўлса, эй ёр,
Қил они Худо ризоси учун зинҳор.
Оламда бани¹ одам аро, билгилким,
Сендин дегусидур они то олам бор.

122

Кистон Қароким,² мсинг қариндошимдур,
Айшу ишрат этувчи айёшимдур³.
Доим сўзи будур мангаким ҳар қайда:
Отинг туёғитурур, менинг бошимдур.

123

Мардона бўлуб ғамима, эй покзамир⁴,
Ҳар неча Вазир аҳли қилса тадбир.
Оз кунда кўрунган, бот нигунсор⁵ бўлуб,
Бўлғусидурур зеру забар⁶ шаҳри Вазир.

¹ *Бани* — авлод, қавм, қибили. *Бани одам* — одам авлоди.

² *Кистон Қаро* — Балх хони. Убайдуллохоннинг амакивач-
часи Жошибек Султоннинг ўғли.

³ *Айёш* — мавишатнараст.

⁴ *Покзамир* — кўнгли тоза, тийнати пок.

⁵ *Зеру забар* — оқтин-устун, мағлуб, ҳору зор.

⁶ *Нигунсор* — боши эгилган; тескари бўлган; мағлуб.



124

Мирзоеким, кўнглум анга шайдодур,
Зулфи ғамидин бошимда юз савдодур.
Кўнглумни олур ўзгача фанлар¹ билаким,
Мирзолар ичинда ўзгача Мирзодур².

125

Ҳар лаҳза ваган ичра сафар қилғумдур,
Юрмоқда қадам узра назар қилғумдур.
Хилват тутубон ҳар анжуман ичра мудом,
Хилватга қарийбда гузар қилғумдур.

126

Султонниким, адл юзидин сўрадур,
Онинг учун ул Худони ҳозир кўрадур.
Раҳмат ангаким, адл қилиб, раҳмат олуб,
Адл аҳли мақомига ўзин еткурадур.

127

Мулк ишида тадбиру тааммул³ қилингиз,
Имкон борича сабру таҳаммул⁴ қилингиз.
Тадбир била очилмасе мулк эшиги,
Ихлос ила Тенгрига тавакқул қилингиз.

¹ *Фан* — илм, ҳунар, салғат; ҳийла, найранг; мақсад; касб.

² Бу рубоий жузъий тафавутлар билан 69-рубойига ўхшайди.

³ *Тааммул* — андеша, фикр, мулоҳаза; савий-ҳаракат, райрат; сабр-бардон.

⁴ *Таҳаммул* — сабр, чидам; ўз устига олиш.



Олам аро бўлмади замоне ғамсиз,
Бўлмагай эди кош бу олам ҳаргиз¹.

132

Ҳаргиз дема ҳийла юзидин ёлғон сўз,
Ёлғон сўздин йироқ бўлуб, эвур юз.
Охир сенсен — ёй киби бўлсанг эгри,
Аввал сенсен — алиф киби бўлсанг туз.

133

Ҳолимни менинг билур дедим — билмадингиз,
Чорамни дағи қилур дедим — қилмадингиз.
Сизга недин шарҳ айлайким, ҳар не
Илгай деб эдук — кўзга ҳам илмадингиз.

134

Хўблар² ила меҳр йўлидин юрмайбиз,
Яхшилиғ ила вафо отин сўрмайбиз.
Оламда вафою меҳру яхшилиғнинг
Отин эшитиб, бирав ани кўрмайбиз.

135

Хуш давлат эрурки, хайрбод³ айласангиз,
Ҳосил ўзунгузга яхши от айласангиз.
Нусрат отиға миниб, таваккул юзидин
Дин нақди учун агар вазот айласангиз.

¹ Бу рубоий қўлёзмада шундай қусурли берилган.

² *Хўблар* — яхшилар; гўзаллар.

³ *Хайрбод* — хайрлашниқ, ғайбатлашниқ.



140

Эй жон кўнгул, ажал била сўзлашамиз,
Онинг била ишнинг сўнггини кўзлашамиз.
Юзлашмакка бор хаёли онинг,
Бизда юз йўқ — не юз била юзлашамиз?..

141

Ҳар лаҳза фалак менинг сори эврулмас,
Маҳзун кўнглум фурқат¹ аро шод ўлмас.
Кўнглунг не тилар деб не сўрарсен мендин-
Ким, не тиламиш кўнгул — муяссар бўлмас.

142

Васлингга агарчи зор кўнглум етмас,
Кўнглум дағи сен деганни ўзга этмас.
Меҳрингни кўнгулда маҳкам айлаб бордунг,
Андоқ иш этибсенки, кўнгулдин кетмас.

143

Айшу тарабим² сози даме соз ўлмас,
Андин мени хушҳол этар овоз ўлмас.
Найлай, не қилай, оҳки, кун-кундин ҳам
Кўб бўлса бўлур дарду ғамим оз ўлмас.

¹ *Фурқат* — айрилиқ, жудолик.

² *Тараб* — шодлик, хурсандлик, айшу тараб.



144

Ёдидин анинг бошқа ҳам, эй пок ҳавас,
 Чиқмасак (?) оғиздин овозу нафас.
 Бўлмаса икки жаҳон не тилай ёдини-
 Ким, ёди анинг икки жаҳонда манга бас¹.

145

Эй ёр, ҳарислиғингни² қўймай бўлмас,
 Қўймон киши ранжидин анинг қутулмас.
 Онинг кўзи ул навъ кўзедур, билким,
 Туфроқдин ўтун³ ҳеч нима анга тўлмас.

146

Юрсанг кўруна — кўзумни ювғум келмас,
 Ўзга кишига кўзни қаригум келмас.
 Кирсанг кўзума, ғайр сени кўргай деб,
 Филҳол, юмуб кўзумни — очкум келмас.

147

Жонима анису ёру жононим эмиш,
 Кўнглумга рафиқ ул маҳитобоним эмиш.
 Кўнглум дер эдим онию жононим ҳам,
 Жононим эмас, кўнглум эмас, жоним эмиш.

¹ Бу рубоий қўлёзмада шундай қусурли берилган.

² Ҳарис — ҳирсли, бир нарсага қаттиқ берилган; очкўз.

³ Ўтун — ўзга, бошқа, ғайр.



148

Ул ёр ғарибини келиб кўрмас эмиш,
 Озгина даво дардига¹ еткурмас эмиш.
 Бу шеваларидин² эmdi билдимки, дариг³,
 Ўлсам дағи дардидин анинг — сўрмас эмиш.

149

Ул шефталарким⁴, хонумондин кечмиш,
 Жонони учун азиз жондин кечмиш.
 Тарк айлаб икки жаҳон матоъин, кўрким,
 Мардона бори икки жаҳондин кечмиш.

150

Еткурмайин, эй кўнгул, сен анга фироқ,
 Ҳасрат тутанин⁵ қўйғусидур санга фироқ.
 Лутфу караму тараҳхум этмас кўрасен:
 Не сенгаву не ангаву не манга фироқ.

151

Жонимға жафову жавр ўқин урди фироқ,
 Сенсиз аламин кўнглума еткурди фироқ.

¹ *Дард* — Ҳақдан узоқлик туфайли икланадиган балою му-
 сибатлар.

² *Шева* — одат, турмуш тарзи; тартиб ва қонда; ҳунар,
 камол, феъллат; мажозан: ноз, ишва, қаралими.

³ *Дариг* — афсус, надомат; қизғаниш, қўз қиймаслик, аяш.

⁴ *Шефта* — ошиқ, муҳтажо.

⁵ *Тутан* — дое, из, яра.

Юз руссаву нам била ойирди, филҳол,
Ҳар қайда икки қарибни кўрди фироқ.

152

Ғурбатда қариб оғриса, сўрғучи йўқ,
Бош-қошидин кетмайин ўлтурғучи йўқ.
Ҳасрат била қонлар кутуб ўлмай нетсун,
Зореким, анга кимарса қайғурғучи йўқ.

153

Аввал мени зору нотавон айлади ишқ,
Олам аро беному нинон айлади ишқ,
Зоримни бори элга аён айлади ишқ,
Охир мени расвои жаҳон айлади ишқ.

154

Кўнглумни бало¹ раҳшиға² миндурди фироқ,
Айшу тарабим жомини синдурди фироқ.
Онинг қўлидин фироқ меҳнатда эди,
Ҳам онию ҳам ўзуни тиндурди фироқ.

¹ *Бало* — офат, мусибат, имтиҳон. Сўфийларга кўра, Оллоҳнинг турли балолар орқали имтиҳон қилини бандани унга яқинлаштиради.

² *Рахш* — югурик от, тулпор. Фирдавсий «Шоҳнома»си қаҳрамони Рустамнинг оти.



155

Шахрини кўюб, оғайнилар тутса қироқ,
 Борурмен алар сори неча бўлса йироқ.
 Давлат билд фатҳ ўлди Хуросон мулки,
 Тенгрим берса, бўлғусидур фатҳи Ироқ.

156

Меҳнат ёсин¹ жоним учун қурди фироқ,
 Жонимга менинг жафо ўқин урди фироқ.
 Ўзгага раво кўрмайин ул меҳнатни,
 Ваҳ-ваҳ, не қилай, манга раво кўрди фироқ.

157

Сендин мени хастани жудо қилди фироқ,
 Жонимга туман-туман жафо қилди фироқ.
 Қилғайму экин ҳеч кишига, ё Раб,
 Бу навъ жафоларки, манга қилди фироқ.

158

Оқил кишининг иши тааққул² қилмоқ,
 Ҳар воқеада фикру тааммул қилмоқ.
 Хоҳи бўлсун далаю³ хоҳи тузда⁴,
 Тобшуруб ўзин Ҳаққа таваккул қилмоқ.

¹ Ё — ёй, камон.

² Тааққул — фаҳму идрок, фикр юритиш.

³ Қўлёзмада тушунарсиз бир сўз ёзилган, мантиқ «дала» сўзишга қараб қилади.

⁴ Туз — бу ерда: текислик, текис ер.



159

Эй дуст, фарах¹ диёрини бузди фироқ,
Бузуб они, ғам кишварини тузди фироқ.
Ҳар ердаки, васл риштаси маҳкам эди,
Фарёдким, ул риштали ғам узди фироқ.

160

Тегмас сенга базмим аро маҳрам бўлмоқ,
Ҳижрон ғамидин доғи йироқ ғам бўлмоқ.
Оламда маҳол эрурки, сендек ите
Одам бўлубон итимга ҳамдам бўлмоқ.

161

Кўнглум тўла андуҳ ила ғам — билгучи йўқ,
Андин етадур манга ситам — билгучи йўқ.
Дардим кўб эрур агарчи кўнглумда вале
Дардимни Худодин ўзга ғам билгучи йўқ.

162

Эй ёр, ғамим егучи ғамхорим йўқ,
Кўнглумни доғи олгучи дилдорим йўқ.
Тенгрига сивинмай нестайин эдиким,
Бир Тенгридин ўзга динда ёрим йўқ.

¹ *Фарах* — шодлик, хурсандлик.



167

Зор этти санга мени мулойим сўрушунг,
Кўнглумни дари хуш айлади хуш кўрушунг.
Хушум била сабру хирадимни олди
Юруш-турушунг била яна ўлтурушунг.

168

Тушгайму экин кўзум жамолингга сенинг,
Кўзунг била ул икки ҳилолингга сенинг.
Бир-бир санга шарҳ этай фироқинг аламин,
Еткурса мени Худо висолингга сенинг.

169

Эй ёр, тараб баазида манзил қилдинг,
Авбош¹ элига ўзунгни восил² қилдинг.
Ўз нафсинг учун буларни ҳосил қилдинг,
Тешрилиқ учун, кўрки, не ҳосил қилдинг?

170

Эй боғи латофат ичида гул қозлук,
Гулзори малоҳат аро наргис³ кўзлук.
Қошинда агарчи эгрилик бор вале⁴
Ул сарв киби қадингда бордур тузлук.

¹ *Авбош* — безори, бадкирдор, бебош, йушгусар.

² *Восил* — етишувчи, эришувчи; Худога яқин киши.

³ *Наргис* — бутакўз; мажозан: шаҳю кул.

⁴ *Вале* — лекин, аммо, балки.



171

Олиб борадур кўнгулни рафтори¹ анинг,
Айлаб они рафтори гирифтори анинг.
Жон берди кўнгул лаълига² — лутф айлаб ани
Тиргузди Масихо киби гуфтори³ анинг.

172

Эй чухраларим⁴, ганжи⁵ адаб бирла тўлунг,
Яхшию ямонни кўрсангиз, банд қўлунг.
Яхшидин олинг панду ямондин ибрат,
Менинг деганим будур, баруманд⁶ бўлунг!

173

Ўлтурса не хуш ёнида ёри кишининг,
Кўнгли тилаган севар нигори кишининг.
Ғам кечмас эди ҳаёлигаким, бўлса
Қошида ҳамиша ғамгусори кишининг.

¹ *Рафтор* — юриш; ҳаракат; ёрнинг чиройли хиром этиши; одат.

² *Лаъл* — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг қизил лабини унга нисбат берадилар.

³ *Гуфтор* — сўз, калом; сўзлаш; нақл, баён; гуфтугў.

⁴ *Чухра* — шоҳу амалдорларнинг маҳсуе соқчиси.

⁵ *Ганж* — бойлик, хазина.

⁶ *Баруманд* — баҳраманд.



174

Йўқтур, кўрамен, ямингни ер ҳеч кишинг,
Ўтуб борадур ҳасрат ила ёзу қишинг.
Кун-кундин ишингни яхшироқ айлай кўр-
Ким, тонгла Худо била тушар бўлса ишинг.

175

Мендек кишининг кўзлари намнок¹ керак,
Кўкси очуку ҳам яқоси чок керак.
Олуда керакмас назарию кўнгли,
Кўнгли ариғу² ҳам назари пок керак.

176

Муршидга³, бале, муассир⁴ ақвол⁵ керак,
Шойишта⁶ сулуку⁷ яхши афъол⁸ керак.

¹ *Намнок* — ёшли; намли.

² *Ариғ* — соф, покиза.

³ *Муршид (шир, шайх)* — тасаввуф тариқатида муридга раҳ-
намолик қиладиган профоний маърифатда юксак мақомга етган
киши.

⁴ *Муассир* — таъсир қилувчи.

⁵ *Ақвол* — афъолар.

⁶ *Шойишта* — лойиқ, муносиб, мувофиқ.

⁷ *Сулук* — йўл. Илоҳий маърифатта интилан соҳибнинг
руҳий-ахлоқий камолотта эришини жараёни. Тариқат.

⁸ *Афъол* — феъллар, қилмишлар; ҳулуку афпор.



180

Маҳбуб эрур хўб азизи кишининг,
Покизаю марғуб¹ азизи кишининг.
Хуш давлат эмасмуким, жаҳонда бўлса
Шойистаю маҳбуб азизи кишининг.

181

Нуқлу² маю най базм аро марғуб керак,
Айёшсифат ёр ила маҳбуб керак.
Маҳбубларики ўлғай анда — бориси
Бир-биридин яхшироқу хуб³ керак.

182

Фикринда бўлунг олами уқбонинг⁴,
Тоат билингиз, хужаста⁵ фикрин онинг.
Бўлма дунё хаёлию фикридаким,
Фикрию хаёли ҳеч эрур дунёнинг!

183

Тоатдурким, Катъба сори кетмагулик,
Ҳам юруб анинг тавофига етмагулик.
Етиб анга ихлос юзидин они
Хуш давлат эмасмуким тавоф этмагулик.

¹ *Марғуб* — севимли, ёқимли; дилқам, хушрўй.

² *Нуқл* — майининг орқасидан таниовул қилинадиган газак.

³ *Хуб* — яхши; гўзал; афзал.

⁴ *Уқбо* — охират, нариги дунё.

⁵ *Хужаста* — қутлуқ, муборак, бахтиёр.



184

Мен қулға ладун илмини¹ Ҳақ берса, не тонг²,
Сир мактабида кунда сабақ берса, не тонг.
Илму ҳикмат садафларидин³ чиқариб,
Маъни дуриши табақ-табақ берса, не тонг.

185

Эй хожа, тараб тарҳини⁴ бунёд қилинг,
Озурда кўнгул мулкини обод қилинг.
Бўлсун десангиз борча киши кўнглини шод,
Мен қулни карам айлабон озод қилинг.

186

Тенгри узун айласун ҳаётингни сенинг!
То ҳайр кўб айлабон мамотингни⁵ сенинг!
Ўз лутфи била жаҳонда ҳар офатдин
Асрасун Ўзи шариф зотингни сенинг!

187

Эй шўх, мени ҳуснунга ҳайрон қилрил!
Ё ишқинг аро бесару сомон⁶ қилрил!

¹ *Ладун илми* — Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларгагина берадиган илоҳий илм.

² *Не тонг* — ажаб эмас.

³ *Садаф* — ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.

⁴ *Тарҳ* — режа, лойиҳа, нақш, шакл, тара: бию, иморат.

⁵ *Мамот* — улим.

⁶ *Бесару сомон* — бесаранжом; девона.

Ё текур аёрингга менинг бошимни,
Ё соя киби ер била яксон қилвил!

188

Ул ой ғамидин бўлғали юз пора кўнгул,
Сарғашта¹ фалакдек эрди оввора кўнгул.
Туррангни кўруб кўнгул ўзидин борди,
Ўлдурди ўзин зулфунгга бечора кўнгул.

189

Жонинг била, эй кўнгул, Худони тилагил,
Доим анга зоҳиру ниҳони тилагил.
Ҳосил сенга йўқ кавну макондин² тилагил,
Мақсуд Ул эрур — ҳамиша они тилагил!

190

Ёринг Улу фарёдингга ҳам етгучи Ул,
Фарёдинг ила фиронинг эшитгучи Ул.
Бергувчи ҳам Ул мўлкни, олғувчи дағи,
Хор айлагучию ҳам азиз этгучи Ул.

191

Эй пир, сенга яхши эмас тўли амал³,
Ҳирсу ҳасаду кина била макру ҳиял.
Бу дамки, тирикдурсен, ажал фикрини қил,
Ул дамда не қилгунгдир агар етса ажал?

¹ *Сарғашта* — овра, сарсон, ҳайрон; ошуфта, парижон.

² *Кавну макон* — борлиқ, қонинот.

³ *Тўли амал* — амалнинг узунлиги, орзунинг давомийлиги.



192

Тахт узра ҳамиша комронлиғ¹ била бўл!
Ишрат била айшу шодмонлиғ била бўл!
Ҳам давлату умри жовидонлиғ² била бўл!
Дарвешу³ гадоға меҳрибонлиғ била бўл!

193

Эй шўх, замоне сенга етмак мушкул,
Сендин доғи сўз ҳар дам эшитмак мушкул,
Ҳам ўзгани бошқа сендин этмак мушкул,
Ҳам сени олиб, бир сори кетмак мушкул.

194

Ё Раб, манга бахт раҳиини сурдургил,
Хасмимни ғаму қусса била ўлтургил.
Элни тилаган муродига етқурдунг,
Ё Раб, мени ҳам муродима етқургил.

¹ *Комрон* — бахтли, муроду мақсадига етган.

² *Жовидон* — абадий, доимий, бақий, мангу.

³ Тасаввуф истилоҳотида дарвеш илловчи, истовчи маъносида ифодадалаб, сўфий, фқиҳ, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибсерор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.



195

Эй сарви сихи¹, қадингга бўлдум мойил,
Гул пираҳани² киби танингга ўлдум восил³.
Мақсуду муродим ушбу эрди сендин,
Мақсудум ила муродим ўлди ҳосил.

196

Рухунг қушидек ўзунгни шаҳбоз⁴ эттил,
Рухони(й)лар⁵ аҳли аро мумтоз⁶ эттил.
Онинг сори гар уруж⁷ этмак тиласанг,
Ҳиммат юзидин баланд парвоз эттил.

197

Тенгрингга ибодатни ниҳони қилвил,
Онинг йўлида ўзунгни фони(й) қилрил.
Оламда санга муносиб иш улдурким,
Тенгрига не лойиқ ишдур, они қилрил.

¹ *Сихи* — рост, баланд.

² *Пираҳан* — кўйлақ.

³ Бу ерда вазн бузилган — икки ҳижо ортиб кетган. «Гул кўнглакидек танингга ўлдум восил» деса, тўғри бўлади.

⁴ *Шаҳбоз* — лочин.

⁵ *Рухоний* — руҳ кишиси; ориф, соҳибдил; диндор, диний арбоб.

⁶ *Мумтоз* — талланган, сараланган; афзал, юксак.

⁷ *Уруж* — юксалиш, кўтарилиш.



198

Яхши йўқ эрур тегурмак асҳобиға¹ тил,
Билмас кишилардек улилалбобиға² тил.
Билким, рофизи(й) аҳли киби кофирдур,
Ҳар кимки, тегурса борча асҳобиға тил.

199

Гар етса алам, сабру таҳаммул қилғил,
Ҳар ишда тааннию³ тааммул қилғил.
Ҳосил бўлсин, десанг, муродинг Ҳақдин,
Ихлос била анга таваккул қилғил.

200

Ҳикду⁴ ҳасаду кибр ила ҳирсу амал,
Одамға керакмас нимадур ҳеч маҳал.
Оларни кетармасанг кўнгулдин, билким,
Ҳам динга зарар қилур, ҳам иймонга халал.

201

Эй жону кўнгул, тоатию зикрида бўл,
Ҳар неъматининг ҳамди⁵ била шукрида бўл.
Фикру хаёлидин ҳам ўлмай холи,
Ҳар лаҳза анинг хаёлию фикрида бўл.

¹ *Асҳоб* — аҳл; дуст, ҳамдам.

² *Улилтуб* — ақлу хун соҳиблари.

³ *Таанни* — секилик, оҳисталик; сабр, бардош.

⁴ *Ҳикд* — глша. кек, нафрат.

⁵ *Ҳамд* — мақтов, мадҳ; шукр, таънақкур, раҳмат.



202

Ё Раб, нусрат бериб, амонлиғ бергил,
Хар лаҳза нишоту комронлиғ бергил.
Ғам олами ичра офият¹ бирла тутуб,
Ишрат ила айшу шодмонлиғ бергил.

203

Эй телба кунгул, Худони ҳозир кўргил,
Қавлу² феълу ҳолингга нозир кўргил.
Гар кўрмасанг они ҳозиру нозир сен,
Ўзунгни икки жаҳонда ҳозир кўргил.

204

Ё Раб, манга ёрингни ўзунг ёр эттил!
Аҳбобингни доғи мададкор эттил!
Хар қайдаки дин душмани маҳкум бўлса,
Онинг бариини манга гирифтор эттил!

205

Эй жону жаҳон, сени соғинмоқдур ишим,
Йўқ сендин ўғун ғамимни ер ҳеч кишим.
Сарф ўлди сенинг йўлунгда умрум нақди
Ҳам ўтти сенинг ғаминг била ёзу қишим.

¹ Офият — тинчлик, саломатлик, осойишталик.

² Қавл — сўз, гап, ҳадис; буйруқ, фармон.



206

Шўхеки, анинг қоши қародур, кўзи ҳам,
Алфози¹ латифу жонфизодур² сўзи ҳам.
Озанию лабию орази, холу хати³ —
Ҳар бириси бошқа бир балодур ўзи ҳам!

207

Гар бўлса сенга роҳи⁴ шариат маълум,
Кўнглунгга доғи илми тариқат⁵ маълум.
Шаръи⁶ набави тобеъи бўлмай ҳаргиз,
Бўлмас эмиш асрори ҳақиқат⁷ маълум.

208

Дунё талабин қилиб, қадамлар урдум,
Бисёр⁸ анинг учун ситамлар кўрдум.

¹ *Алфоз* — сўзлар, иборалар.

² *Жонфизо* — роҳатбахш, фараҳбахш.

³ *Хат* — қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.

⁴ *Роҳ* — йўл; маслак.

⁵ *Илми тариқат* — сўфийлик илми. Тариқат уч маълуда қўлланади: 1) умуман сўфийлик йўли; 2) сўфийликнинг муайян йўналиши; 3) сўфийлик босқичларидан бири.

⁶ *Шаръ* — шариат қоидалари; қоида, қонун, одат. *Шаръи набави* — пайғамбар шариати қоидалари.

⁷ *Ҳақиқат* — тасаввуфда каноф ва илҳом йўли билан етиладиган моҳият, яъни Оллоҳни билдиради. Тасаввуфнинг шариат, тариқатдан кейинги — сўфити босқичи ҳам ҳақиқат дейилади.

⁸ *Бисёр* — кўп, зиёда, ортқ, мўл.



Андин юз эвурмай имтиҳон кўчасида,
 Ҳар неча манга етишти ғамлар — урдум.

209

Эй ёр. жаҳондин совубтур кўнглум,
 Ўзига туташмагин олибдур кўнглум¹.
 Жондин совумайдур демагил кўнглумни,
 Йиллардурким, совубтур кўнглум.

210

Ҳажринг ўтиға ўзин солибдур кўнглум,
 Ўзига тутошмовин олибдур кўнглум.
 Учуб чиқолмайин самандар² янглиғ,
 Учмас ямон ўт ичра қолибдур кўнглум.

211

Ул муниси жон ғайрға бўлмиш ҳамдам,
 Лутф айламай, аёрни қилмиш маҳрам.
 Йўқтур ғам анга ишқида, эй хаста кўнгул,
 Юз минг сену мен киби агар бўлса адам.

¹ Қўлёзмада шундай янглишиш мавжуд: мазкур рубоийга тегишли мисра ўрнига кейинги рубоийнинг яккилчи мисраси келтирилган.

² *Самандар* — афсонага кўра ўт ичида туғилиб, ўт ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.



212

Эй нома¹, дегил ҳамдами жонимға салом!
 Мендин бориб ул руҳи равонимға² салом!
 Жон олғучи шўх дилситонимға³ салом!
 Жондин ортуқ жону жаҳонимға салом!

213

Давлат эди дийдорига гар тушса кўзум,
 Нуроний⁴ анинг партавидин⁵ бўлса юзум.
 Мусо⁶ янглиғ лиқосининг⁷ шавқидаким,
 «Лантарони»дин⁸ ўзга йўқ ҳеч сўзум.

214

Раҳм этгучи Ҳақу додинга етгучи ҳам,
 Сиррингни билиб, сўзунгни эшитгучи ҳам.
 Маҳзунлиғу шодлирингни андин кўрким,
 Қилғучи ҳазин Ул сени, шод этгучи ҳам.

¹ Тасаввуф истилоҳида нома илоҳий маҳбуба билан қойиб-
 на сирлашувни билдиради.

² *Равон* — жон, руҳ. *Руҳи равон* — ҳаёт, тириклик, жон.

³ *Дилситон* — дили олғучи, ўзига асир қилувчи, дилбар.

⁴ *Нуроний* — турки, нурланиб турган; равшан, ақло.

⁵ *Партав* — нур, ёду, нурона, ёруклик.

⁶ *Мусо* — яҳудийлар пайғамбари, унга Таврот ноил қилин-
 ган.

⁷ *Лиқо* — юз, чеҳра; учрашиш, кўришиш, восил бўлиш.

⁸ *Лантарони* — «Мени ҳаргиз кўра олмайсан». Мусо алай-
 ҳиссалом Худодан жамолини кўрсатишини сўраганида шундай
 жавобни эшиттади.



Бу меҳнат ила ғаму аламдин тинмай,
Фарёду фигону ноалар қилмоқ ишим.

219

Маърур бўлуб ҳуснушта, эй худройим¹,
Йўқтур, деми, ҳеч ғайрдин парвойим.
Будур сенга пандимки, унутмай зинҳор
Ёд айла Худо бирла ўлумни дойим.

220

Фоний олам ҳақиқатини билдим,
Тарк айлаб анинг муҳаббатин айрилдим.
Бу чоққачаким, билмай анинг ҳечлигин,
Афсус, афсус, умрни зоеъ қилдим.

221

Ўлдумки, фано жаҳон не бўлғай маълум²,
Ул кунки. ажал номаси бўлғай марқум³.
Ул чоғда наби шафоатидин, ё Раб,
Пок умматини айламагайсан маҳрум.

¹ *Худрой* — ўзбилармон, ўжар, қайсар.

² *Маълум* — йўқ, йўқ бўлган, йўқлик.

³ *Марқум* — ёзилган.



222

Ойдек юзига анинг муқобил¹ бўлсам,
Эгма-эгма қошига мойил бўлсам.
Ўлсам дови кўнглум аро армон қолмас,
Бир лаҳза агар васлига восил бўлсам.

223

Гурбат аро йўқ ғамимни ер қардошим,
Нетгай бу қариблигда ёлғуз бошим.
Ёлғузлигимга магар Худо лутф айлаб,
Қилгай ўзунунг иноятин йўлдошим.

224

Каъба сори хуб эди мусофир бўлсам,
Ходимларидек ҳамиша зоир² бўлсам.
Тавфиқ топиб, они тавоф айлабким,
Манзил тутубон анда мужовир бўлсам³.

225

Ғайрат кизидин кимки қилич урса мудом,
Олғусидурур мулк арусидин⁴ ком⁵.
Ёр этса агар адолат этмакни анга,
Шак йўқким, олур адл ила оламни тамом.

¹ *Муқобил* — юзма-юз, тенг.

² *Зоир* — анёрет қилувчи.

³ Бу рубоий мавзу ва мазмунига кўра 216-рубойига яқин.

⁴ *Аруғ* — келинчак. *Мулк аруғи* — мамлакат.

⁵ *Ком* — бу ерда: мурод, мақсад, орау; нолл бўлиш, етишиш.



242

Ҳар лаҳза оғиз ёрлинингга¹ еткурамен,
Кўзумга они Каъба тўнидек сурамен.
Кўргил, деб эдинг, они менигдек, жоно,
Жоним била мен они сенигдек кўрамен.

243

Сенсиз неча ғам гўнасида² телмурамен,
Бошимни неча ҳажр тошига урамен.
Жоно, маша бу ишни раво кўрган ўзунг,
Сендин кўрмай бу ишни — кимдин кўрамен?

244

Ҳажр аҳлига, эй кўнгул, бориб қотиласен,
Воҳ, не кишидин айриладурсен — биласен.
Кўксунг қилиб пора — фаровон йиғла-
Ким, жону жигар порасидин айриласен.

245

Эй шўх, кўнгул жаннатининг хурисен,
Дард аҳлининг кўзларининг нурисен.
Нозирдур алар борча жамолинга сенинг,
Сен борчасининг нозирию манзурисен.

¹ Ёрлик — рўмол.

² Гўна — чекка жой, хилват.

246

Дин лашкарини олиб, Хуросон борайин,
 Тургон ерида адув¹ юрокин ёрайин.
 Тортиб нетайин ўзга черик² миниятини,
 Ўз хайлим ила Тенгрига-ўқ ёлборайин.

247

Эй ой, нетиб юзунгни кўргаймен экин?
 Юзумни қачон юзунга сургаймен экин?
 Кўзгуга боқиб, сураи Юсуфни ўқуб,
 Қайси тавқ (?) аро юзунга сургайман экин?³

248

Парҳез ишини мен неча ангез этай,
 Меъдамни неча жўъ⁴ ўтидин тез этай.
 Парҳездин эй табиб, асир⁵ йўқтур,
 Рухсат манга берки, тарки парҳез этай.

249

Эй сарви сиҳи, сенинг сори азм этайин,
 Васлинга насими субҳ янглиғ етайин.
 Мунда йўқ ишим сени соғинмоқдин ўгун,
 Сенсен манга жон — сени соғинмай нетайин?

¹ Адув — душман, ёв, рақиб.

² Черик — қўшин, лашкар, аскар.

³ Бу мисрада реалистик бор.

⁴ Жўъ — очлик.

⁵ Асир — фойда, нафъ, баҳра.



250

Эй аҳли вафони кўрмадим даврондин,
Даврон аро ҳам бу меҳнати ҳижрондин.
Ўтқормасангиз мени фироқиндин анинг,
Ман худ¹, билингиз, тўнгулгудекмен² жондин.

251

Гар бўлса омонатқа хиёнат сендин,
Тегмас эгасига омонат сендин.
Эттинг бўлубон хоину ондин сўнгра
Кетти, бил, омонату диёнат сендин.

252

Эй ёр, асри дарди ҳижронингмен,
В-эй сарви равон, бесару сомонингмен.
Лайли киби ғамхору ҳаводоримсен,
Мажнун киби саргаштаву ҳайронингмен.

253

Эй шўх, кўнгул мулкида султондурсен,
Жон кипварида соҳиби фармондурсен.
Жон оғзима етти — кетма бошимдинким,
Турғонинг ила боштин-оёқ жондурсен.

¹ Худ — албатта, ҳақиқатан; худди, киби.

² Тўнгулмақ — умид узмоқ, совимоқ.



254

Кўингумни ойирма ул бути¹ раънодин,
Лутфунгни кам этмагил мени шайдодин.
Е Раб, зафару фатҳ ила ислом аҳлин
Доим асра шамотати аълодин.

255

Е Раб, тўладур ичим бу олам ғамидин,
Олам аро мотам ила ҳамдам ғамидин.
Билмон, не экин сабабки, мен зори заиф
Бўлмон нафасе халос мотам ғамидин.

256

Эй даҳр, вафо таваққуъ² этмон сендин,
Дардимга даво таваққуъ этмон сендин.
Ҳеч кимни ризо қилғон эмассен ҳаргиз,
Алқисса, ризо таваққуъ этмон сендин.

257

Ул ёр висоли қадрини билмайсен,
Шукрини анинг учун адо қилмайсен.
Айрилсанг эди — билур эдинг қадрин анинг,
Билмайсен анинг учунким, айрилмайсен.

¹ Бут — санам; мажозан: маъшуқа, гўзал.

² Таваққуъ — кутиш, умид қилиш.

258

Шарҳ айлама дардсизга роҳат қадрин,
Меҳнат кўрган билур фароват қадрин.
Чекмай аламу оғримайин билмас эмиш
Умринда киши роҳати сиҳҳат қадрин.

259

Эй сарви равон, бесару сомонингмен,
Зулфунг янглия асру паришонингмен.
Кўзумни юзунгдин олмағил бошинг учун,
Кўз мардумидек волаю¹ ҳайронингмен.

260

Эй шўх, кўзунг то манга тушгайму экин?
Маҳзун кўзум бирла кўрушгайму экин?
Ул икки кўзунг мардумига тушса кўзум,
Мушкин хат аро сизга юрушгайму экин?²

261

Лаъли лабингга берай Бадахшон мулкин,
Холинг била зулфингга Хуросон мулкин.
Хаттингга доғи берай Хитони, эй ёр,
Ҳам турраи таррорингга³ Турфон мулкин.

¹ *Воля* — мафтул, шайдо, ошпақ.

² Қўл-ёзмада бу рубоийнинг мисралари ўзaro алмашиб кетган.

³ *Таррор* — ўтри; мажозан: маккор, айёр, ҳийлагар.



262

Жисмимни ажал айирса гар жонондин,
Кўнглимни тақи¹ зор танимдек ондин.
Не бок, булардин айру қолсам, ё Раб,
Лутф айла — мени айирмағил иймондин.

263

Хоилиғни манга Тенгри муяссар қилсун!
Инсу малаку жинни мусаххар² қилсун!
Лутфи била ғамдин айириб кўнглумни,
Анвори³ яқин⁴ бирла мунаввар қилсун!

264

Қон йиғлади кўз наргиси жодуси учун,
Чок айлади гул пираҳанни бўси учун,
Маҳв⁵ ўлди кўнгул ҳалқаи гесуси⁶ учун,
Жон бўлди фидо қомати дилжўси⁷ учун.

¹ Тақи — тағин, яна.

² Мусаххар — асир қилинган, маълум қилинган.

³ Анвор — нурлар; нурли чегҳра.

⁴ Яқин — ҳақиқат, комил ишонч. Анвори яқин — ҳақиқат нури.

⁵ Маҳв — йўқолиш, йўқ бўлиш; мажозан: ошиқ, шайдо.

⁶ Гесу — соч.

⁷ Дилжў — кўнглил оловчи, меҳрибон; маҳбуба.



265

Қайғумни бу жаҳонда бир дам тутмон¹,
Оламда ямон киши сўзига бутмон².
Алқисса, агар икки жаҳон бир бўлса,
Хотирға ғаразғўй сўзин ёвутмон³.

266

Эй ёр, саодат истасанг Субҳондин,
Кўзунгни даме кетармагил фурқондин.
Матлуб сенга бўлса Худодин, оре⁴,
Мақсудунг ўлур ҳосил — ўқу Қуръондин!

267

Ноз айласанг, эй нағмасаро⁵, созинг учун,
Жон созинг учун фидо, кўнгул нозинг учун!
Соз айласанг овозинг ила созингни,
Мен банда бўлай соз ила овозинг учун!

268

Кўйинг сори бир дам кела олмайдурмен,
Хуснунига назора қила олмайдурмен.

¹ *Тутмон* — бу ерда: асир қилолмайди.

² *Бутмон* — бу ерда: ишонмайман.

³ *Ёвутмон* — яқинлаштирмайман.

⁴ *Оре* — тасдиқ юкламаси: ҳа, бали, маъқул.

⁵ *Нағмасаро* — мутриб, созаңда, хонанда.



Айрилгали, эй жону жаҳоним, сендин,
Не иш қилтуримни била олмайдурмен.

269

Лутф айламасанг банданга шоҳим не экин?
Кўнглумга асар қилмай оҳим не экин?
Гаҳ жавру жафо, гаҳ итоб¹ айларсен,
Билмайдурмен: менинг гуноҳим не экин?

270

Келтурди сабо² манга шигорим хабарин,
Шарҳ айлади ёри ғамгусорим хабарин.
Хилват эвидин кўнгулгаю жонга сабо
Ўқоним сўзини айди-ю, ёрим хабарин.

271

Гул галтини, эй сарви хиромон, тиламон³,
Сенсиз чаману боғу гулистон тиламон.

¹ *Итоб* — маломат, таъна; қаҳр, ғазаб. Тасаввуфда икки маънода келади: маъшуқанинг ошиққа ва ошиқнинг ўз нафси-га итоб айлаши.

² *Сабо* — Шарҳ томондан эсдиган тонгги ёқимли ва салқин шамол. Тасаввуфда у Оллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига ишбат берилиб, хайрга бонс бўлиши айтілади. Сабо ошиқнинг оҳу наъсиини Оллоҳга, ўл пайвотида, Оллоҳнинг хабарини ошиққа етказди.

³ *Тиламон* — тилишмасман.



Жонни тиламай, сени тилармен, жоно,
Фарсуда¹ танимға сенсизин жон тиламон.

272

Эй шўх, сенинг зору гирифторингмен,
Бошдин-аёқ озурдаю афгорингмен.
Жон бўлса агар сарв қадингнинг зори,
Раҳм айла мангаки, мен сенинг зорингмен.

273

Дарвешки, халқ аро аён этти ўзин,
Ул халқ аросинда ямон этти ўзин.
Гар фюнда бўлмаса ниҳон бўлмоққа,
Исо, нега, бас, кўкка ниҳон этти ўзин?!²

274

Не гулшан³ аро шод қизил гул била мен,
Не ҳамнафас анда зор булбул била мен.
Бир ёр ила мен икки жаҳон гулшанида,
Не сунбулу гул, не соқию мул⁴ била мен.

¹ *Фарсуда* — эзилган, хаста, хароб, пора-пора; ҳорян.

² Қуръонда таъкидланганича, Исо алайҳиссалом тириклайин осмонга кўтарилган ва Қиёмат куни арафасида Ер юзиде яна пайдо бўлади («Марям» сураси).

³ *Гулшан* — Ҳақ ишқига тулиб-тошган солтанининг руҳияти.

⁴ *Мул* — май, шароб. Май тасаввуфда илоҳий ишқ рамзи бўлиб келади.



279

Одамға бериб Худо адабнинг шавқин,
Олию фузун қилди мақому завқин.
Билким, бир адабсизлик анга қилгон учун
Солди шайтон бўйинига лаънат тавқин¹.

280

Йўқгур вам агар ваминг била тўлваймен,
Туфроқ ўлуб, йўлунгда соврулваймен.
Бўлмасам агар халос — не вам ондин?
Ким бўлди халос, ваҳки, мен бўлваймен?!

281

Эй ёр, неча гайра лутф эттайсен,
Онинг сўзуни ҳам неча эшитгайсен.
Сўз десам анга — ниҳояти будурким:
Ўлтургайсен — ўзга мени нетгайсен?

282

Ойирди мени замона ул ҳамдамдин,
Қотикроқ эрур бу инш манга мотамдин.
Эмди не қилайки, дермен, ушбу вамдин,
Бошимни олиб, йитиб кетай оламдин.

¹ Тавқ — халқа; бу ерда: тамға.



287

Кўрмайдурмен фоида султонлигин,
Тобмайдурмен моида¹ хоқонлигин.
Филҳол, агар бўлса эди бир қонлиғ,
Яхшироқ эди ул манга минг хонлигин!

288

Фарз айладиким Худо санго масъаласин,
Билмак санга фарз эрур Худо масъаласин.
Андоқ билким, ҳисоб айёми анга
Айлаёлмағайсен адо масъаласин.

289

Ё Раб, селга мен хузуъ² қилмай нетамен?
Тоат юзидин хушуъ³ қилмай нетамен?
Охир борининг маржаъи⁴ дарғоҳингдур,
Дарғоҳингга мен ружуъ⁵ қилмай нетамен?

290

Еринг бўлуб Оллоҳ — папоҳинг бўлсун!
Асрағучи ҳар ерда илоҳинг бўлсун!

¹ *Моия* — дастурхон; таом, насиба; баҳрамаңдлик.

² *Хузуъ* — хоксорлик, тавозуъ, шикастанифеълик.

³ *Хушуъ* — хоксорлик, тавозуъ.

⁴ *Маржаъ* — қайтиб бориладиган жой.

⁵ *Ружуъ* — қайтиш, мурожаат.



Хуришид¹ ила ой бўлуб надиминг² туну кун,
Анжум³ бориси сенинг сипоҳинг⁴ бўлсун!

291

Бу навъ недур санга хаёл этмакдин,
Ҳисмингни анинг била ҳилол этмакдин.
Нуқ фондаким мол савол этмакдин,
Қорун⁵ янглиғ ганж ила мол этмакдин.

292

Солик⁶ киби ҳол аҳли⁷ ичинда бўлайин,
Ҳолат юзидин оҳ ура эврулайин.
Чун ўлмак эмиш ниҳояти ишинингким,
Ўлсам доғи Олюҳ йўлида ўлайин.

¹ *Хуришид* — қўёш, офтоб.

² *Надим* — маҳрам, хизматкор; яқин дўст, ҳамсухбат.

³ *Анжум* — юлдузлар.

⁴ *Сипоҳ* — қўшин, лашкар.

⁵ *Қорун* — Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, ҳасиликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсани охир-оқибат бутун мол-дунёси билан бирга ер қиш. У Шарқ алабиетида ҳаристик ва ҳасилик тимсоли ҳисобланади.

⁶ *Солик* — тариқат йўлига кирган ва Худо сари сайр қилаётган киши.

⁷ *Ҳол аҳли* — тасаввуф аҳли.



293

Сўз бирла мени узотма ўз бошинг учун,
Сўз ўзга кишига қотма ўз бошинг учун.
Қошинг ёйи бирла манга кўз мардумидек
Мужгон¹ ўқини отма ўз бошинг учун.

294

Васлингга сенинг ётай, десам, қўймайсен,
Жонимни фидо ётай, десам, қўймайсен.
Фарёду фиронки, мен сенинг илкингдин
Бошимни олиб кетай, десам, қўймайсен.

295

Кўнглум эвини харобу ваёрон кўрамен,
Ҳолимни доғи асру паришон кўрамен.
Ўз ҳолига ёлғуз мен эмас ҳайронким,
Ҳар кишини ўз ҳолига ҳайрон кўрамен.

296

Дунё нафасе холи эмас гавродин,
Ғофил сени ул этар не уқбодин.
Солико, не ҳасрат ила борғунгдурким,
Бир-икки қари кафан билла дунёдин.

¹ Мужгон — кпирик, мижжа. Тасаввуфда маъшуқанинг нозу қарашмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралийдиган ўқ, найза, халжар кўзда тугилади. Солиқнинг валюяти, ҳоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.

297

Эл ичра агарчи яхши отлиғдурмен,
Шукр янглиғ аларға тотлиғдурмен.
Лекин Тенгри қошида ўз журмимдин¹
Маҳрамлардек асру уётлиғдурмен.

298

Раҳм айлағучи раҳим илоҳим сенсен!
Қилиғучи карам карим илоҳим сенсен!
Ҳикматким, эрур мавъиза² ҳар кимга, бале,
Берғучи они ҳаким илоҳим сенсен!

299

Эй ёр, кулуб бўлмас эмиш эл тилидин,
Хуррам ҳам ўлуб бўлмас эмиш эл тилидин.
Элнинг тилидин қутулмоқ ишин қўйким,
Бир дам қутулиб бўлмас эмин эл тилидин.

300

Азм айла ғазот сори тоат юзидин,
Ғозий киби қил ғазо итоат юзидин.
Алқисса, Худо ризоси учун донм
Иелом қиличин ур шижоат юзидин!

¹ Журм — айб, гуноҳ.

² Мавъиза — насиҳат, панд, ўғит, ваз.



301

Эй ёр, сенинг меҳнат аро ёрингмен,
Ғамхорингу ҳам яхши ҳаводорингмен.
Алқисса, вафодин ўзга йўқ ишимким,
Ўлгунча итинг киби вафодорингмен.

302

Эй ёр, бўлуб бошқа бани одамдин,
Ёшуруб анинг розини ҳар маҳрамдин.
Бўлғумдур анинг фикри била оламда,
Борғумдур анинг зикри била оламдин.

303

Эй шўх, сенинг қошинта ҳайронмен,
Зулфунг киби саргаштаю саргардонмен.
Қурбонлиғ марга майлинг ўлса тонгла,
Қурбон мени қилки, мен сенга қурбонмен!

304

Юзунга боқиб турар кун ўлғайму экин?
Латининг шакарин сўрар кун ўлғайму экин?
Муштоқлиғим кўб ўлди дийдорингга,
Дийдорингни кўрар кун ўлғайму экин?

305

Саргашта фалак сўзум эшитгайму экин?
Васлингни муяссар манга этгайму экин?
Сени соғиниб, тинмай этармен фарёд,
Фарёдима, оҳ-оҳ, етгайму экин?



306

Муслимга карам қилур кун ўлвайму экин?
Золимга ситам қилур кун ўлвайму экин?
Тенгри карами бўлса муслмонларга,
Кофирни адам қилур кун ўлвайму экин?

307

Оламда қай иш сиррига одам етсун?
Қай бирига муносиб ишни этсун?
Бу навъ баюларки, анга юзлангай,
Мискин одам баюга қолмай нетсун?!

308

Гулгун¹ кашанак² ичинда ёр ўлсаву мен,
Ул орази гул турфа нигор ўлсаву мен.
Гул пираҳани пчра анинг гунча киби
Гул даврида ул долаузор³ ўлсаву мен.

309

Жон гулшанида асру хиромонимсен,
Кўнглум эвида гунчан хандонимсен.
Йкондин гарчи азизроқ бўлмай ҳеч,
Ондин доғи ҳам азизроқ жонимсен.

¹ *Гулгун* — гулранг; қизил.

² *Кашанак* — дарвешларнинг енгиз калта жун либоси.

³ *Долаузор* — лаъла юзля.



310

Эй ёр, даме қутулмақунгдур ғамдин,
Мотамзадалиғ оламида мотамдин.
Ул навъ маош¹ айлаким оламда,
То борғайсен хушлуқ ила оламдин.

311

Умр ўтти-ю, мен ҳануз вофилдурмен,
Ғофил кишилар хайлида дохилдурмен².
Бу турфа эрурки, мунча вофиллиқ ила
Воқиф кишилар тавриға³ мойилдурмен.

312

Эй дўст, ўғуб Марв⁴ ила Моҳондин⁵,
Олиб хабаре Машҳад ила Домғондин⁶.
Тенгри карамн бирла ўғуб ондин ҳам,
Олғумиздур ўлжа Қуму Кошондин.

313

Эй дўст, фалак сенинг сори эврулеун!
Хасминг ичи ҳам ғуссаву ғамдин тўлеун!

¹ *Маош* — тирикчилик, яшаш.

² *Дохил* — дахлдор, тегишли.

³ *Тавр* — ҳол, тарз, сурят; юриш-туриш, ҳуқ; йўл, тартиб.

⁴ *Марв* — ҳозирги Мари шаҳри (Туркманистон).

⁵ *Моҳон* — Хуросондаги вилоят номи.

⁶ *Машҳад, Домғон, Қум, Кошон* — Эрондаги шаҳарлар.



Фатху зафар иси келядур азмингдин,
Бу дамким, айладинг — муборак бўлсун!

314

Ё Раб, айла жаҳонда умрумни узун!
То ёдинг этиб, ибодат айлай туну кун.
Алқисса, Хизр¹ киби билтурмен, Ё Раб,
Оламда тирикликни сенинг ёдинг учун!

315

Тобтим фараҳе кўруб гул рухсорин,
Раъно қади бирла орази гулзорин.
Дийдори анинг муяссар ўлди эмди,
Ўлтурғумдур кўра-кўра дийдорин.

316

Жон офати ул қоши қародур, нетайин,
Кўнглумни доғи кўзи олодур, нетайин.
Жоду кўзи бирла ул қаро қоши киби
Жон фитнасиву қаро балодур, нетайин.

317

Гар қилса зухур² дўстлуқ одамидин,
Ғофил доғи ўлса керак ҳар дамидин.

¹ *Хизр* — зулмат қаъридаги оби ҳаёт (оби ҳайвон, ҳайвон чанмаси, *Хизр* сўйи ҳам дейилади) — тириклик сувини излаб топган на ундаш ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар.

² *Зухур* — кўриниш, пайдо бўлиш.



Ҳам тўлса керак кўнгли анинг, эй ҳамдам,
Оллоҳ муҳаббатидину ё камидин.

318

Кўзунг киби саргаштаву саргардонмен,
Саргашта бўлуб, бесару бесомонмен.
Бу не иш эдиким, айлади султонлар,
Султонларнинг бу ишига ҳайронмен.

319

Билмас киши неъмат аро давлат қадрин,
Давлат аро иззат билв ҳурмат қадрин.
Алқиссаки, сиҳҳату фароватда, билинг,
Зинҳор фароват билв сиҳҳат қадрин.

320

Айтур киши кўб хонига султон хабарин,
Султонига айтур киши оз хон хабарин.
Боқмаса хабар, десам, Хуросондинким,
Қотиб бўлмас элга Хуросон хабарин.

321

Тахт узра ҳамиша комрон бўлсоқ иков!
Ул давлат ичинда жовидон бўлсоқ иков!
Олам аро шоду шодмон бўлсоқ иков!
Ҳам бир-биримизга меҳрибон бўлсоқ иков!



326

Чора тиламай ажалга, эй оввора,
 Ҳижрон ғамига яқонгни айлаб пора.
 Ҳар нимага бор чораву лекин йўқтур
 Ҳижрон алами бирла ажалга чора.

327

Ё барча халойиққа киши хон бўлса!
 Ё фақр¹ диёри аро султон бўлса!
 Ё ошиқ² ўлуб, асири жонон бўлса!
 Ё Мажнундек бесару сомон бўлса!

328

Ҳажрида даво дардима васлин этса,
 Ё муждан³ васли жонфизоси етса,
 Бошини олиб, ғайр ила оввора фироқ,
 Водийи адам сори не бўлғай кетса.

329

Эй хожа, келиб Худога тоат айла,
 Кўнглунгда вафо тухми зироат айла.
 Бир гўшада ўлтуруб, фароғат бирла,
 Андин не тегар сенга — қапоат айла.

¹ *Фақр* — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё исъматлари, вужуд аҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлиш.

² *Ошиқ* — илюхий жамол ва камолга ошпуфта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ тволони изловчи киши.

³ *Мужда* — хушхабар, севинчли хабар.



Мендиң, дер эмишсенки, жудолик айлай,
Тенгрии севар жанг, жудолик қилма.

334

Эй қиз, борасен-у зор келиб қошима,
Мехринг ўтини солибон ичу тошима.
Қолдим ура бошимни фироқинг тошира,
Оллоҳ, не балолар қиз экансен бошима?!

335

Ё Раб, сенсен борча ишимдин оғоҳ,
Ҳам борча ишимни қилғучи хотирхоҳ¹.
Ожизлиғима лутфу тараҳҳум айлаб,
Бўлғил манга ёру қуввату пушту паноҳ!

336

Ҳақ лутфи манга бас — не тилай ҳамроҳни?
Не соғинасиз бада — Убайдуллоҳни!
Эй рофизии(й)лар, жаҳон бисоти ичра
Мот этгум ул ўйунда (сизнинг)² шоҳни!

337

Эй боди сабо³, чамандин этсанг гузар⁴,
Ул гулга етиб, юзиға солғил назаре.

¹ *Хотирхоҳ* — мақбул, ёқимли.

² Қўлезмада бир сўз стилимайди.

³ *Боди сабо* — тоғи шабадаси.

⁴ *Гузар* — ўтиш, кечини.



Йўқтур хабаре манга ўшал гул соридин,
Еткур караме айлабон ондин хабаре.

338

Биздин кўнгул, эй шўх, совутмоқ не эди?
Раҳми йўқ улус хўйини¹ тутмоқ не эди?
Фарёдки, бизни ёд қилмай ҳаргиз²,
Ҳижрон аро бир йўли унутмоқ не эди?

339

Маҳрамларинга ҳамиша хос айла мени,
Ё сокини³ манзили хавос⁴ айла мени.
Еткурубон висолингга ҳижрондин,
Тенгрини севар жанг, халос айла мени.

340

Фарёдки, ҳамнишин⁵ иликдин борди,
Жононаи маҳжабин⁶ иликдин борди.
Мотам элидек борсам иликдин, не ажаб-
Ким, ул бути ноканин иликдин борди.

¹ *Хўй* — одат, феъл, табиат, қисмқ, ҳуққ.

² *Ҳаргиз* — ҳеч қачон, асло.

³ *Сокин* — бу ерда: муқим, турғун.

⁴ *Хавос* — хос кишилар, улўф зотлар.

⁵ *Ҳамнишин* — бирга ўтирувчи, дўст, улфат.

⁶ *Маҳжабин* — оғи кили: гузал маҳбуба.



341

Ғам тиви била кўнгулни юз пора қилай,
 Ҳар порасини бир сори овора қилай.
 Бечоралиғимға чора тобмай ўламен,
 Тенгрининг ишига банда не чора қилай?!.

342

Меҳмон бўлуб, эй кўнгул, санга жон келди,
 Жонинг эвига тушгали жонон келди.
 Ёрутмоқ учун кулбаи эҳзонингки¹,
 Ёрим кеча ул шамъи шабистон² келди.

343

Нўш³ этмак учун майи зилолинг⁴ яхши!
 Ҳамрозлиқ⁵ этмакка хаёлинг яхши!
 Ул гул киби юз устида холинг яхши!
 Осор⁶ боридин манга висолинг яхши!

¹ *Кулбаи эҳзон* — ғам уйи, ҳисратхона.

² *Шабистон* — қоронғи тун; тунги ётоқхона. *Шамъи шабистон* — мажозан: маҳбуба.

³ *Нўш* — ичимлик, ичиш; ичиладиган ширин, ёқимли нрсалар.

⁴ *Зилол* — тиниқ, тоза.

⁵ *Ҳамрози* — сирдош, яқин дўст, улфат.

⁶ *Осор* — бу ерда: самара, натижа; белги, нишон.

348

Ошуфта¹ менингдек сенга, эй ёр, қони?
 Ҳижрон ғамидин зору дилафгор² қони?
 Айтишвали асрорни ҳупёр қони?
 Олам аро бир маҳрами асрор қони?

349

Эй нағмасаро, соқию жонона қани?
 Хул хилват эрур — бодаю паймона³ қани?
 Дерсен борини масти май жоми⁴ аласт⁵,
 Бўлса ҳам олай — наъраи мастона⁶ қани?

350

Эй муниси⁷ жон бирла кўнгул ҳамнафаси,
 Тушти кўзума юзунгни кўрмак ҳаваси.
 Кўнглум қуши бу ҳавас билла учқой эди,
 Монеъ бўладур анга бу ҳижрон қафаси.

¹ *Ошуфта* — ошиқ, шайдо, гирифтор, девоиш.

² *Дилафгор* — дили хаста, кўнгли ваҳшон, маҳзун.

³ *Паймона* — май идиши, қадаҳ, шиёла.

⁴ *Жом* — қадаҳ, шиёла. *Жом* ва унинг маъқушлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгул маъносида келади.

⁵ *Аласт* — азалият, ибтидосиз замоннинг дастлабки пайти. *Жомни аласт* — қисмат майи. *Масти май жомни аласт* — яратиш завоқидан яйраш.

⁶ *Мастона* — мастлардек; мажолан: шўх гулал.

⁷ *Мунис* — яқин дўст, ҳамдам, ҳамсўҳбат, ушфат.



355

Ҳажр ўтива ул пари кабоб этти мени,
Ғам сўзида¹ бетоқату тоб² этти мени.
Кўнглум эвидин кетмади бу ғуссаву ғам,
Ҳосил бу ғаму ғусса хароб этти мени.

356

Ул шўх бориб, ғайрқа ёр ўлди, нетай?
Бу ишни билиб, кўнгул фиғор ўлди, нетай?
Қоши била жоду кўзининг фурқатида
Жон бирла кўнгул зору низор ўлди, нетай?

357

Бормай не қилай балою ғам мулки сори,
Водийи адам бирла алам мулки сори.
Мундоққи, нуҷуд кишваридин бўладур
Олам элига сафар адам мулки сори.

358

Олам ғамини еманг, кўрунг мотамини,
Ўлди ғам ила ким еди олам ғамини.
Алқисса, кўнгул оламининг боринда
Олам демаса бўлур бу дун³ оламини⁴.

¹ *Сўз* — бу ерда; куйдириш, ўрташ; олов, алаenga.

² *Тоб* — ҳарорат, иситма; изтироб, алам, ғам; сабр, бардош.

³ *Дун* — тубан, раил, нокас; паёт, хор.

⁴ Қўлёмада мавакур рубоий икки марта келтирилган.

363

Муршидқа мурид¹ ўлмади суҳбатқа киши,
 Дохил бўлмай аҳли муҳаббатқа² киши.
 Шайхи этокин сидқ ила тутмай ҳосил,
 Етмас ҳаргиз мақоми ваҳдатқа³ киши⁴.

364

Эй шўҳ, сенинг ҳуснунгга наззора қилай,
 Йиғлаб-йиғлаб, пираҳаним пора қилай.
 Пора-пора қилиб кўнгулни доғи,
 Ҳар порасини бир сори оввора қилай.

365

Ҳолимни ким сенга тақрир⁵ эткай,
 Ё нома ёзиб, номада таҳрир эткай.
 Йўқ чораву тадбир этарга ёр-ай,
 Ким чора этиб, ким манга тадбир этгай?

¹ *Мурид* — талаб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий бовлиқликлар ва ўз хоҳиш-иродасида вақт кечиби, Ҳаққа интилаётган киши.

² *Аҳли муҳаббат (шиқ)* — ошиқлар.

³ *Ваҳдат* — Оллоҳ таолонинг ягоналиги, тавҳид. Тасаввуф аҳли наздида ваҳдат Оллоҳнинг ягоналигини таш олишдагига иборат бўлмай, баъки у билан бирлашиб-қўшилиб кетишни ҳам англатади. Бу мақомга эришган орифнинг бирлиги фақат Оллоҳ муҳаббати билан тулиб-топади, нафс, жисм, дунё ташвишларига парво қилмайди.

⁴ Рубоийнинг кейинги икки мисрасида услубий вализлик мавжуд.

⁵ *Тақрир* — баён қилиш, тасдиқ этиш.



366

Жон кулбасида ёнар мурувват шамъи,
 Кўнглум эвида меҳру муҳаббат шамъи.
 Жон бирла кўнгул эвида ёнғон янглиғ
 Ёна ёнадур давлату ҳиммат шамъи.

367

Ё Раб, манга фақр аҳлидин¹ эт ҳамроҳни²,
 Фарқ этмас эмиш борча гадову шоҳни.
 Бўлмас эмиш эл ичра алардек қавме,
 Ул қавмдин айлагил Убайдуллоҳни.

368

Манзил манга ишқингда сенинг нур ўлди,
 Кўнглум доғи жоним киби масрур ўлди.
 Ёруқлуқким, қуёш нхзунгдин³ кўрдум,
 Бошдин-оёғим қуёш киби нур ўлди.

369

Қардошларежим, подшодур бориси,
 Ўз ишлари бирла мубталодур бориси.
 Бориси бўлуб не ишга, не элга ярор,
 Бош бошқа, кўзунг бошқа балодур бориси.

¹ *Фақр аҳли* — фақр мақомига мансуб кишилар; сўфийлар.

² Қўлёзмада бу сўз ўрнига «ҳимматни» сўзи келган: бу сўз на маъно, на қофия жиҳатидан ўзини оқтайди.

³ *Юз* — тасаввуфда илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси.



370

То авжи сафода¹ кўрдум, эй ой, сени,
Маярур жамолингъаву худрой сени.
Кетсанг нафасе қошимдин ўлгум сенсиз,
Ўлмасму киши кўрмаса² сени.

371

Ихлос этокин тутуб борай Каъба сори,
Турмай нафасе — юруб борай Каъба сори.
Бурқаъни³ юзунгдин ол видоъ айларда,
Дийдорингни кўруб борай Каъба сори.

372

Меҳмон этибон эвингга жононингни,
Жононинг учун айла фидо жонингни.
Рози қила кўрким, сенга ҳамроҳ бўлуб
Бирга келган азиз меҳмонингни.

373

Билгай, дер эдим, ғамимни, эй моҳ, сени,
Қилгай, дер эдим, раҳм манга, оҳ, сени.
Огоҳ эмас экансан аҳволимдин,
Бўлгай, дер эдим, ҳамиша огоҳ сени.

¹ Сафо — бу ерда: гўзаллик.

² Бу сўзни тўғри ўқиб бўлмади.

³ Бурқаъ — парда, шўқоб, ҳижоб.



Ёд айламасангким, мени сендин ўзга
Кимдур мени бу жаҳонда ёд айлағучи?

378

Билмонки, келиб кўнгулни олғон ким эди?
Кирпик ўқидин кўзга қовулғон¹ ким эди?
Сўнмай бу ўтим ҳануз кўнглум аюким,
Жонимга жафю ўтини солғон ким эди?²

379

Хуш давлат эрур сенинг била турса киши,
Қофирга қилич Тенгри учун урса киши.
Қаъба йўлини очиб Худо лутфи била
Мардона ўзин Қаъбага еткурса киши.

380

Ёлғузки, эвинда соз қилмоқ не эди?
Ёлғузга қарамни оз қилмоқ не эди?
Ёлғуз қиронинг³ эдиким, ул борди, сўра:
Андоқ қиронингқа ноз қилмоқ не эди?

¹ Қовулғон — қадалган, санчилган.

² Бу рубоий ҳам қўлёзмада икки ўринда келтирилган.

³ Қирон — бу ерда: яқин, бирга маъносига.



381

Кир, дин керак ўлса, қилмағил ороми,
 (Бўл)¹ дин ишида ҳамиша субҳу шоми.
 Сенга не дедим, тааққул айлаб билким,
 Оқилга етар бир ишорат алломи².

382

Маҳбуб муҳаббати била тўлса киши,
 Ўзгани қўюб, анинг била бўлса киши.
 Хуш давлат эмасмуким, муҳаббат юзидин
 Ёдини анинг қила-қила ўлса киши.

383

Дин аҳлига ёри жовидон ўлса киши,
 Жовид жаҳонда комрон ўлса киши.
 Аҳбоб киби меҳру муҳаббат юзидин
 Бир-бирисиға меҳрибон ўлса киши.

384

Ё бир сапамера мубтало бўлса киши,
 Ё зоҳиду шайху порсо³ бўлса киши.
 Ё бўлса бори нимарсадин озода⁴,
 Ё борча улусқа подшо бўлса киши.

¹ Қўлёзмада бу сўз тушиб қолган.

² Аллом — ўта биларон, доно, олим.

³ Порсо — парҳезгор, художўй, покдомон: зоҳид, шайх.

⁴ Озода — тасаввуфда: дунёни тарк этган, қаланслармашираб



385

Ё Раб, манга бер пифо наёминг ҳаққи!
Ҳамдинг била пайғому¹ саломинг ҳаққи!
Лутф айлаб, ўлук танимни тиргузгил ҳам,
Жон бергучи фархунда² каломинг ҳаққи!

386

Ё олам ичинда комрон ўлса киши,
Ё фатҳу зафарға ҳаминаон³ ўлса киши.
Ё юрса ўз ҳолиға дарвеш бўлуб,
Ё борча улус устида хон ўлса киши.

387

Эй Тус, сени Худой вайрон қилди,
Вайрон қилиб, абтару⁴ наришон қилди.
Вайрон қилибон сени-ю, Машҳад тузди,
Машҳад элининг борида аҳсон қилди.

388

Каъба йўлини очиб, борай Каъба сори,
Йўлумни яна қарай-қарай Каъба сори.
Ҳожи кишилар киби риёзат⁵ тортиб,
Эй дўст, борур учун борай Каъба сори.

¹ *Пайғом* — хабар, мужда, башорат.

² *Фархунда* — бахтли, саодатли, масъуд, қутлуғ.

³ *Ҳаминаон* — биргалик, ҳамроҳлик.

⁴ *Абтар* — бу ерда: хароб, вайрон, нотинч.

⁵ *Риёзат* — қийинчилик, азоб, машаққат.



Бу дамни билиб қанимат, эй ҳамнафасим,
Тутмас нафасе қанимат ушбу дамни.

393

Ҳижронга солиб бандани кетмак не эди?
Маҳжур мени васлидин этмак не эди?
Жонимга етиб, кўнгулни олиб бординг,
Кўнглумни олиб, жонимга етмак не эди?

394

Сўфий эмас улки, базм аро ўлтурвай,
Даъвию ғурур кузидин лоф урвай.
Ҳам эвидаги ошқа қаноат қилмай,
Эл оши била қурсоғини¹ тўлдурвай.

395

Ҳақ бандасига бериб вафо жандасини²,
Лутф айлаб анга тарабфазояндасини³.
Ҳам бандасин ўз паноҳига сақлабким,
Бир дам ўзидин айирмасун бандасини.

¹ Қурсоқ — қорин.

² Жалда — дарвешлар кийими.

³ Тарабфазоянда — шодлиқни орттирувчи, хурсандчиликни
зиёда қилувчи.



400

Эй ой, қуёпдек юзунгга банда бўлай!
Жон бергучи ширин сўзунгга банда бўлай!
Эгма-эгма қошингга банда бўлубон,
Наргис киби жоду кўзунгга банда бўлай!

401

Эй дўст, керак ҳамиша жонда ёди,
Дийдор жаҳондаву жаҳонда ёди.
Фирдавски¹, ер яхшироқ ўлмас ондин,
Тилай² ониким, бўлмаса онда ёди?

402

Хуш давлат эрур Худо билан бўлса киши,
Ҳар лаҳза анинг сорига эврулса киши.
Кўнглин холи ўзга муҳаббатдин этиб,
Оллоҳ муҳаббати била тўлса киши.

403

Эй ёр, ямон эмиш кишининг саёғи.
Ул навъ киши ўз-ўзига ёр ёғи (й)³.
Ондин неча безорлиғ этмайки, мудом
Безордур андоқ кишидин Тенгри доғи.

¹ *Фирдавс* — жанинат; саккизинчи жанинатнинг номи.

² Тўғриси: найлай.

³ *Ёғи* — душман, ёв.



404

Дунё тилаганга Тенгри дунё бергай,
Уқбо тилаган кишига уқбо бергай.
Онларни қўюб, ким они истар — анга
Қурбат¹ ери — ломаконда² маъво бергай.

405

Давлат тилаганга Тенгри давлат берди,
Иззат тилаганга тақи иззат берди.
Қурбат тилаким қурбат аҳли³ янглиғ,
Қурбат тилаган кишига қурбат берди.

406

Сўзумни тутуб, қулоққа олсанг, нетгай?
Пандимни олиб, қулоққа солсанг, нетгай?
Биздин худ уёлмадинг ҳаминша боре,
Тенгридин ҳам ондин уёлсанг, нетгай?

407

Бўлмас нима оламда адабдин яхши,
Ҳам роҳатү ҳам ғамда адабдин яхши.
Йўқтур, кўрамен, барча сифатлар ароким,
Яхши сифат одамда адабдин яхши.

¹ Қурбат — яқинлаштириш, етиштириш.

² Ломакон — маконсиз, жойсиз. Худонинг сифати.

³ Қурбат аҳли — орифлар, валийлар.



408

Зореким, анинг ҳар тун иши оҳ ўлғай,
Йўқтур кишиким, ҳолидин огоҳ ўлғай.
Йўқ ўзгадин уммиди анингким, ёри
Оллоҳ ўлғай, ҳаминша Оллоҳ ўлғай!

409

Даъви қилма ишқира жондин кечмай,
Асбоб ила мулку хонумондин кечмай.
Ҳар маҳбубеким, ондин ўзга бордур,
Дам урма муҳаббатиде ондин кечмай.

410

Келган чаманим ичра нигорим бўлғай,
Ё орази гул лолаузорим бўлғай.
Кўнглумга хазон ваҳми нетак ўтгайким,
Богимда бу навъ навбаҳорим бўлғай.

411

Ёр ўрнига кўрмас, нетайин, боримни,
Қўймас анга ёр ўлғали ағримни.
Безор бўлмаёй борчасидин, найлайким,
Умримдин ўтибдур бори безоримни.

412

Ул киши¹, дин била анинг йўқтур иши,
Билмасменким, не экин анинг сойиши?²

¹ Бу орда «ки» юқламади стишмалити.

² *Сойи* — савъ-ҳаракат, шитилити.



Они киши ким деса — ул ўзи билур,
Мен бори демасмен эл аро они киши!

413

Оллоҳ манга тоза ҳаёте берди,
Ғам хорини¹ кўнглум чаманидин терди.
Кўнглумни мурод соридин жамъ қилиб,
Берди манга улчаким, муродим эрди.

414

Миракки, мададкориму ғамхорим эди,
Ҳамрозиму ҳам яхши ҳаводорим эди.
Гарчи кўб эди манга вафодор вале
Мирак менинг ўзгача вафодорим эди.

415

Ўқисмимнинг ўлуб хароб боғу роғи,
Ел бирла чиқиб кўкка анинг туфроғи.
Тушгуси хазон яфровидек ҳар сориким,
Фоний умрум ниҳолининг яфрови...

416

Ё Раб, ҳар ким бўлса ҳаво ҳайрони,
Туфроқ айлаб, ҳавога бергил они!
Фитна селии равон ким этса, куйеун
Қаҳру вазабинг ўтиға хонумони!

¹ Хор — тикаш.



417

Май напъасидин мудом демакдин не?
Майхона¹ балосидин доғи демакдин не?
Чоғирни² олиб оғизга, мажлиси бузуб,
Напъаи май юзидин даррани емакдин не?

418

Сендек керак, эй ёр, кишининг ёри,
Ҳар лаҳза кўнгулни олғучи дилдори.
Ғам оламида не ғамдурур ғамдинким,
Сендек киши бўлса кишининг ғамхори.

419

Тоғ эрмасмен, манга садое бўлғай,
Онинг киби бошимда ҳавое бўлғай.
Туфроқдурмен — қадр баҳое йўқким,
Туфроққа не қадр не баҳое бўлғай.

420

Оллоҳ манга азиз жондин яхши!
Бир лутфи анинг икки жаҳондин яхши!
Ҳар нимаким, яхшироқ ўлса жондин,
Биллоҳ, манга ул бордур ондин яхши!

¹ *Майхона (майқада)* — шавқу завқу илоҳий ғайзага кон
комил орифнинг ботиқи. Илоҳий олам маъносиди ҳам келади.

² *Чоғир* — май, шароб.



421

Дермен ўз (.....)¹ била борсам, ахи,
Иззат йўлидин ҳам сени қайторсам, ахи.
Тилай² санга тақдир бўлубтур кетмак,
Турғунг йўқ эрур ҳар неча ёлборсам, ахи.

422

Солик кишининг фано³ макони бўлмай,
Фоний ани ичинда жони бўлмай.
Бўлмастур анга бақо⁴ муяссар, билким,
Фоний бўлмай фанода, фоний бўлмай.

423

Кишварлар ичинда оламорой⁵ Ҳири,
Олам аро ою аршфарсой⁶ Ҳири.
Армоним ичимда қолмас эрди бўлсам,
Бир ой била ичингда бир ой, Ҳири!

¹ Бу сўзни тўғри ўқишнинг иложи бўлмади.

² Тўғриси: найлай.

³ *Фано* — тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илоҳий сифатлар ичра маҳн бўлиши.

⁴ *Бақо* — абадийлик, мангулик. Тасаввуфда фанодан кейин келувчи сўнгги босқич. Бақога етиш учун солик дунёвий боғлиқликлардан тамоман озод бўлиб, руҳини юксалтиради ва бевосита Худони идрок этади. Бу босқичда у бир кўзи билан Худони ва иккинчиси билан дунёни баробар кўради.

⁵ *Оламорой* — оламни безовчи, дунёга жило берувчи.

⁶ *Аршфарсой* — арш каби юксак.



(«Форсии девон»дан)

1

Ё Раб, берасан ҳамиша неъмат бизга,
Фикри маърифату¹ нури ҳикмат бизга.
Афвингдан умидим бөр — Ўзинг қилгайсан
Ҳар икки жаҳонда афву раҳмат бизга!

2

Нури яқинингдан² бу нури кўнгилнинг,
Напъаишдан эрур ҳам сурури кўнгилнинг.
Ҳеч дилда ҳузур³ бўлмас Ўзингсиз, Сенсан —
Ҳар икки жаҳонда ҳузури кўнгилнинг!

3

Ҳақ — боқию дунё — фоний — алдар кишини,
Ҳақ амрини тут, кўйи бу жаҳон ташвишини!
Кечгай баридан — билса бу дорилфанодан⁴
Ким дорилбақога⁵ бир кўни кўчишини.

¹ *Маърифат (ирфон)* — Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм.

² *Нури яқин* — ҳақиқат нури.

³ *Ҳузур* — халқдан узоқланишигу Ҳақдан ҳузурланиш. Ваҳдат мақомини ҳам ҳузур дейдилар.

⁴ *Дорилфано* — фониёлик уйи, яъни бу дунё.

⁵ *Дорилбақо* — мангулик уйи, яъни у дунё.



7

Гар бўлди зиёда қайкуга эшлигимиз,
Ёлғизлик ҳасратидан дилрешлигимиз¹.
Юз шуқр Худога, яхшидир шохликдан,
Эй дарвешлар, ҳамиша дарвешлигимиз!

8

Ишқинг ўти то руҳимда бўлди пайдо,
Ҳар лаҳза кўзу кўнгил йўлингда шайдо.
Исмингни тилимга олишимнинг сабаби:
Исмим менинг Олюҳ қули — Убайдулло!

9

Учрат менга, Раббим, кўнгли огоҳни,
Солик каби англатсин ўшал Оллоҳни.
Ҳиммат юзидан айла ҳамиша огоҳ
Ул Каъбаи васлингдан Убайдуллоҳни!

10

Тортар ўзига ишқу ҳавоси ёрнинг,
Айлар мени дол ҳусни сафоси ёрнинг.
Кўзимга қилиб сурма оёғи гардин,
Бошимни этарман хокипоси² ёрнинг...

¹ *Дилреш* — кўнгли яра; мажозан: ошиқ.

² *Хокипо* — оёқ ости туяроғи; мутеъ, тобёъ.



Бир иш бошини тут — сира бекор юрма,
Тарк айла бекортикни-ю, бекорларни.

16

Умр ўтди ғаму ғусса билан, эй волий,
Бир лаҳза дилим бўлмади ғамдан холи.
Хушҳолликдан борми жаҳонда хабаре,
Ё хушҳошлик кетди жаҳондан бош олиб?!

17

Эй шўх, қилармисан сира тарки жафо?
Жавринг каби кош етса эди менга вафо.
Токай этасан жафою бедоду ситам,
Қил менга вафо — сен-да мусулмони Худо!

18

Эй дил, эй дил, Худога хос эт ўзни
Ҳам хоси ўшал аҳли хавос эт ўзни.
Зинҳор сени ғофил этмасин ширки¹ ниҳон,
Ул ширки ниҳондан халос эт ўзни.

19

Кўйинг тупроғи бўлди то манзилимиз,
Кетсин қўшилиб сомону суву ғилимиз².
Каъба каби бизни дилни-да айла тавоф,
Каъбадан эмас кам сира бизнинг дилимиз!

¹ *Ширк* — Оллоҳнинг яқкаю яғоналигига ишонмаслик, унга бошқаларни шерик қилиш, куфр.

² *Ғил* — лой; тупроқ.



20

Бир лаҳза хаёлинг этса ҳамроз мени,
Ундан сира айлама жудо боз¹ мени.
Йўқ сенга яқинрови муқарраблардан²,
Ўзингга муқарраб этганинг саз мени!

21

Дуч айла ҳақиқат йўлидан огоҳни,
Ҳақ йўлга у бошласин мени — гумроҳни.
Оллоҳим, этиб лутф чақирсанг, нетгай,
Қошингга яқин билиб Убайдуллоҳни...

22

Шод бўл сабо келгирса агар ёр бўйини,
Шу бўйи яқин этар сенга ёр кўйини.
Қўлингни дуога оч, дуо чоғида гар
Ёш ювса юзингни — яхшиликка йўй уни!

23

Ишқингда бўлак ёр на қилар ошиқда,
Бегона билан кор³ на қилар ошиқда.
Излаб сени ишқ дашти аро мисли сабо
Орому қарор на қилар ошиқда.

¹ *Боз* — яна, тарии.

² *Муқарраб* — яқин, доимий ҳамсуҳбат. Тасаввуфда Оллоҳга яқинлик истаганлар, Ҳақ дўстлари, хос кишилар.

³ *Кор* — иш.



24

Раббим, сира қилма хор мусулмон кишини!
Қайруга гирифтор мусулмон кишини!
Фитня ўти хас каби ёқиб, айламасин —
Дунёни кўзига тор мусулмон киши!

25

Эй Тангри, зафар қадаҳини суз менга!
Ёр бўлсин толеъ кеча-кундуз менга!
Шавқингда зиёд бўлишини истайман
Кайфияту дарду ҳолату сўз менга.

26

Йўқ бўлса юзинг, гулни урайми бошга?
Йўқдир назарим лола каби сирдошга.
Киприкда тизилган қатра-қатра қонни
Не деб атайин баҳор гулидан бошқа?!

27

То кўрдим-у ҳуснингни¹ — сени суйдим мен,
Дил ўвирида ўзга ўйин туйдим мен.
Васлингда узоқ ҳар кеча ҳажринг рамида
Ҳасрат уйи ичра шамъ каби куйдим мен.

¹ Ҳусн — илоҳий жамол, маҳбуб дийдори.



31

Ҳар икки жаҳонда инқ эрур раҳбаримиз,
Ирфон нури бошда тож, дилда гавҳаримиз.
То кўҳна либоси маърифат бор танда,
Кечдик зару зийнати жаҳондан баримиз!

32

Чарх этди жудо мендан ўпал моҳимни¹,
Етказди фалакка нолаю оҳимни.
Шамъдек куяр-у, йиқлагуси ҳолимга
Ҳар ким эшитар оҳи саҳаргоҳимни².

33

Хайрингни дариг тутмадинг авбонлардан,
Тавфиқни-да лутфинг ила айёшлардан.
Оллоҳим, умид Ўзингдан — Од қавми³ каби
Ер юзини пок айла қизилбонлардан!

34

Оллоҳ йўлида ҳалол яшаш истаса ким,
Хулёёр бўлиш олди-сотлида муҳим.

¹ Моҳ — ой; мажозан: гузал, маҳбуба.

² Оҳи саҳаргоҳ — тонгда урилган оҳ. Тасаввуф аҳли тонгда урилган оҳ илоҳий маҳбубага етиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, суфийна адабиётда кўпинча бир оҳ уриб, жон бериш ҳақида сўз борадики, бу оҳ опикни маъшукқа етказди.

³ Од қавмига Худ пайғамбар қилиб юборилган эди. Лекин қавми у кўрсатган ҳидоят йўлига юрмаганилиги туфайли Оллоҳ таоло бу қавмни ер юзидан йўқотиб юборган.

Ҳар олди-сотдики, жаҳонда мавжуд,
Кимнинг ҳақи ўтса ўзгага — шунга зулм!

35

Халқ суҳбатидан чеккага тортдим ўзни,
Дунёдан узилдим, Ҳаққа қотдим ўзни.
Кўз қорачиғидек сени кўрган лаҳза
Беҳуд¹ бўлиб, эй дўст, йўқотдим ўзни.

36

Ё Раб, караминг қилди сенга ёр мени,
Лутфинг баридан айлади безор мени.
Тил тияни мен сари қаратса ҳар ким,
Тил тифидан асра, эй Бирубор², мени!

37

Даврон вамидан заррача вам йўқ менда,
Чарх³ айланишидан-да алам йўқ менда.
Ишқингда йўқотмишман ўзимни андоқ —
Парво сенга ҳам, ўзгага ҳам йўқ менда.

38

Эй сен — шиор этган динини Ҳазратнинг⁴,
Гар истар эсанг равнақини миллатнинг,

¹ *Беҳуд* — ўзидан беҳабар; суқр ва ошпақлик мақомидаги киши.

² *Бирубор* — Худо.

³ *Чарх* — фалак, осмон; давр, замон; тақдир.

⁴ Бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом кўзда тутилмоқда.



Тўк қошини суннат тиви бирлан доим
Ким ёқса агар оташини бидъатнинг!

39

Хукмингда магар мамлакати Мисру Яман,
Фармонингда мулки Хитой ҳамда Хўтан;
Бор бойлигини йиғсанг-да ер юзининг,
Эй шоҳ, жаҳондан этасан битта кафан!

40

Эй Тангри, ҳаминша айла манзур мени!
Ғам оламида хурраму масрур мени!
Лутфинг боис Нишопур азияларининг
Пок руҳи бу кун қўллади охир мени!

41

Сен билсанг агар, бу кўзагарлар, эй дил,
Тупровимиз узра қуриб олиб манзил,
Майхўрлар учун тупровимиздан бизнинг
Кўза ясамоқ билан бўларлар машғул.

42

То хаста нужуд ичра тириклик асари,
Бордир на ҳаётнинг, на мамотнинг хабари.
Минг қатла шукурки, беадад халқ ичра
Оллоҳи каримнинг менга тушмиш назари!



43

Ҳеч кимсага теккизма забони¹ покинг,
Бўлсин, деханг, осуда бу жони покинг.
Ифлос қилади овизни рийбат, билсанг,
Бас, булмама ҳеч қачон даҳони² покинг.

44

Ҳар нарса бу дунёда муҳайё сенга!
Ҳар лаҳза зафар бўлди ҳувайдо³ сенга!
Қайга қадаминг етса, зафар эшигини
Лутфи билан очиб берар Олло(ҳ) сенга!

45

Эй Тангри, сенингсиз менга жо(й) бергучи йўқ,
Шафқат-ла мудом лутфу ато бергучи йўқ.
Сен бермасанг дардимга даво — ким бергай?
Сендан ўзга менга даво бергучи йўқ.

46

Ул барчани тўйғазар ўлим шарбатига,
Ул барчани ўтқазар баҳо маснадига⁴.
Ётқизга-ю бир кун фано тобутига,
Ул барчани бир-бир тиқар тупроқ қатига...

¹ *Забон* — тил.

² *Даҳон (даҳан)* — овиз.

³ *Ҳувайдо* — ошкор, аён, равшан.

⁴ *Маснад* — тахт; мартаба.



47

Эй Тангри, карамингни фузун айла менга!
Қўллаб мени, лутфинг туну кун айла менга!
Тортар эса қайда фитна гирдоби мени,
Ул фитна балосини забун¹ айла менга!

48

Файз етгуси зикр ила дили огоҳга,
Ул файз эгаси яқин бўлар Оллоҳга.
Сўз дерлар-у «ло илоҳа»дан, етгайлар
Моҳияти «ло илоҳа илаллоҳ»га.

49

Қул айлади то нафси ситамкор мени,
Қилди ўта ялқову яна хор мени.
Ялқовлигидан кўрдим ажаб хорликлар,
Ҳар иккисидан асра, Бирубор, мени!

50

Токай бу тириклик майидан маст бўласан?
Хорликка тутиб юз, бир куни паст бўласан.
Оллоҳ йўлида сен ўзлигингдан кечгил,
То ўзи билан мангуга пайваст бўласан!

¹ *Забун* — ожиз, заиф; мағлуб, енгилган.



59

Ҳақ лутфи билан агар назар топгайман,
Қайга қадамим етса, зафар топгайман!
Ҳар фатҳу зафарнинг кетидан пайдарпай¹
Ҳақ лутфи билан фатҳи дигар² топгайман!

60

Дунёда зўр ўғри Аҳмади Афшордир,
Шогирди Саид Ғиёсаки айёрдир.
Ҳар ерда тубан ўғри, қароқчи бордир,
Ҳомийси уларни мана шу мурдордир.

61

Эй дил, икки дунё ғамидан дам урма!
Кўр бўлмайдесанг, умуман дам урма!
Нокас эли бошингга агар тиг урса,
Юз бор тиг ургани билан дам урма!

62

Афсуски, даври ишрату мул кечди,
Вақти суману лолаю сунбул кечди.
Қайда мени(нг) гулчеҳра — унинг оразисиз,
Фарёду фиғонки, мавсуми гул кечди!

¹ *Пайдарпай* — кетма-кет, изма-из.

² *Дигар* — бошқа, бўлак, ўзга.



63

Дунёда топилмайди ўзингдан хуброқ,
Ҳам ҳусну жамол оламида марғуброқ.
Зеболар ичинда йўқ ўзингдан ўтари,
Сендан кўра бўлмайди киши маҳбуброқ.

64

Султон кўнгли хазинаи асрордир,
Ҳақнинг назари унга мудом пойдордир.
Посбони хазинанинг амирлар бўлгай,
Ким қилса хиёнат ўша чин аёрдир.

65

Иинқ олами ичра порсолик хушдир!
Нокасдан илик ювиш — жудолик хушдир!
Ёр бўлса агарда номувофиқ — кечмоқ,
Ёр бўлса мувофиқ ошнолик хушдир!

66

Эй дил, олам элидан узилган яхши,
Хилватни ўзига гўша қилган яхши,
Файр аҳлидан қочган-у қутулган яхши,
Бегона қошида хомуш ўлган яхши.

67

Бу тақвою тоат сабаби дин эрмас,
Ё макру риё, ё мадҳу таҳсин эрмас.
Дийдори унинг муроди мақсуд менга,
Дийдоридан ўзга неъмат чин эрмас.



68

Иши бу жаҳон хўбларининг айёрлик,
Ул кампири шумдек¹ қилиғи ваддорлик².
Зинҳор улар макридан ўлма юфил,
Эзгу сифатин кўрдим эса паргорлик³.

69

Эй дил, Каъба орзусида юрмоқ на хуш!
Ўзни риёзат йўлига бурмоқ на хуш!
Бошингни кўйиб Каъба остонасига,
Кўнглингни очиб, юзингни сурмоқ на хуш!

70

Кимни қарама бу йўлу бу манзилда,
Ҳарчанд тожу тахт ҳавосидир кўнгилда,
Ҳар қанча улуғ бўлса-да, қошингда кичик,
Меҳринг мудом дилдаю зикринг тилда.

71

Ҳақ сўзидан ўзга бир яқин ёрим йўқ,
Ҳақ амридан ўзга бир кору борим⁴ йўқ.
Ғамхору ҳимоячим фақат Ҳақнинг ўзи,
Ҳар икки жаҳонда ўзга ғамхорим йўқ!

¹ Тасаввуф адабиётида дунё кўпинча қари, шум, жодутар кампир, алвасти, зол, ажуза қиёфаларида тасвирланади.

² *Ваддор* — маккор, ҳийлагар, хоин; бевафо.

³ *Паргор* — циркуль. Бу ерда мажозан сарсон қилиш, ўз атрофидан айлаштириш, овора қилиш маъносига келаяпти.

⁴ *Кору бор* — ишлар, машғулликлар.



72

Ишқ аҳлининг иршоди¹ билан боргайман,
Ҳақ қошига имдоди билан боргайман.
Ҳар ерда Унинг ёди билан юргайман,
Ҳар ерга Унинг ёди билан боргайман!

73

Ёр дардида жон ҳамиша ҳайроним эрур,
Дил куйган ўшал сийнан сўзоним² эрур.
Ул барча паришон диллар жамъияти —
Соҳиби дили зору паришоним эрур.

74

Каъба қибласи эрур ҳар инсу жоннинг,
Пок рутбаси³, чунки уйдир Раҳмоннинг.
Сен қора кўнгил ила тавоф этма уни,
Бу даргоҳи олий маҳаки⁴ инсоннинг!

75

Кўйингда топилмас киши то Мажнун эмас,
Дил йўқки, чекиб ватинингни у маҳзун эмас.
Кўзларни назардан ўтказиб бирма-бир,
Бир дийдали кўрмадимки, у пурхун⁵ эмас.

¹ *Иршод* — тўғри йўлни кўрсатиш, раҳнамолик қилиш, ҳидоят.

² *Сўзон* — куйган, ёниб турган, ёлқинли.

³ *Рутба* — унвон, мартаба, даража.

⁴ *Маҳак* — олтин-кумушга суртилиб, уларнинг асл ё сохта-лигини аниқлайдиган тош; синов тоши.

⁵ *Пурхун* — қоши, қонга тўла.



76

Ишқ олами ичра дилда бир зор қани?
 Ҳолбуки, дилимдек дили афғор қани?
 Дил оҳи каби ҳамдаму дилдор қани?
 Дилдош жўралар, ҳамнафасу ёр қани?

77

Ёрниинг жони ёрга нисор бўлса, на хуш!
 Дард аҳлига дармону мадор бўлса, на хуш!
 Ошиқ киши ошуфтаю хор бўлса, на хуш!
 Ўз кўнгли каби асиру зор бўлса, на хуш!

78

Ул шўҳки, дилозору жафокорим эрур,
 Ҳам ёри вафодору талабгорим эрур,
 Юз нозу карашма ичра маккорим эрур,
 Ҳарчанд ситамкору дилозорим эрур.

79

Иймон элининг кўнглига қувватдир адаб,
 Мард аҳли учун муроду мақсаддир адаб.
 Оллоҳ сиридан бохабар орифларга
 Жондан-да азиз бир улуғ неъматдир адаб.

80

Эй Ҳақ ошиғи, боиси узлатдир сабр,
 Мояи¹ машаққату мазаллатдир² сабр.

¹ Моя — асл, моҳият, асос, сабаб.

² Мазаллат — хор-зорлик, бечоралик.



Сабр илкини тут мудом разо чоғида сен,
Билсанг, калити давлату нуератдир сабр.

81

Қандай қилиб ўзгани дилим дўст тутади?
Сен қолиб, бегонани ким дўст тутади?
Душманман унга кимки сенга душмандир,
Дўстман сени ҳар кимки муқим¹ дўст тутади!

82

Бул кўҳна жаҳон бошдан-оёқ вайрондир,
Ободлиги тунроқ ила яксондир².
Сен унда макон тутма сира — кўҳна жаҳон
Оромғаҳи деуу даду³ шайтондир.

83

Ҳар сунбули тоза зулфи дилдор эмиш-ей!
Ҳар лола жамоли лоларухсор эмиш-ей!
Ҳар сарви баланд қомати ёр эмиш-ей!
Ҳар ғунча дили бир ошиқи зор эмиш-ей!

84

Бир шўҳ санаму сояи шамшод⁴ бўлса!
Диллар яна ғам қайдидан⁵ озод бўлса!

¹ *Муқим* — бу ерда: собит.

² *Яксон* — бу ерда: баробар, тенг; фарқсиз.

³ *Дад* — йиртқич, ёлвойи ҳайвон.

⁴ *Шамшод* — кичик ва хушбўйи гулди, ҳаминна кўм-кўк ян-
наб турадиган хушқомат ва чиройли дарахт.

⁵ *Қайд* — боғлангани, занжир.



Хушдир жуда май жомию маҳбуб ҳусни
Анҳору саройи Астробод бўлса!

85

Эй днйда, дегил, қароёда нур, рўшнолик,
Эй ақл, дема, на хуш бу донолик!
Биз жумла гуноҳкору хатокорлармиз,
Афв этмаса Ул, бўлгай ажаб расволик.

86

Меҳмон ҳама ҳолда ҳам атои Худодир,
Уйингда вариби бенавои¹ Худодир.
Сен ўрнига қўй ҳамиша меҳмон қадрин,
Меҳмонни Худо йўллар — атои Худодир.

87

Нон берки, гадоларга — каромат шулдир,
Бир ишки, йўқ ортида маломат — шулдир.
Тарк айлама ҳеч бу азгу ишни, солик,
Ҳар икки жаҳонда чин ҳақиқат шулдир.

88

Илм асли ҳама тасаввуру тасдиқдир,
Билмоқ уни Ҳақ лутфи билан тавфиқдир.
Чунки бу тасаввурот тасдиқ жузъи²,
Наздида муҳаққиқни(нг) бари таҳқиқдир³.

¹ Бенаво — бечора, вариб, мискин, нотавао: маҳрум.

² Жузъ — қисм, бўлак, парча.

³ Таҳқиқ — текшириш, тадқиқ қилиш, ҳақиқат ва моҳиятга етиш.



89

Сендан ризо кўзлаган Убайдуллоҳдир,
 Сўраб ато бўлаган Убайдуллоҳдир.
 Ҳар икки жаҳонда кўзу кўнгил бирлан
 Сендан сени излаган Убайдуллоҳдир.

90

Ринд¹ аҳлини(нг) сарманзилдир² манзилимиз,
 Олам элидан озодлик ҳосилимиз.
 Ул дилки, жаҳонда ярар ишга — бошқа,
 Ул дилки, ярамас ишга — бизнинг дилимиз.

91

Ким илмию фазлига жуда маърурдир,
 Ўз бахтига душманлик ила машҳурдир.
 Ҳар дилки, ҳақиқат нуридан маъмурдир,
 Жаҳл зулматидан фориғу ҳам масрурдир.

92

Ҳар йўл ила Ҳақни васф этмоқ на хуш!
 Ҳар нарсада зикрини эшитмоқ на хуш!

¹ *Ринд* — шарият ва тариқат боққичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган хурфидан, исёнкор, майлараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Ринд аҳли илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар.

² *Сарманзил* — бош, асосий манзил.



Ҳар лаҳза Худо ёди билан фарқ бўлиб,
Хилватни ўзингга гўша тутмоқ на хуш!

93

Бизга у ситамгар суюк дилдордир,
Ҳар ерда ўнинг айлагани озордир.
Жом бирла қадаҳ мисоли лаъли лабисиз
Қон йиғлаш-у, қон ичиш фақирга ёрдир.

94

Бўстондаги бу сарв менинг жоним эрур,
Гулдек юзи — покиза гулистоним эрур.
Бир ерда муқим турса, удир роҳати дил,
Жилва қилса, сарви хиромоним эрур.

95

Мавжудлигим боиси камингдир, жонон,
Кўнглим мулки сенинг камингсиз вайрон.
Қўрқар кишилар наmunча жон бермоқдан?
Йўлингда бериш жонни жуда ҳам осон.

96

Дўст боис агар ишинг юринса, на хуш!
Мақсадга етиб, дилинг ёришса, на хуш!
Мен таприфидан дўстнинг ажаб хушҳолман,
Дўст дўсти билан мудом кўришса, на хуш!

Гарчи самимий дўстлигимиз бор, аммо,
Бу дўстлик аро ғараз йўқ бўлса, на хуш!

106

Алдамчи жаҳон гулшани гулхан бизга,
Мўмин элига зиндону маскан бизга.
Энг баттари — ғайр аҳли билан дўст бўлиш,
Бундан ҳазар айлаки, у душман бизга!

107

Эй Тангри, башар аҳлига коринг бордир,
Пинҳон назаринг тушгучи ёринг бордир.
Ҳар икки жаҳоннинг эгаси Сендирсан,
Ҳар ким била гоҳи ихтиёринг бордир.

108

Ҳар ранжи ғазотнинг асли роҳат бизга,
Бир лаҳза унутмоқ уни офат бизга.
Биз йўлида сидқ ила тикибмиз бошни,
Бош кетса агар йўлида — давлат бизга!

109

Шукри ҳаманинг арзимагай эҳсонга,
Зикри ҳаманинг лойиқ эмас ғуфронга¹.
Бизнинг ҳама тоатдан улур ризвои²,
Тоат бари ноил айламас ризвонга.

¹ *Ғуфрон* — гуноҳларни кечириш.

² *Ризвои* — жаннат; саккиз жаннатнинг бири.



110

Дунёни(нг) сулув ёри асирдир бизга,
Хусн аҳлини(нг) дилдори асирдир бизга.
Хусн аҳлини(нг) сардори экан то ўша, бас,
Хусн аҳлини(нг) сардори асирдир бизга!

111

Эй ёр, нима гап, замона фосид¹ бўлди,
Ул кайфу сафо бозори косид² бўлди.
Қилмасди биров бизга ҳасад — энди эса
Макр ила ҳасад этди-ю, ҳосид³ бўлди.

112

Бизга бу фалак гоҳи вафо, гоҳи ситам,
Гоҳ шодлигу гоҳ фаровату гоҳи алам.
Ҳеч дил вamu шодликдан эмасдир холи,
Дунёни вamu шодлиги бирга ҳар дам.

113

Бу бовни бутун ҳавоси бисёр хушдир!
Хуенинг нуридан сабзаю⁴ гулзор хушдир!
Оллоҳ ҳақи, гул вунчасидек нардада бўл,
Чехрангии сенинг кўрмаса ағёр хушдир!

¹ *Фосид* — бузилган, бузуқ, ножўя.

² *Косид* — касод.

³ *Ҳосид* — ҳасадгун.

⁴ *Сабжа* — майча, кўкат, яшиллик.



114

Тулки бу жаҳон шерлари ҳар гоҳ сенга,
Сарварлари¹ бир ходими даргоҳ сенга.
Нусрат жиловини тортма ҳеч бу йўлдан,
Ҳар ерда зафар ҳамиша ҳамроҳ сенга.

115

Ҳар кимга ниҳон сириши очса Оллоҳ,
У бор сиридан олам элининг огоҳ.
Кимнинг дилида: «ло илоҳа иллоллоҳ»,
Сир оламида у зот эрур шоҳаншоҳ.

116

Кечиб вужудингдан агар ҳур бўласан!
Ҳақ меҳрига ёр, лутфига маъмур бўласан!
Восил бўласан васлигаю Оллоҳнинг,
Нур оламида бошдан-оёқ нур бўласан!

117

Қаъба сари, эй кўнгил, югурса, на гўзал!
Оллоҳ йўлига юзни ўгирса, на гўзал!
Ҳаж шартини ўрнига қўйиб, шод бўлиб,
Ҳақ уйида Ҳаққа жонни берса, на гўзал!

118

Мардлар иши беҳукму бефармон бўлмас,
Эл бирлан уларнинг иши осон бўлмас.

¹ Сарвар — стакчи, йўлбошичи, раҳбар.



Ранжитма кишини — сени ранжитса-да у,
Тариқи¹ футувватда² бу аркон³ бўлмас.

119

Дунёда, нетай, ному нишонни сенсиз?
Хизр каби умри жовидонни сенсиз?
Сенсиз менга даркор⁴ эмас бу жону жаҳон,
Жоно, не қилай жону жаҳонни сенсиз?!

120

Ёр бўлса ҳақиқий, бевафолик қилмас,
Ўз ёрига бир лаҳза жудолик қилмас.
Ёрлар сафига кирса-да ётлар ногоҳ,
Бегона билан у ошнолик қилмас.

121

Бир тоифада ҳавои нафсу шайтон,
Бир тоифада ризои дину Раҳмон,
Бир тоифада умиди васли жонон,
Бир тоифанинг кўкида доғи ҳижрон.

¹ *Тариқ* — йўл; одат, усул, қоида, маслаҳ.

² *Футувват* — олижаноблик, саховат, жавонмардлик. X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқ оғирини енгил қилиш, эллим ҳукмдорларга қарши курашиш, уюшган ҳолда алу кўртин ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турки касб-хунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. У жавонмардлик, ахийлик, айёрлик деб ҳам юритилган.

³ *Аркон* — устунлар, асослар.

⁴ *Даркор* — керак, лозим, зарур.



122

Ёлғиз кишилар толеи бад — дундан дер,
Ўз дардидану ҳам дили маҳзундан дер.
Ким бўлса менинг кайфиятимдан воқиф,
Бечора, ғариб, бекасу¹ дилхундан² дер.

123

Бу манғъалга жон гулшани маскан бўлсин!
Мисли сарв унинг макони гулшан бўлсин!
Шу манғъаладан барча омулликларнинг³
Зулмат кечада кўзлари равшан бўлсин!

124

Ҳар кимда бу ғам уйида манзил бўлгай,
Шодликка у не тариқа мойил бўлгай?
Ғам-қайғули бу замонда, эй ёри азиз,
Бир киши топилмаски, у хушдил⁴ бўлгай.

125

Дил дарди унинг давосига арзимагай,
Жон роҳати ҳам жафосига арзимагай.
Эй дил, тилама икки жаҳон айшини ҳеч,
Арзирми ғамингта у ва ё арзимагай?!

¹ Бекас — ёлғиз, ғариб, кимсасиз.

² Дилхун — дили қон бўлган, ғамгин, дилафгор.

³ Омул — Эроннинг Мозандарон (Табаристон) вилоятидаги шаҳар. Чоржуи шаҳрининг ҳам қадимги номи Омул бўлган.

⁴ Хушдил — шод, хурсанд, ғамсиз.



126

Биз келмадик оламга фақат истаб жон,
Е сургали дўстлар ила даври даврон.
Биз бунда жамолинг¹ кўргали келганмиз,
Бас, мақсадимиз эмас тамоппон жаҳон.

127

Ҳижрон уйи менга мангу манзил бўлди,
Кўзим ёшидан йиқилди у — гил бўлди.
Ундан умидим ниҳоли унди, аммо
Ғам меваси ул ниҳолда ҳосил бўлди...

128

Оламда неки бўлмиш адамдан мавжуд,
Бўлган бариси шуҳуд² дамида машҳуд³.
Кўз ташла: жаҳонда ҳар неки кўргайсан,
Машҳуд бутун олам, сен эсанг-чи, шоҳид⁴.

¹ *Жамнат* — ошпақнинг кучли рағбат ва талабига кўра маъшукнинг ул камолини намоён этиши; илоҳий тажалли.

² *Шуҳуд* — ягоналикни мушоҳада этиш, ваҳдат мақоми: бунда солиқ нимага назар ташламасин, ўша нарсанинг ўзини эмас, балки унда Ҳақни кўради. Ҳамма нарса Оллоҳдан деган қарашга асосланган бу таълимот тасаввуфда ваҳдат уш-шуҳуд деб юритилади.

³ *Машҳуд* — кўзга кўринган, мушоҳада этилган; очиқ, ошкор, намоён; илоҳий тажаллнинг намоён бўлиши.

⁴ *Шоҳид* — кўз билан кўриб туриш, гувоҳ; мажмаан: маҳбубия.



129

Ул қавм асири доғи ҳижрондирлар,
Тупроқ билан яқрангу яқсондирлар.
Дарвеш каби бўлса-да улар сувратда,
Маъно оламида шоҳу султондирлар.

130

Ё Раб, сенга дил ҳамиша мойил бўлгай,
Доим хаёли васл ила восил бўлгай.
Ул дил саналур рофил эмас гар сендан,
Ул дилмас, агар сендан у рофил бўлгай.

131

Дил аҳлига¹ мен ёру яқин бўлгим бор,
Маҳбуб ул-қулуби² аҳли дин бўлгим бор.
Бир лаҳзада ҳар икки жаҳонни унутиб,
Дил аҳли каби гўшанишин³ бўлгим бор.

132

Ҳар кимни Худо даргоҳинга келтирди,
Меҳмон эканини сенга у билдирди.
Остопангга бош урган ҳар бир кишини
Саъйига кўра баланду паст қилдирди...

¹ Дил аҳли — маърифат аҳли, орифлар.

² Маҳбуб ул-қулуб — қалбларнинг севаклиси.

³ Гўшанишин — хилватда ўтирувчи.



Ким кўнглига Ҳақ ёди билан берса ҳаёт,
Ул икки жаҳонда барҳаёт дил бўлгай!

138

Бир хас бўласан қўйсанг уммонга қадам,
Гар ҳийлага учсанг, чивиндексан адам.
Енгиб ўта олсанг шу икки ҳолатни,
Шукр айласанг арзийди — бўлурсан одам!

139

Ишқинг вами кўнглимда фузун бўлгайдир,
Лаълинига столмай дийда¹ хун² бўлгайдир.
Кўз гавҳарисан — кетма сира кўздан узоқ,
Кўз гавҳари бирла кўз бутун бўлгайдир.

140

Ҳар кимсаки, ўз ишига қодир бўлмас,
Ишқ аҳлини(нг) мазҳабида³ Тоҳир бўлмас.
Ҳақ йўлида мурда яхши ул одамдан
Бир лаҳза қолар вофилу ҳозир бўлмас.

141

Ҳар елки, Бухоро тарафидан келади,
Гардини туғилган элни олиб келади.
Ҳар лаҳза ўшал насиму холи мушкин
«Бори дилоро» бўйини олиб келади.

¹ Дийда — кўз.

² Хун — қон.

³ Мазҳаб — йўл; маслак; дин ва тариқат тармоқлари.



142

Ошуфта бу жон сенинг фидойинг бўлсин!
Саргашта бу бошим хоки пойинг бўлсин!
Ҳар иш бўлади сенинг ризойинг бирлан,
Алқисса, менга сенинг ризойинг бўлсин!

143

Кўзим куяр ул сарви равон фурқатида,
Кўнглим куяр ёри меҳрибон фурқатида.
Дард отани бирла чорасизлик ғамидан
Кўксим куяр, ўртанади жон фурқатида.

144

Дўстлар, дилима бало бўлишга не сабаб?
Хаста жонима жафо бўлишга не сабаб?
Ҳар лаҳза менинг ҳамдаму ёрим эдингиз,
Бир бора бу кун жудо бўлишга не сабаб?!

145

Эй жон, замона сенга мос — мос бўлсин!
Бас, сенга адолат тариқи хос бўлсин!
Ҳар қайга қадам қўйма, фаровон мулкинг,
Айш-ишратинг ҳар лаҳза сарафроз¹ бўлсин!

146

Сен мардсан агар бўлсанг амир нафсингга,
Огоҳу ҳазир бўл бир умр нафсингга.

¹ *Сарафроз* — юксак, баланд.



Оламда сира озодлик топмассан,
Эй банда, агар тушсанг амир нафсингга!

147

Дунёда Худо лутфу ато бахш этгай!
Уқбода ҳури нозик адо бахш этгай!
Ҳар икки жаҳонда нимани истар эсам,
Ул истаганим менга Худо бахш этгай!

148

Эй Тус, бу кун харобу вайрон бўлдинг,
Соврилдинг-у елларга — паришон бўлдинг.
Остин-устун қилди бало тоғи сени,
Тупроқ билан сен яна яксон бўлдинг.

149

Фитна кўтариб, элни талашга келма!
Бу миллату дин тақдирин ўйин билма!
Динни емирар замонасозлик асли,
Оллоҳ номидан замонасозлик қилма!

150

Тан ташвиши деб жон қуши ғамнок бўлгай,
Айбу кинадан гарчи дилинг пок бўлгай.
Зийрак кўзим-ей, кўриб турибсан-ку ўзинг:
Бор бўлса нима, оқибат у хок бўлгай...

151

Ёв мамлакати харобу вайрон бўлсин!
Тупроқ ила тенг бўлсин — яксон бўлсин!



Ҳолига уларнинг адам дашти аро
Алдоқчи фалак кўзлари ҳайрон бўлсин!

152

Эй мард, агар Ҳақ йўлида гард бўласан,
Ҳар икки жаҳонда чинакам мард бўласан!
Мардлик яна дил танглигини тарк айлаш,
Дил танглигидан қутулки, номард бўласан!

153

Ошиқлик удум-расми то пайдо бўлди,
Ошуфта дилим жаҳонда якто¹ бўлди.
Ҳар дил у пари зулфига шайдо бўлди,
Девона дилим каби у расво бўлди.


154

Кўз гавҳари доим сенга манзил бўлса,
Кўзим-да мудом кўйингда машғул бўлса.
Сажда юзидан мачит бўлиб сенга макон,
Оёғинг изи дилимда ҳосил бўлса.

155

Ё Раб, бу фақирнинг на вужуди бордир,
Тоат бобида на бир сужуди бордир.
Нодон кишилар мудом вужуд деб лоф урар,
Бандангни сенинг қачон вужуди бордир?

¹ *Якто* — ягона, тенгсиз.



156

Фархона дилим кўйингда Мажнун бўлсин!
Кўнглимда юзингининг ишқи афзун бўлсин!
То рашку ҳасад ичра юмук гунча каби
Ошўфта кўнгиллар бари маҳзун бўлсин!

157

Орзум шу: тўкилсин қони Ҳақ душманини!
Тупроққа оғушта кўрай ифлос танини!
Бу ҳодисалардан сира ғамгин бўлманг,
Шояд, Худо тозалар жаҳон гулшанини!

158

Ношукр киши подшодан нолигай,
Ҳар меҳнату ранжу ҳар балодан полигай.
Ҳақ душмани у — ҳеч гина қилмас ўзидан,
Ҳам дўсти Худою, ҳам Худодан нолигай!

159

Мен ўзга гўзалларни нетай, бўлмаса ёр?
Гар турмаса қошимда мудом эрка нигор?
Кўз гавҳари у вале кўзимнинг ёшидек
Гар топмаса на кўзда-ю, на юзда қарор?

160

Ёқангта қўл ожизликдан етса агар,
Ҳақ лутфи билан бўлғуси ёр фатҳу зафар.
Бизнинг мададимиз-ла ғазовот кўнида
Ғайб оламидан ғайбни лашкари стар!



161

Мардлар билар асрорини дилу жоннинг,
Кайфияти ҳолини бани инсошнинг,
Соф, тоза кўнгилни(нг) қадрини билгайлар
Соҳибназару¹ сўфийлари давроннинг.

162

Ҳар кимки, вафо мулкини фатҳ этгусидир,
Тошг ели каби ёр кўйига етгусидир.
Булбул каби ул чаманда гулларни қучиб,
Ўпиб гаҳи, гаҳ ҳидламайин нетгусидир?!

163

Токайгача фисқ аҳли билан ёр бўласиз?
Оламдан-у ўздан неча безор бўласиз?
Пандим шу: қилинг фисқу фужурдан тавба,
Гар қилмасангиз тавба — кейин хор бўласиз!

164

Бу кўз ёшлар дийдан гирёндандир²,
Дилнинг кўзидан-у, дийдан жондандир.
Бўлгай улар музди³ афву раҳмат, чунки
Ҳақ қўрқувидан-у, зикри Қуръондандир.

¹ *Соҳибназар* — ориф; қаромат эгаси.

² *Гирён* — йиғловчи, йиғлаб турган.

³ *Музд* — хиамат ҳақи; мукофот.



165

Душман дили бу жаҳонда маҳзун бўлсин!
Дил қони тепиб кўзига, пурхун бўлсин!
Бу лаҳза менга етишди янги нусрат,
Бу фатҳу зафар қутлуғу маъмун¹ бўлсин!

166

Туфакни² вазо учун ясамишлар азал,
Куйлайди қозон ичра зафар ҳақда ғазал.
Ёв умри ниҳоли қайдаким бўй чўзса,
Шу туфак унинг бошига солгуси ажал.

167

Ғайбдан дилим дарси маъоний³ эшитар,
Ошкор эмас, уни ниҳоний эшитар.
Мусои Калим⁴ каби жалолинг⁵ Туридан⁶
Ҳар лаҳза жавоби «Лан тароний» эшитар.

168

Маст этгучи ҳид балки сумандан келади?
Ё бўлмаса гулзору чамандан келади?

¹ *Маъмун* — хавф-хатарсиз, тинч-омон.

² *Туфак* — милтиқ.

³ *Маъоний* — маънолар.

⁴ *Мусои Калим* — яҳудийлар пайғамбари. Оллоҳ билан бевосита сўзлашувчи зот бўлганлиги учун унга Калимуллоҳ (Оллоҳнинг ҳамсухбати) лақаби берилган.

⁵ *Жалол* — улудлик.

⁶ *Тур* — Мусо алайҳиссалом Оллоҳ таоло билан сўзлашган ва ундан жамолини кўрсатишни илтижо қилиб сўраган тоғ.



Ё тонг ели келтирдими сочинг ҳидини?
Ё оҳуи мушкини Хўтандан¹ келади?

169

Эзгу ишимизга нафс монет бўлди,
Ўткинчи жаҳон айшига қонет бўлди.
Афсуски, бир ин қилмадик Оллоҳ йўлида,
Қимматли ҳаёт шу хилда зоеъ бўлди.

170

Ишрат уйига сўфийимиз кам кирди,
Бу рамзадаларга таъна тифин урди.
Кирди-ю ҳасад бирла паришон қилди,
Қай дамки, бизинг даврани кўзи кўрди.

171

Ҳақдан у азизларки, хабар топмишлар,
Юз бор валилардан-да пазар топмишлар.
Мақсуду муродини улар-да доим
Тун ярмида ёинки саҳар топмишлар.

172

Ул тоифа кўнглим асири ғам қилди,
Мазлум кишиларнинг кўзини нам қилди.
Бизнинг бу қарамларни қарам бирла этиб,
Не тонг, беқарамлар қарам ҳам қилди.

¹ *Хўтан* — мушк берадиган гузал оҳулари билан машҳур бўлган Қашқардаги воҳа.



173

Ҳар кимки, агар қилиб гуноҳ ишларни,
Орттирмаса ўз бошига ташвишларни,
Ғам гўнасида ўлтирибон ҳасрат ила
Тўкмас эди кўздан оҳ уриб ёшларни...

174

Ҳақ фатҳ эшигин ғазо куни очгусидир,
Ёв ёй каби орқа ўтириб қочгусидир.
Мардона бўлиб, сидқу садоқат кўрсат,
Ҳақ фатҳу зафар гулларини сочгусидир!

175

Исҳоқи Сиёвуший ёмонлик қилди,
Ҳақ душманига у меҳрибонлик қилди.
Ҳирот у туфайли бўлди вайрону хароб,
Ҳаққига Ҳиротнинг беимонлик қилди.

176

Бошингда отанг бўлса, муродинг ҳосил,
Ҳеч нарса ота ўрини босмайди — бил.
Уй-жой, молу дунё жонга кирмас аро,
Ота суягай тулса бошингга мушқил.

177

Мош, ясиқ¹ ошқадида², бас, бўлгусидир,
Унда на бирор ғубору хас бўлгусидир.

¹ Ясиқ — дуккакликлар оиласига мансуб ўсимлик.

² Ошқади — қовоқ идиш.



Ундан егани ош йиғилар қанча киши?
Эллик кишилиқ аҳли Табас¹ бўлғусидир!

178

Хуррам бўлсин кимки мени шод этса!
Бу қайғу-алам бандидан озод этса!
Ҳақ раҳматига ёр бўлсин лутф ила
Маккаю Мадинада мени ёд этса!

179

Умрим у гузал ишқи билан ўтгусидир,
Фам гарди аро мисли туман ўтгусидир.
Кўз борладим Ҳақдан ўзгадан, чунки умр
Кўзни юмиб-очғунингча сан ўтгусидир...

180

Ич ёнганидан кўзимда об² қолган эмас,
Бетоб бўлиб, танимда тоб қолган эмас.
Тортдим ғамингда шу қадар беҳоблик³,
Ғамдида⁴ бу кўзим ичра хоб⁵ қолган эмас.

181

Эй дўст, кўйинг то менга манзил бўлди,
Васлингга етишмак орзуи дил бўлди.

¹ *Табас* — Исфаҳон ва Нишопур ўртасида жойлашган Хуро-
сондаги шаҳар.

² *Об* — сув.

³ *Беҳоблик* — уйқусизлик, бедорлик.

⁴ *Ғамдида* — ғамгин, ғамда.

⁵ *Хоб* — уйқу.



Дил орауси ёлғиз шу эди васлингдан,
Юз шукр, кўнгил мақсуди ҳосил бўлди.

182

На ҳоли дилим чархи фалак билгайдир,
На сирри ниҳонимни самак¹ билгайдир.
Ҳолимдан эмас Худодан ўзга огоҳ,
На инсу на жину на малак билгайдир.

183

Оллоҳни танишни энг улур давлат бил!
Ҳар икки жаҳонда иззату ҳурмат бил!
Туз ҳаққин унутмак — ўфрилиқдан баттар,
Туз ҳаққини оқлашни буюк неъмат бил!

184

Комилсиз адабда, эй азиялар, чўзманг,
Беному нишонлик ҳикматида сўзланг.
Беному нишон солик ўли кимдир, уни —
Беному нишонлик оламида изланг.

185

Етганда ажал бу кўзларинг кўр бўлгай,
Ул дамда мақому манзилнинг гўр бўлгай.
Гўр ичра танинг бўлга-ю пора-пора,
Ҳар пораси битта улуши мўр² бўлгай...

¹ *Самак* — балиқ; бу ерда ер ости маъносида келиб, фалакка қарши қўйилаяпти.

² *Мўр* — чумоли.



186

Орзум шу: Худо порсолик бахш этса,
Эл ташвишидан жудолик бахш этса.
Айлаб у ўзимдан ўзгадан бегона,
Ақл ила мудом ошнолик бахш этса.

187

Ул қавмки, мол-дунёга маррур бўлди,
Ҳақ лутфидан мосувою¹ маъзур бўлди.
Ул қавмки, англаб буни, тарк этди уни,
Ҳар икки жаҳонда шоду масрур бўлди.

188

Инсон зоти доим асири ҳою ҳавас,
Ҳар суфраки, кўрса — устида мисли мағас².
Дону сув илинжида забун қуш монанд
Ҳар лаҳза бало домиди-ю, банди қафас.

189

Риё юзидан ғазони ким касб этади,
Ўз бошига охир унинг ўзи етади.
Ҳар икки жаҳонда расулу Ҳақ қошида
Ул юзи қаро бўлади — ўзга нетади?!

190

Ким сенга қазар чоҳ — чоҳ аро тушсин ўзи!
Тупроқ ила тўлса яхши душманни(нг) кўзи!

¹ *Мосуво* — бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган.

² *Мағас* — пашша, чивин.



Дунёда сенинг умринг узун бўлсин, лек
Душманники-чи, қисқа — шудир Ҳақ сўзи!

191

Бу йил меваю мурут кўп бўлғусидир,
Ҳосил мўлу файзу қут кўп бўлғусидир.
Кафтимга олиб қадаҳни, сархуш бўлиб,
Ичсам ярашар — суруд¹ кўп бўлғусидир.

192

Эй шоҳи замон, Ҳақ карами ёр бўлсин!
Пайғамбарлар руҳи мададкор бўлсин!
Тир бўлса агар жанг кунда ҳар душман,
Ул тир каби қўлингга гирифтор бўлсин!

193

Ҳақ йўлида жонимга урарман пайкон²,
Душманга бу дунёни қиларман зиндон.
Ҳақ душмани деб нақ Хожа Абдулхолиқ
Дунёсига шамшир ураман беармон!

194

Фарзанд агар мутеъи фармон бўлгай,
Ҳақ лутфи унга мудом фаровон бўлгай.
Бешубҳа, бунингдек фарзанд ҳар доим
Кўзинг нурию раҳмати Раҳмон бўлгай!

¹ *Суруд* — қўшиқ, ашула, оҳанг.

² *Пайкон* — ёй ўқлари, ўқ; ёй ўқининг учи; мажозан: киприк.



Хуш бўлса-да олам сенга дил оламидан,
Дил оламига сайр этсанг, хуш бўлгай.

200

Ҳар кимсаки, жоҳиллар ила бўлгайдир,
Дин ҳукмича, ғофиллар ила бўлгайдир.
Ҳар кимса яқин бўлса камол аҳли билан,
Ҳақ лутфи-ла комиллар ила бўлгайдир.

201

Аксар кишилар хавфу хатардан эмин¹,
Суҳбат ва фароғатда яшарлар мамнун.
Бу икки неъмат яхши, одамлар сўзича,
Бу икки неъматга алданурлар лекин.

202

Юз бурмаса ким кўфрдан — бўлса-да фард²,
Жангтоҳда у туширгай ўз номига гард.
Дунёни шери мардлари жанг майдонида,
Ул номардни на шер дерлару на мард.

203

Мен ёр сари қай кунки сафар қилгайман,
Ишқ карвони орқали хабар қилгайман.
Риҳлат³ куни етса, жонни айлаб сарбон⁴,
Карвон йўлини тинч, беҳатар қилгайман.

¹ Эмин — тинч, осуда, хавфсиз.

² Фард — танҳо, халқдан узоқ.

³ Риҳлат — кўчиш, ҳижрат қилиш; ўлиш.

⁴ Сарбон — туякаш; мавжозан; етақчи, раҳнамо.



204

Чин дилдан ибодатинг адо қилгайман,
Ҳар дам сени(нг) ҳаққингга дуо қилгайман.
Излаб бу жаҳон ичинда дийдорингни,
Васлингни у дунёда даъво қилгайман.

205

Андух тўла олам ғамидан дам урма!
Синдирма сафо жомини — барҳам урма!¹
Қофиртабиат нафсинг учун тиф бўлсанг,
Юз бор сенга тиф урса-да, сен дам урма!

206

Ҳақ ёдидан айру кўнгил энг мазмумдир,
Шайтон билан алоқаси маълумдир.
Ҳар кимки, Худо ёди билан бедор эмас,
Бундай кишини тирик дема, марҳумдир.

207

Сарғаштаси ёрнинг дилу жондан кечгай,
Овораси бўлса, хонумондин кечгай.
Девонаси ақлу ҳушини тарк айлаб,
Бир лаҳзада ҳар икки жаҳондан кечгай.

208

Афсус, бебаҳо умр равон ўтгусидир,
Бу бебаҳо умр каби жаҳон ўтгусидир.

¹ Барҳам урмақ — йўқотмоқ, нобуд қилмоқ.



Етмак учун ломаконга парвоз айлаб,
Жон қуши жаҳондан бегумон ўтгусидир.

209

Ишқингда ҳар ошиқ дилу жондан кечгай,
Ҳам нақди ҳаёти жовидондан кечгай.
Васл орзусида кўзни юмиб-очқунча
Ҳам жонидан-у, ҳам бу жаҳондан кечгай.

210

Ким тўккали обрўйинг шитоб қилгайдир,
Халқ ўртасида таъна-итоб қилгайдир,
Сен унга жавоб айлама-ю, жим ўлтир,
Ўрнингга фаришталар жавоб қилгайдир.

211

Ринд аҳли бебодаю қадаҳ бўлгайми?
Бежому май оламда фараҳ бўлгайми?
Деманг сира мажлис ичра ур-сур қилманг,
Бежангту жадал айшу тараб бўлгайми?

212

Нафс аҳлини(нг) қисмати мудом шўр бўлди,
Ўлгач, тани қуртларга тўкин қўр бўлди.
Юз ҳасрат иля жаҳонни тарк айлаб улар,
Топганлари охир шу қаро гўр бўлди...



213

Боқ: бу шишагарлар ажаб шиша қилишар,
Ҳар турфа безакни унга пеша¹ қилишар.
Тупроғу дилу кўзидан одамларнинг
Кўрдингми: шу хилда рангли шиша қилишар...

214

Дунёда, Убайд, ўрнига қўй иззатни,
Ниёз қўли-ла тут этагин давлатни.
Бир лаҳза унутма Ҳақни, ҳикмат юзидан
Подшоҳларидан дунёни ол ибратни.

215

Эй май қадаҳи ошиғи, майхонани қўй!
Бу ҳирсу ҳавас манбаи паймонани қўй!
Ҳеч ерга етишмас сену менинг сўзимиз,
Жим ўлтир-у, беҳуда бу афсонани қўй!

216

Бўлвай на хуш ичиш баҳор фаслида май,
Гулзор оралаб, дасталасанг гул-да атай.
Май тут менга то янграр экан полан най,
Мен май ичай эслаб сени, кўзи қуралай.

¹ *Пеша* — иш, амал; ҳунар, санъат.



217

Қилдим-у саҳар тавофи Султон Санжар¹,
Дедим: кўрсат зафар йўлин, эй раҳбар!
Деди: зафар истаб, дуо қилсанг саҳар,
Ҳақ лутфи-ла топгайсен саҳар вақти зафар.

218

Ўткинчи жаҳондан падаринг қилди сафар,
Бил, ушбу сафардан сенга етмайди хабар.
Пандимни қуловингга ил, эй жони падар:²
Сен ўз ташвишингни қил-у, чекма ғами зар!

219

Душман бўлди менга эл ишқ туфайли,
Дуч этди ажаб бир тоифага Лайли.
Ҳар бўлса менга ўшал санамни(нг) майли,
Шодликдан оқар равон кўзимнинг сайли³.

220

Ушла отининг жиловидан ишратнинг,
Шодлик бу — шамол, тут этагин давлатнинг.
Олам элининг азизи бўлмоқ эрсанг,
Солик каби таъла йўлини узолатнинг.

¹ *Султон Санжар* — салжүқийлар сулоласининг саккизинчи ҳукмдори (1118—1157).

² *Падар* — ота.

³ *Сайл* — сел, яъни бу ерда: кўз ёши маъносида.



225

Тус қатъаси устида ажаб қуш кўрдим,
Қақнус¹ қушининг манзилин ундан сўрдим.
Оҳ-нола билан чайқади бош у: «Сўрама,
Ул ерда на қуш, на қуш патини кўрдим...»

226

Эй, фатху зафар бобида сўз кам урма!
Мақсадга мувофиқ ишга барҳам урма!
Ҳар кимсаки, сенга қарши сўз айтса агар,
Рад айлама ҳар бир сўзини, дам урма!

227

Дунёда менга майни(нг) қадаҳи етади!
Ишқ оламида шу май фараҳи етади!
Ғам шомидаги мажлисимиз файзи учун
Ринд аҳли дилидан учган оҳи етади!

228

Ботдик жаҳолат чоҳига нодонликдан,
Сўзлашдик ўзимиз-ла паришонликдан.
Эл топди бу қўлу тилимиздан азор,
Шармандамиз ушбу хил мусулмонликдан.

¹ *Қақнус* — афсонавий хушовоз қуш: бир умр хас-хашак йилиб, кейин унинг устига чиқиб, ўтли бир наво чекар, нафасидан тўйлаган хирмони алянга олиб, ўзи ҳам ёниб кетар — унинг кулидан янги қақнусбачча пайдо бўлар экан.



237

Эй дил, бесабаб Ҳақ сенга бермайди касал,
Етса аритар лутфи билан ранжу ўсал.
Ҳақ феълини сен касалга нисбат берма,
Ҳақ феъли қусурли бўлмагай асли азал.

238

Эй хожа, бекорчи орзудан ғам ортар,
Дунёда касаллик йўқ ҳирсдан баттар!
Сен ҳаммадан ўзмоқни тилайсан, рости,
Бу васвасага ҳасад сабабдир аксар.

239

Ўтли юрагимни айлади сард¹ фироқ,
Этди яна бағримни тўла дард фироқ.
Хокий вужудимдан мени хориж айлаб,
Тупроқ каби қилди мени-да гард фироқ.

240

Топса назарингдан баҳра бир зарра хок,
Бўлгай ўша зарранинг мақоми афлок.
Майхонаи ишқинг ичра бебоқлармиз,
Лутфинг ила бизларни-да сен қилгил пок.

241

Ҳўл бўлди кўзимнинг ёшидан бу тупроқ,
Энди унар унда қанча майса, янтоқ.

¹ Сард — совуқ.



Тупроққа агар тегса кўзим, ҳайф дема,
Тупроққа қўшилгай-ку барибир тупроқ...

242

Ҳар лаҳза гўзал юзингни кўрмоқ мушкул,
Ҳар дам оёғингга юзни сурмоқ мушкул.
Васлингга етишмоқ қийиндир, жоно,
Ҳажр ичра висолсиз-да юрмоқ мушкул.

243

Эй ҳомийи дину ҳофиз¹ мулку милал²,
Эй қотили куфру дофеъ³ жангу жадал.
Ҳар қайдаки, кўзгалса бирор фитнаю шўр⁴,
Айларсан уни дафъ этиб тадбиру ҳиял.

244

Эй шўх, қиларсанми сира чораи дил,
Токай бўласан қотилу хунхораи⁵ дил.
Қондир лаби ҳар итингининг — дил қони у, боқ:
Ётар ҳар ер-ҳар ерда бир порай дил.

245

Ҳақ лутфи билан бизга бўйин эгди Ҳирот.
Бу мужда сенга бағишлади янги қанот.

¹ *Ҳофиз* — бу ерда: сақловчи, ҳимоя қилувчи.

² *Милал* — миллатлар, халқлар.

³ *Дофеъ* — дафъ қилувчи, қайтарувчи.

⁴ *Шўр* — фитна, тўполон.

⁵ *Хунхора* — қонхўр, қон тўкувчи.

254

Бир дард дилимда бор — даво хоҳлайман,
 Ҳақ дорушшифосидан¹ шифо хоҳлайман.
 Ҳеч нарсани Ҳақдан ўзгадан сўрмасман,
 Ҳар нарсани ҳам берса Худо хоҳлайман.

255

Қирғоғи йўқ уммон олам ичра одам,
 Уммон аро инсон умри бир кемаи ғам.
 Гар қилса ҳужум ажал наҳанги² ногоҳ,
 Фарқ айлар-у, тортар ўзига коми адам.

256

Қизғонаман ишқ бодасини одамдан,
 Бир томчиси ортиқ уни мулки Жамдан³.
 Этгай дилу жондан икки олам ғамини,
 Бир қатраси аъло ҳар икки оламдан!

257

Эй дил, мени на деғу на дад қўрқитгай,
 Ё айбу гуноҳлар беадад қўрқитгай.
 Оламда булардан сира йўқ хавфим, лек
 Дўст кўнглидаги кину ҳасад қўрқитгай.

¹ *Дорушшифо* — шифохона.

² *Наҳанг* — катта балиқ, акула.

³ *Жам* — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид номининг қисқартирилган шакли. Жамшид қадаҳидаги май ичган билан тугамас экан.



262

Риндеки, ҳалоллик ичра якто — бизмиз,
Ўз риндлиги-ла жаҳонда танҳо — бизмиз.
Ғам даҳрида бозори фано ринди каби
Риндеки, алам-ғамга бепарво — бизмиз.

263

Эй дўст, на дарвешу на хоқон бўлдим,
На шоҳу бирор мулкка, на султон бўлдим.
Оламда ўзимча на у, на бу бўлдим,
Ҳақ хоҳлагани каби бир инсон бўлдим.

264

Ошуфтасимиз қомати раъносини биз,
Девонаси сунбули сумансоеини¹ биз.
Ул бўлса жаҳоннинг жони — кўз гавҳаридек
Ҳайрони жамоли оламоросини биз.

265

Юмсақ-да юзи ўтига кўзни зинҳор,
Юз гулхани ишқ кўнгилни қилди абгор.
Ағёр, дилимиз ўтидан айла ҳазар,
Бир оҳ ила қўйдик ўт жаҳонга юз бор!

266

Ёр ҳажрини ваҳми била бемор бўлдим,
Ғам тошининг остида кўн афгор бўлдим.

¹ Сумансо — суманга ўхшаган.



Зулфига асир қилди мени зор кўнгил,
Зор кўнгилни дастидан гирифтор бўлдим.

267

Бу жон мудом сенинг адоийинг бўлсин!
Бу дил ҳамиша мубталойинг бўлсин!
Бир жон не бўлар — сенга фидо этмак учун
Юз жоним агар бўлса, фидойинг бўлсин!

268

Токай бу замон камидан афсона бўлай,
Афсонаи ҳар оқилу фарзона бўлай.
Ошиқ бўла-ю, икки жаҳондан кечибон
Бир Лайлисифат ишқида парвона бўлай!

269

Мун дайрида биз май хумига¹ бош урдик,
Муғлар ила май ўниб кўзу қош урдик.
Тақвою нараъни² биздан истарлар, биз —
Тақвою нараъ шипасига тош урдик!

270

Токай фироқ заҳрини тун-кун ичаман?
Токай камида жоми пурхун ичаман?

¹ Хум — завқ аҳли наъдида сулуқнинг ибтидоиси. Бунда солиқ хумга эндигина солинган майдек қайнаб-тошади.

² *Наръ* — тариқатнинг иккинчи мақоми бўлиб, тақво, парҳез маъноларини билдиради: тил нараъи, кўз нараъи, қалб нараъига бўлинади.



Токай лшайин ёр лабисиз¹ ташнажигар?
Эслаб лабини бодаи гулгун ичаман!

271

Ўткинчи жаҳонга жон учун келмас эдик,
Дил олгучи шўх жонон учун келмас эдик.
Бир кўргали ҳуснингни буюрдик ташриф,
Бас, томошои жаҳон учун келмас эдик.

272

Ҳаддан ўтди ғаму малюлим, на қилай?
Ғаддор замон берди заволим, на қилай?
Додимни Ўзингга айтаман шому саҳар,
Гар тингламасанг сен-да бу ҳолим, на қилай?..

273

На майкадаю на жоми Ҷам² кўргайман,
На марди кариму на карам кўргайман.
Сайри адам асбобини тахт айлан шарт,
Қасди адам этмиш ҳамма ҳам — кўргайман.

¹ *Лаб* — сўфийлар истилоҳотида маънавият оламида ан-биёга малаклар воситасида, авлиёга эва илҳом орқали позил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.

² *Ҷамшид* «*Жоми жаҳоннамо*» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажикда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Ҷамшид жомига нисбат берадилар.



274

Ишқинг улут уммонида бир хас — бизмиз,
Шавқ гулшани ичра гули наврас¹ — бизмиз.
Бизларга мурувват эт, ғариб шаҳр ичра
Дарвеши ғариб, беҳешу бекас — бизмиз.

275

Ул шўх фироқи тивидан афгорман,
Ҳижрони балюси ваҳмидан беморман.
Ҳар ўққи, ундан етади жонимга,
Жон ичра алиф айлагали тайёрман.

276

Юз шукрки, мен аҳли шарият бўлдим,
Ҳам машҳури арбоби тариқат бўлдим.
Мақсад менга асрори ҳақиқат, шундан —
Мен ошиқи асрори ҳақиқат бўлдим.

277

Эй ёр, сенинг ишқингда гирифтор мен ҳам,
Юз ғам билан ошуфтаман, эй ёр, мен ҳам.
Кўрсаттил узокдан гаҳи дийдорингни,
Эй ёр, сенга толиби дийдор мен ҳам.

¹ *Наврас* — янги ўсиб келаётган, ёш.



278

Муштоқиман ҳусни оламорийингни
Ҳам бандаси турраи сумансойингни.
Эй гул, талаб водийсида мисли сабо
Излаб еламан қомати раънойингни.

279

Эй ҳусн элининг шоҳи, гадойинг бўлдим,
Мажнун каби зору мубталойинг бўлдим.
Бегона бўлиб ҳаммадан-у, жондан ҳам,
Чин дил била мен сенинг фидойинг бўлдим.

280

Лутф этса Худо менга не бок ваҳми жаҳим¹,
Узмасман умидни сира сендан-да, наим².
Ҳар икки жаҳонда мен гуноҳдан чўчимам,
Ҳар икки жаҳонда Ҳақ карим ҳамда раҳим!

281

Созанда, хуш овозингга дол-ҳайронман,
Сарғангтаману бесару бесомонман.
Бечораларинг тарафга ҳам бир кўз сол,
Ошuftа шу зулфинг каби саргардонман.

¹ Жаҳим — жаҳаннам, тамут.

² Наим — мажмаи: бихишт, жаҳишт.



282

Эй дўст, фано дайрида ҳамхона бўлай,
Сарҳалқан¹ аҳли дайру² риндона¹ бўлай.
Бездим жуда хонақоҳдан-у⁴, истайман —
Ринд аҳли каби сокини майхона бўлай.

283

Токайгача бечораю ҳайрон бўламан?
Зулфи каби шўхларни паришон бўламан?
Ихлос ила хизматин қилиш ораусида
Мен навкари султони Хуросон бўламан!

284

Май завқини билмай яшадик биз — қандай?
Дўстлар ила вақтичоғлик этмай мундай.
Шод бўлмадик, афсуски, жаҳонда ҳаргиз,
Шодлик нима, билмай умр ўтди шундай...

285

Каъбани тавоф этгали Бағдод борамиз!
Кўнгилни қилиб хурраму ҳам шод борамиз!
Каъба сафари анжомини шай айлаб,
Ботин⁵ уйини этгали обод борамиз!

¹ *Сарҳалқа* — стакчи, бошлиқ.

² *Аҳли дайр* — майхона аҳли, риндлар, сўфийлар.

³ *Риндона* — риндлардек, риндларга ўхшаш.

⁴ *Хонақоҳ* — сўфий ва дарвешларнинг йиғиладиган, зикр ўтказадиган жойи.

⁵ *Ботин* — ич, ички олам, кўнгил. *Ботин уйи* — кўнгил уйи.



286

Ўтказмадим ҳеч кимсага зулму бедод,
Хусн аҳли қиёзмас ақлу ҳушим барбод.
Доира ичидан излама нуқта каби,
Мен икки жаҳон доирасидан озод.

287

Ошуфтасимиз қомати шамшодингнинг,
Бандаси ҳамиша сарви озодингнинг¹.
Ҳар шўҳига ҳар шаҳарнинг ошиқмасмиз,
Биз ошиғи шўҳи Астрободингнинг!

288

Эй дўст, ёмон иш қилсанг, мен на қилай?
Иблисни агар пир билсанг, мен на қилай?
Мен борма десам-да, бординг-у, ғам кўрдинг,
Сен ўзингга ўзинг қилсанг, мен на қилай?

289

Эй шайх, гирифтори кароматмасман,
Ё банди ҳаёл, гадои шуҳратмасман.
Мендан сўрама каромату мўъжизани,
Мен элни «каромат» ила қақшатмасман!

¹ *Сарви озод* — тик ва баланд сарв; мажозан: гўзал ва баланд қоматли маҳбуба.



293

Дунён тубан ҳам бевафони на қилай?
 Ул маъшуқи ҳар шоҳу гадони на қилай?¹
 Дилу дин учун у бир балойи офат,
 Сўйла, бу каби турфа балони на қилай?

294

Сенсиз менга жон чикора² — жонни на қилай?
 Жон олами ичра бу жаҳонни на қилай?
 Гар кавну макону³ ломакон сенсиз эса,
 Ул кавну макону ломаконни на қилай?

295

Эй ёр, кюзинга қачонки тушди назарим,
 Йўқдир ҳеч ўшандан бери ўздан хабарим.
 Ғам тунида оҳимдан ҳазар эт зинҳор,
 Ногоҳ сени то тутмасин оҳи саҳарим.

296

Ўздан ўтибон, ёриман бехешларнинг⁴,
 Ҳам захмига⁵ малҳам бари дилрепсларнинг.

¹ Тасаввуф адабиётида дунё кўпинча нозу нима билан уз ошиқлариши йўздан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган бевафо маъшуқага ўхшатилади.

² *Чикора* — нимага керак.

³ *Кавну макон* — борлиқ, қонлот.

⁴ *Бехеш* — қариндош-уруқсиз, кимсасиз. Бу ерда Худодан бўлак киниси йўқлар — сўфийлар, дарвешлар кўда тутилмоқда.

⁵ *Захи* — жароҳат, яра.



305

Очлик рамидан етди бу жон лабга, ажаб,
Тарк айлади-кетди мени бор айшу тараб.
Мен воситаю сабабни, ё Раб, не қилай?
Бевосита ризқни берасан ҳам бесабаб.

306

Оҳ, асли азал ҳамдами паймона манам,
Ҳамкосаи доимию бегона манам.
Майхона билан яқинлигим бордир азал,
Шундан мудом сокини майхона манам.

307

Ишқ аҳлидек ишқ элида афсона ўзим!
Афсонаю ёр базмида бегона ўзим!
Лайлисифат ул ёр ишқининг дашти аро
Ақлу ҳушидан бегона девона ўзим!

308

Ёв таъна тошин бўйнима илса, не қилай?
Бағримни жафю тиғи-ла тилса, не қилай?
Асли икки пулга қиммат олам шуни деб,
Бўғзимга менинг келиб тиқилса, не қилай?

309

Ким оғриса, ҳолини шу он сўргайман,
Ҳақ ҳурмати, чин дилдан, ишон, сўргайман.
Қандай сўрашимни истаса одамлар,
Шу хилда уларни бегумон сўргайман.



315

Қувватласа ким Ҳақ динини ҳар асно¹,
Ҳаққига Худо берар биҳишти аъло.
Дин давлати этагига етказ қўлини,
Эй Тангри, қил элнинг барига лутфу ато!

316

Ишқ ичра манам ягонаи икки жаҳон,
Ошною камолда тоқ санамга, нигарон.
Ишқида фалакдек эрурам саргардон,
Бўлмайди тутиб бу сирни элдан пинҳон.

317

Ҳақ номисиз, эй, сўзингни елга сочма,
Ғани баъзилардек сира олиб қочма.
Юм кўзни-ю Ҳақдан ўзгасидан доим,
Зинҳор уни Ҳақдан ўзгасига очма.

318

Зулфинг ҳаваси яшайди кўнглимда мудом,
Юз шавқи баса яшайди кўнглимда мудом.
Қошинг каби биз тарафга ҳам бир қайрил,
Қошинг қораси яшайди кўнглимда мудом.

319

На меҳнати дарду доғ бор кўнглимда,
На ҳасрати боғу роғ бор кўнглимда.

¹ Асно — вақт, пайт.



Ҳар икки жаҳондан ўлди кўнглим фориғ,
Ҳар иккисидан чарчоқ бор кўнглимда.

320

Гулдек очилиб, биз ила хандон ўлтир,
Ушшоқни қилиб лутф ила шодмон ўлтир.
Токай чопасан у дарди йўқлар қошига,
Дард аҳлига ҳам раҳм эт-у, бир он ўлтир.

321

Келтирмади ёрим ёдига кўнглимни
Ҳам етмади бир бор додига кўнглимни.
Дил оразуси ундан ушаларми десам-ей,
Етказмади ҳеч муродиға кўнглимни.

322

То кўрди гўзал кизингни пинҳона дилим,
Тушди кокилинг домига девона дилим.
Сен келмас эсанг дилимни иалаб, жоно,
Кўйингга борар жон ила мастона дилим.

323

Ул ўтли муҳаббатинг кўнглимда мудом,
Фикри вами фурқатинг кўнглимда мудом.
Сенсиз ўтирган эсам-да ҳар мажлисда,
Андишан суҳбатинг кўнглимда мудом.



324

Эй Тангри, мени халққа раҳбар айла!
 Сардафтару¹ сарфарозу сарвар айла!
 Ғам даштги аро фалак каби саргардон —
 Этма мени-ю, дилим мунаввар айла!

325

Жон оламида сен каби бир жон бўлмас,
 Хуснингни кўриб, мен каби ҳайрон бўлмас.
 Кўйинг каби менга боғи ризвон бўлмас,
 Мендек унда бир булбули нолон² бўлмас.

326

Кўрса сени хушҳол бўлади аҳли яқин³,
 Чеҳранг нуридан ёришади хонаи дин.
 Ул ёқда Худо васли муяссар бўлсин⁴,
 Бул ёқда дуо қилиб турай лаҳза сайин.

327

Йўқдир бу замонда яхшиликдан фойда,
 Хешларга⁵ ишонма, йўқламас йил-ойда.

¹ *Сардафтар* — бирор соҳадаги табиқли ва машҳур киши.

² *Нолон* — нола қилувчи, фийон чекувчи.

³ *Аҳли яқин* — сўфийлар, орифлар.

⁴ Оллоҳ ўл ризосига эришган хос бандаларига охиратда жамолини кўржатишга ваъда қилган. Бу ерда шунга ишора этилаётган.

⁵ *Хеш* — қариндош-уруғ.



Қонингни ичар улар, Худо номи билан
Дарвеш каби тут мақом киши йўқ жойда.

328

Ҳар дўстки, у дўст бўлар ё душман,
Душман санаса, тигга дучор қил шахсан.
Гулшан гули айлаганда кўзни равшан,
Кўр қилмасин уни то буриқсаб гулхан.

329

Дин йўлига тик бошни — сарафрозлик қил!
Доим жиҳод аҳли ила ҳамрозлик қил!
Тез васлига етмоқ тиласанг Оллоҳнинг,
Топшир Худога жонни-ю, жонбозлик қил!

330

Аҳдингга хилоф иш сира, эй ёр, қилма,
Ҳар ерда ўзингни бу билан хор қилма.
Ваъдага баъзан вафо қилолмассан ҳам,
Бас, ҳеч кишига ваъдани бисер қилма.

331

Ибрат бўлур ўзгага бировнинг ўлими,
Ҳикмат дуридир мазорни(нг) ҳар зарра қуми.
Бўлсин назаринг покиза ақл аҳли каби,
Боққанда биров хоки покига, муҳими.



332

Тан мулкига, эй кўнгил, мудом ҳоким бўл!
 Чилтан¹ каби Оллоҳга яқин доим бўл!
 Бу дунё хаёлига гирифтор бўлма,
 Бу дунё хаёлидан кечиб, қоим бўл!

333

Каъбага киши борса — на хуш давлат бу!
 Унда югуриб, ҳорса — на хуш давлат бу!
 Оллоҳ умида бори жаҳонни унутиб,
 Раббига дилин ёрса — на хуш давлат бу!

334

Ишқ этагидан қўлингни кўтоҳ айла,
 Йўл гардидек ўзингни хоки роҳ² айла.
 Ҳар ишни Худо йўлида қилмоқ бўлсанг,
 Оллоҳ ҳақи, холисанлиглоҳ айла!

335

Ҳақ дўстига, эй дўст, мададкорлик қил,
 Ёрлигу ҳаводорлигу вамхорлик қил.
 Оллоҳ йўлида қилиб ҳар эзгу ишни,
 Ҳақ лутфу карамига умидворлик қил.

¹ *Чилтан* — диний тасаввуфларга кўра, райритабий кучга эга бўлган афсонавий 40 руҳ.

² *Хоки роҳ* — йўл устидаги туپроқ; мажозан: хоксор.



336

Синди қадаҳи-ю, кетди Жам ҳам изидан,
Чекиб аламу андуҳу мотам изидан.
Бу ғамкадада¹ биргина шодлик тиласанг,
Келгай қидириб шу лаҳза минг ғам изидан.

337

Ғар бўлса жаҳон зеру забар, ғам чекма!
Ё бўлса у бундан-да батар, ғам чекма!
Сендан сўрамайдн ҳеч киши ҳеч нарса,
Бўлсанг баридан, бас, беҳабар, ғам чекма!

338

Етказгай у шўх жабру жафо ошиққа,
Юз турфа ғаму дарду бало ошиққа.
Шу кунгача ҳеч кимга вафо қилмади, бас,
Қилмоғи гумон энди вафо ошиққа.

339

Эй дил, май ичиб, хурраму масрур бўлма!
Ўз тоату зухдинг² ила мағрур бўлма!
Сен ўзни унут — муқарраби Ҳақ бўласан,
Лек Ҳақни унутма сира — кофир бўлма!

¹ *Ғамкада* — ғам уйи; мажозан: қайғули олам.

² *Зухд* — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезгорлик, порсолик.



340

Келтирган эди бу хирқа¹ ҳасрат менга,
Ғамгин қилибон кулфату фурқат менга.
Келиб яна ихлос юзидан сурдим юз,
Юз шукрки, тутди хирқа Ҳазрат менга!

341

Раҳмат тарафдорлигу сардорлигингга!
Раҳмат вафодорлигу ҳам ёрлигингга!
Раҳмат вафо йўлида бизга қилган
Оллоҳ карами бирла мададкорлигингга!

342

Ҳақ йўлида, эй дўст, учраниш бор бизга,
Оллоҳнинг ўзи пушту паноҳ, ёр бизга.
Ҳақ қўлиамаса — зафар муяссар бўлмас,
Гар мўру малахдек² жангчи бисёр бизга.

343

Эй дил, вужудингни тарк этиб, фоний бўл!
Нафсингни талоқ айла-ю, руҳоний бўл!
Ҳеч тинглама ёлғон ила ноҳақ сўзни,
Ҳақни эшит-у, Ҳақни де — ҳаққоний бўл!

¹ *Хирқа* — шайху муридлар киядиган махсус кийим.

² *Мўру малах* — чумоли ва чигиртка; ҳашаротлар.



344

Ҳеч сўзлама ёлғон, эй яхши инсон,
 Эл олдида нораво гапирмоқ ёлғон.
 Боссин, десанг, олдинга ишим ростлик ила,
 Касб дйла-ю ростликни, рост сўзла ҳар он.

345

Йўқ жисмим аро мадор, оҳ, дардингдан!
 Дилда ғам ўқи қатор, оҳ, дардингдан!
 Токай чекай, эй нигор, оҳ, дардингдан!
 Оҳ дардингдан, минг бор оҳ, дардингдан!

346

Кўзимнинг оқу қораси, бозор борма,
 Тапслаб мени ошуфтани бо зор борма.
 Боз зорлик ила дилимни боз зор этиб,
 Бозор борма сен сира, бо зор борма¹.

347

Ёлғизликдан нолима, эй яхши киши,
 Ҳақдан тила — Ҳақдан битади банда иши.
 Оллоҳ дегил, ҳасбатанлиллоҳ дегил,
 Бўлсин, десанг, Оллоҳни(нг) мудом навозиши.

¹ Бу ерда «бозор» сўзи воситасида тажниси ҳосил қилинган бўлиб, биринчи мисрада у «бозор», иккинчисида «зор қилиб», тўртинчисида эса «зорлик билан» маъноларида келган.



348

Токайгача йиғлар дилу жон дардингдан?
Токай қиламан нола-фигон дардингдан?
Дунёдан ўтарман ғаму ҳасрат бирлан
Фарёд этибон, оҳ чекибон дардингдан!

349

Яйрар вужудим пеъматининг лаззатидан,
Осуда дилим фурқатининг меҳнатидан.
Юз қатла шукрки, баҳраманд этди Ўзи
Лутфи булути-ла ёғдириб раҳматидан.

350

Эй, қиблаи ҳожот Сенинг даргоҳинг,
Қилгай тавоф ҳар зот Сенинг даргоҳинг.
Қолдирмагай оламда бирор кимсани ҳам
Бечораю бенажот Сенинг даргоҳинг.

351

У бирла эдик, ёху, не сену не мен,
Кўзгу каби рўбарў не сену не мен.
Келтирди жаҳонга бизни-ю, берди ҳаёт,
Ундан яшагай айру не сену не мен.

352

Бу дил каби, эй жон, кўйида расво бўл!
Оввораи ишқу сокини сахро бўл!



Ишқ айши¹ муяссар бўлишин гар тиласанг,
Ўзлик² ипин уз — дунёга бепарво бўл!

353

Майхона аро толиби коммиз баримиз,
Риндмиз, агарчи некноммиз³ баримиз.
Биздан сира жом бирла каромат тилама,
Зероки, муриди шайхи хоммиз баримиз.

354

Эй, азгу жамолинг тарабафзойи⁴ ҳама,
Дийдорингни кўриш таманнойи⁵ ҳама.
Тортмасман оёфингни хоки кўйингдан,
Зеро, хоки кўйинг эрур жойи ҳама.

355

Ишқ аҳли каби дарбадар асли у ҳилол,
Юлдузлар ила сирлашади Лайли мисол.
Севги кучидан кўк тоқига чиқди-ю у,
Ошиқлари ер узра қолиб, топди завол...

356

Ҳақдан тилагай мададни ёлғиз бу қавм,
Душман қонига мудом ювар юз бу қавм.

¹ *Айш* — Ҳақ билан яқинлик лаззатига ишора.

² *Ўзлик* — инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги.

³ *Некном* — яхшилик билан ном чиқарган, машҳур.

⁴ *Тарабафзо* — хурсандликни опирувчи.

⁵ *Таманно* — истак, хоҳиш, мақсад.



«Ло ҳавлу ва ло қуввату илло-биллоҳ»¹, —
Дейди дилу жондан кеча-кундуз бу қавм.

357

На ўз ишимиздан малулимиз баримиз,
На ғофилу нодону на гўлмиз баримиз.
Юз қатла шукрки, аҳли олам ичра
Биз уммати ҳазрати Расулмиз баримиз!

358

Эй Тангри, бу қулга карамингни ёр қил!
Бандангни Ўзингдан ўзгадан безор қил!
Тунлар мени ғафлат уйқусига қўйма,
Эт оғаҳ Ўзингдан-у, мудом бедор қил!

359

Ишқида гўзалларни(нг) харобдир барча,
Шавқ ўтида ўртаниб, кабобдир барча.
Ойдек эса-да уйқула қадр тунидаги,
Ойдек юзи бирла офтобдир барча.

360

Май мажлисида май ила сархушлик саз!
Ҳушёрликдан ҳаминша беҳушлик саз!
Сен борсанг агар мажлисга одоб ила
Хомуш ўлтир, баридан хомушлик саз!

¹ Барча куч ва қудрат соҳиби ягона Оллоҳдир.



361

Ўткинчи жаҳонни тарк этиб кетди ҳама,
Руҳининг қафасин бир-бир силкитди ҳама.
Аслида яралганди қаро тупроқдан,
Айланди яна тупроққа — йитди ҳама...

362

Олсанг-да жаҳонни зўр билан — охири ҳеч,
Юз йил яшасанг-да унда сан — охири ҳеч.
Дунёдаги бор шоҳлар оёрингни ўлиб,
Турса сени(нг) хизматингда шан — охири ҳеч.

363

Баярим ўтидан жисмим аро тоб йўқдир,
Ўт ёлқинидан дил кўзида об йўқдир.
Ойдек юзидан узоқ узун тунларда
Қонли бу кўзимда заррача хоб йўқдир...

364

Эй дил, гар шоҳлик тахтида ўлтирасан,
Ҳар дам мени ошуфтаю ҳайрон кўрасан.
Бу шоҳлигу бу шухрату бу дабдабадан
Дарвешу фақирлик яхшироқ гар сўрасанг!

365

Ёлғиз ўзи на ранжу алам бўлгайдир,
На зулму ситам, на дарду ғам бўлгайдир.
Ҳар қайда қувонч бор — қайғу ҳам бўлгайдир,
Иккиси мудом бирга — баҳам бўлгайдир.



366

Эй Тангри, висол ҳарамига йўл бергил!
Мендан аяма марҳаматинг, қўл бергил!
Дутфингдан умидим шуки: ҳар не тиласам,
Ҳар икки жаҳонда менга мўл-кўл бергил!

367

Бўлди ишим ишқингда менинг ҳайронлик,
Ҳар лаҳза фалак мисоли саргардонлик.
Яхши биласан Ўзинг менинг ҳолимни,
Ошиқ иши девоналигу нодонлик.

368

Ё Раб, ҳама дардга даво қилгайсан,
Дорушиифойингдан шифо қилгайсан.
Қулдир эшигингда шоҳлари дунёнинг,
Сен кимни шоҳу кимни гадо қилгайсан.

369

Бир лаҳза нафс мутеъи фармон бўлмас,
Ўз қилмишидан сира пушаймон бўлмас.
Дунёдаги бор мазҳаблар ҳукми билан
Кофир аталур у — ҳеч мусулмон бўлмас!

370

Эй солик, агар бўлсанг мардлар фарди,
Пок дилинга қўнмасин риёнинг гарди.
Мардона сулук айлагил андоқ, токи
Мардлар атасинлар сени мардлар марди!



375

Дунё молу мулкени нетарман, эй ёр,
Ҳажрингда ўлим топиш менга соз минг бор.
Ёлғиз умидим: икки жаҳонда, ё Раб,
Зор қилма Ўзингдан ўзга зотга зинҳор!

376

Сабр айласа ким, музаффару¹ мансурдир²,
Саъй-райратидан шокиру ҳам машкурдир³.
Яхши иши олдинга агар босса вале
Ақл аҳлининг олдида гўё маърурдир.

377

Бўлмай туриб, эй ёр, ҳануз хони Ҳирот,
Бошим беамай афсари⁴ султони Ҳирот,
Ақлу ҳушим олдилар Ҳирот хурлари-ю,
Тўлди бу дилим оҳига осмони Ҳирот.

378

Эй дил, кезамиз олиб Ҳирот ёшларини,
Энди бу шаҳар бовлари, сув бошларини.
Ул «Бови хиёбон»⁵ ичра бир давра тузиб,
Соқий қиламиз Ҳирот қаламқошларини!

¹ *Музаффар* — ғолиб.

² *Мансур* — ғолиб, зафар қозонган.

³ *Машкур* — шукр қилувчи, маъқул.

⁴ *Афсар* — тож.

⁵ *Бови хиёбон* — Ҳиротдаги машҳур бов.



379

Бўлдим Худо лутфи билан хони Ҳирот,
Бошим безади афсари султони Ҳирот.
Боз устига, бўлдим кўзим гавҳаридек
Ой юзли гўзалларингни(нг) ҳайрони, Ҳирот!

380

Мен сарв каби Ҳиротда сокин бўлдим,
Ҳар боғу хиёбонига мафтуни бўлдим.
Ой юзли гўзалларининг ҳуснига боқиб,
Ақлу ҳуш учиб, мисоли Мажнун бўлдим.

381

Қош қоқади ишва билан ул сарви равон,
Қалбимни қилиб кинриги ўқига нишон.
Ўқдек ўзига тортишидан дилда ҳалик,
Ўқдек ўзидан отмасин узоққа дебон.

382

Ўз дарду ғамингга бунчалик боғланасан?
Нафс оташи ичра ўртаниб, доғланасан?
Ўткинчи жаҳон муҳаббатин тарк айлаб,
Ҳақ амрини туттали қачон чоғланасан?

383

Йўқ ўзга ғами агарда ёрим бўлсанг,
Нечук чекайин ғам — ғамгусорим бўлсанг.



Ялдо тунидек¹ бўлди куним ҳажрингда,
Кошки уни ёритгучи норим² бўлсанг!

384

Сен кийма япил либосинг, эй сарв, асло,
Кийсанг, бўласан гул каби шўху раъно.
Бир кун бу жаҳон бопдан-оёқ бўлса фано,
Йўқ гулдек ўзингни безатишда маъно.

385

Эй марҳами жон, менга даво келтирдинг,
Бул хаста дилу жонга шифо келтирдинг.
Излардим уни ўзга шифохонадан-ей,
Лутф айлаб Ўзинг, манга даво келтирдинг.

386

Орзум шу: мени халқ ичра мумтоз айла,
Лутфу карамингни мен сари боа айла.
Ё Раб, менга инъоминг фаровон айлаб,
Вақт келди — бу бандангни сарафроз айла!

387

Сен ёритасан фалакнинг олд-охирини,
Сен яшнатасан заминнинг ўру қирини.
Кўк, майса каби баҳорга бўлдик интиқ,
Ёвдир бошимиздан караминг ёмғирини!

¹ Ялдо тун — қишининг энг узун кечаси.

² Нор — бу ерда: шуъла, ўт, олов.



388

Бергувчисан, эй Тангри, муродимни Ўзинг!
Ҳам тинглагучисан арзу додимни Ўзинг!
Сен қўлламасанг — юришмагай ҳеч бир иш,
Бергувчисан ҳар ишда муродимни Ўзинг!

389

Эй дил, мендан на кўз, на жон топгайсан,
На нолаю фарёду фивон топгайсан.
Топай сени деб ўзни йўқотдим андоқ —
Мендан энди на ному нишон топгайсан.

390

Эй банда, сира бермагил озор кишига,
То бор экан умринг, бўлавер ёр кишига.
Қил андиша — ҳеч дилни гирифтор этма,
То ногаҳ ўзинг бўлма гирифтор кишига.

391

Эй кошки ватан «Боғи хиёбон» бўлса!
Ё «Боғи сафид»у «Боғи зорон» бўлса!
Ё «Боғи дилоро»ю, «Жоҳоноро» ҳам,
Ё «Боғи гулистон»у «Гулафшон» бўлса!¹

392

Ишқингда дилим гунча каби боғлаб қон,
Девона бўлибман, эй саҳройи жонон!

¹ Бу ерда Ҳиротнинг машҳур боғлари тилга олинган.



Мен — банда: жону дилдан адо эттайман,
Подшоҳим — ўзинг: ҳар нима қилсанг фармон.

393

Туз ҳаққини билмасанг агар, эй инсон,
Эл ор қилади аташга ҳагто ҳайвон.
То сенда бу хил ёмон сифат мавжуд экан,
Сен инсон эмассан, девсан ё шайтон.

394

Мастман ҳидига Ҳирот бўстонларининг!
Ошуфтасиман сарви хиромонларининг!
Тенгсиз бариси ҳусну малоҳат ичра,
Дол дастидан-ей Ҳирот жононларининг!

395

Ҳақ лутфи билан бўлсам агар хони Ҳирот,
Инсофу адолат ила султони Ҳирот,
Ҳақ лутфи билан ўшал замон бўлгайман
Ҳамсуҳбату ҳамнишини хўбони¹ Ҳирот.

396

Хурлар-да Ҳирот қизларига ҳайрон эмиш,
Фирдавсу Ҳирот, улар боғу бўстон эмиш.
Булбул каби сархушам бу гуллар ҳидидан,
Бир ишваси юзта дардингта дармон эмиш!

¹ *Хўбон* — гўзаллар, эбо қиз ва аёллар.



397

Жон гулшанида кунчаи хандоним ўзинг!
Дунё боғида сарви хиромоним ўзинг!
Сенсиз бу кўзим ҳеч нимани кўрмайдир,
Эй гавҳари бу дийдаи гирёним ўзинг!

398

Босмайди ишинг олға таваккул қилмай,
Андишани жузъу фикрати кул(л)¹ қилмай.
Гул қошида дам урма вафодан асло,
То жабри тиканига таҳаммул қилмай.

399

Ҳақдан неча ном-нишон сўрайсан биздан,
Гоҳ очигу гоҳ ниҳон сўрайсан биздан.
Бир лаҳза ўзинг жудо эмассан Ундан,
Ҳар лаҳза қилиб гумон сўрайсан биздан.

Фарс тилидан Эргаш ОЧИЛОВ таржималари

¹ Кўзг — ҳамма, барча, бутун.



МУНДАРИЖА

Эргаш ОЧИЛОВ. Забардаст рубоийнавис

Р у б о и й л а р

«Туркий девон»дан

«Форсий девон»дан (*Эргаш Очиров таржималари*)

Убайдий

Дийдор орзуси: Рубонийлар / Убайдий; Нашрга тайёрловчи, тарж. сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. — Т.: «Шарқ», 2007. — 240 б. (Шарқ мумтоз шеърини дурдоналари).

ББК. 84(5у)1

УБАЙДИЙ

ДИЙДОР ОРЗУСИ

Рубонийлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Мухаррир *Ш. Эргашева*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусахҳиҳлар: *Ж. Тонирова, Н. Ўрлово*
Саҳифаловчи *Л. Бацева*

Босишга рухсат этилди 31.01.2007. Бичими 70x90¹/₃₂. Бодони гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табиғи 8,77. Нашриёт-ҳисоб табиғи 10,56. Адади 5000 нусха. Букюртма № 3136. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.